

ЎЗБЕКИСТОН ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№10. 2021

**1 ОКТЯБРЬ — УЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАР КУНИ**



ЮКСАК УНВОН КАТТА МАСЪУЛИЯТДИР



Бухоро вилояти Бухоро туманидаги «Маданият Муҳаммад Исмаилов» фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Аҳмедов фермерликда ҳавас қилса арзийдиган натижаларга эришган.

У кўп йиллар давомида тракторчи, оддий ишчи, механик, табелчи, бўлим бошлиғи, хўжалик раиси сифатида меҳнат қилди. Бухоронинг чўл-дашт ерларида пахта, бошоқли дон етиштириб, фермерликда ўзига хос тажриба ва маҳорат мактабини яратди.

М.Аҳмедов қишлоқ хўжалиги соҳасида 30 йилга яқин самарали меҳнат қилиб, ер билан ишлаш сир-асрорлари, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини пухта ўзлаштирди. Ҳозирда хўжаликнинг умумий майдони 196 гектар, шундан 122 гектар пахта, 74 гектар ғалла майдонлари ҳисобланади. Хўжаликда 35 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2 миллион 650 минг сўм атрофида. Бугунги кунда нафақат вилоятда, балки республикада етакчи фермерлардан биридир.

Сўнгги уч йилда ҳудуддаги “Марказий зовур”нинг 8 километр қисми тозаланган ва хўжалик ҳудудидаги ариқнинг 30 километр масофадаги қисмлари қазилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Натижада, шу даврда хўжалик майдонларининг бонитети 58 баллдан 65 баллга кўтарилиши билан бирга 1,5 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланишига эришилган. Унинг раҳбарлигидаги фермер хўжалигида пахта бўйича уруғчилик етиштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Сувсизлик ва шўрга чидамли, ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлган “Жондор қудрати” пахта навини яратиш бўйича тажрибатдақиқот ишлари олиб борилмоқда.

Илғор ва тажрибали фермернинг шудгорлаш, чигит ва дон экиш, экинларни парваришлашга оид, айниқса, пахтачиликдаги илғор агротехника тажрибалари вилоят фермерлари орасида оммалаштирилган. Эришган ютуқлари,

амалга оширган намунали ишлари учун 2014 йилда вилоятда “Энг илғор фермер” ва 2015 йилда “Энг намунали фермер”, деб топилган.

Туман фермерлар Кенгаши аъзоси сифатида ҳудуддаги фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан сўнгги уч йилда тумандаги мавжуд 96 та кўп тармоқли фермерлар сони 120 тага кўпайган.

М.Аҳмедовнинг ташаббуси билан 2018 йилда хўжалик ҳисобидан 10 километр масофага газ қувури, 2017 йилда 13 километр масофага сув қувури ётқизиблиб, Работикалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 6 минг 205 нафар аҳолининг газ ва ичимлик суви таъминоти яхшиланишига эришилган. Ўзбекистон Либерал-Демократик партиясидан сайланган халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати М.Аҳмедов кам таъминланган оилаларга ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан, Янги Ўзбекистонда жадаллик билан олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнидаги ташаббускорлиги, давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона меҳнати, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва ибратли фаолияти, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Муҳаммад Аҳмедовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

– Инсон учун тинчлик-тотувликдан кўра қадрлироқ неъмат йўқ, – дейди Муҳаммад Аҳмедов. – Бугун биз эришаётган ютуқлар ана шу буюк неъматлар шарофатидандир. Айниқса, Президентимизнинг қишлоқ хўжалигига, тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлари, соҳага бўлган юксак эътибор ўз самарасини бермоқда. Бугун барчамизда ислохотларимизга дахлдорлик ҳисси, меҳнатимиз самарасига бўлган ишонч ортмоқда. Мен аслида фарзандларим, набираларимга ўрнатиб, Ватанимизга хизмат қилаётганимдан хурсандман. Президентимиз кўрсатган юксак эътибор менга катта масъулият юклайди.



ҲАҚИҚИЙ ИБРАТ НАМУНАСИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг самарали меҳнат фаолияти ғайрат-шижоатга тўла, босиб ўтган умр йўлига ҳамма ҳавас қилади. Мамлакатимиз сув илми ва амалиётининг етук билимдони, қатъиятли раҳбар ва бағрикенг устозимиз Исмоил Ҳақимович Жўрабеков ана шундай ҳавас қилгулик инсон ва барча сувчилар учун ҳақиқий ибрат намунасидир. Бинобарин, у кишининг умр йўлида яратувчанлик, бунёдкорлик, эзгуликни кўрасиз.

Исмоил Жўрабеков 1955 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини аъло баҳоларга битиргач, қайси жамоада ва қайси лавозимда ишламасин, доимо муаммоларни ҳал қилмагунича тиниб-тинчимаслиги, вазиятга реал баҳо бериши, ташаббускорлиги, ташкилотчилиги, ўта талабчанлиги ҳамда етук раҳбарлик салоҳияти билан одамлар меҳрини қозонган.

Ўтган асрнинг олтинчи, етмишинчи, саксонинчи йилларида Ўзбекистонда барпо этилган энг йирик ирригация ва мелиорация иншоотлари, ўзлаштирилган ҳудудларнинг барча-барчасида у кишининг фаол иштироки ва муносиб ҳиссаси борлигига гувоҳимиз ва бу иншоотлардан ҳозиргача фойдаланиб келмоқдамиз.

Ўз даврида Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Президентнинг давлат маслаҳатчиси лавозимларида самарали ишлади. Айниқса, мустақилликнинг илк йилларида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари сифатида мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб муаммолар ва масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама фаоллик кўрсатди.

Исмоил Ҳақимовичга турли даврларда республикаимизни бошқарган раҳбарлар билан бирга ишлаш бахти насиб этди. Усмон Юсупов босиб ўтган йўллардан юрди, Шароф Рашидовнинг назарига тушди, мустақилликнинг илк йилларида кечган оғир даврларда Ислоҳ Каримов билан елкама-елка ишлади. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайланганидан сўнг “яшариб”, фидойилик билан яна қизгин меҳнат жараёнига киришиб кетди. Армонлари, йиллар давомида юрагининг тубида асраб келаётган орзу-ниятлари охириги беш йил ичида ушалди, десам муболага эмас.

Айнан у кишининг саъй-ҳаракатлари ва Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлови билан 2018 йилда Сув хўжалиги вазирлиги янгидан ташкил этилди. Вазир маслаҳатчиси сифатида Исмоил Ҳақимовичнинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида сув хўжалиги ходимлари малакасини оширишнинг бутунлай янги тизими яратилди.

Умрни оқар дарёга менгайдилар. Айнан Исмоил Ҳақимовичнинг умр йўлини



оқар сувга ўхшатгим келади. Сув ўз оқими бўйлаб борар экан, ҳар бир манзилга яшиллик, ободлик бағишлайди. Қақраб ётган ерлар ҳам сув бир югуриб ўтганидан сўнг кўркамликка бурканади, сўлиб, ҳолсизланиб қолган ҳайвонот ва наботот олами айнан сувдан куч олади, сув билан қаддини кўтаради.

Исмоил Ҳақимовичнинг умр йўли худди оқар сувдек жўшқин кечди. Баъзи манзиллардан шиддат билан ўтди, улардан ёрқин из, эзгу амаллар қолди. Ҳаётнинг тинч, сокин босиб ўтилган манзиллари ҳам бўлди. Сувнинг йўлини ҳеч нарса, ҳеч ким тўса олмаганидек, яна тўлиб оқди, умр дарёсининг олдинги ўзанига тушиб олди.

Улкан заковат ва салоҳият эгаси, истеъдодли раҳбар ва моҳир ташкилотчи, давлат ҳамда жамоат арбоби Исмоил Ҳақимович кўплаб мукофотлар билан тақдирланган. 1981 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони, 1992 йилда “Меҳнат шўхрати” ордени, 1994 йилда “Эл-юрт хурмати” ордени, 1996 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени, 1998 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони, 2017 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. 2018 йилда Тожикистон Республикасининг “Дўстлик” ордени соҳиби бўлган.

2021 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени ҳамда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан мукофотланди.

Моҳир сиёсатчи Исмоил Ҳақимович Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий-ижтимоий ҳамкорликни, кўшни халқлар билан дўстона алоқаларни тиклашга бекиёс ҳисса қўшди. Хусусан, ўтган асрнинг

90-йилларида Тожикистон Республикасида юзага келган фуқаролар уруши даврида қийинчиликларни бошдан кечириётган қардош тожик халқига инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш, уларни озиқ-овқат билан таъминлашдаги у кишининг меҳнатларини тожик биродарларимиз ҳамон миннатдорлик билан эслайди.

Исмоил Ҳақимович билан дилдан суҳбатлашсангиз, қайтадан эътибор ва қадр топгани, орзу-армонлари ушалишига шароит яратиб бергани, ҳолидан доим хабардор бўлиб тургани, бу билан сўнаётган умидларига нур бериб, гўё иккинчи ҳаёт бағишлагани учун Давлатимиз

раҳбаридан беҳад миннатдор эканлигини тақрор-тақрор таъкидлашдан чарчамайди.

Жўшқин фаолияти ва бор салоҳиятини сув хўжалиги ривожига бағишлаган, буни умр мазмуни деб билган Исмоил Ҳақимович, шубҳасиз, катта мактаб яратди. У кишининг шогирдлари бугун республикаимизнинг барча ҳудудида, сув хўжалиги ташкилотларида меҳнат қилмоқда.

Ўзи эса ҳамон эл-юрт ташвиши билан яшайди, улуғ ёшга етганида ҳам илм эгаллашдан заррача чекинмасдан, аксинча, йиллар давомида эгаллаган билимларининг “қаймоғи”ни одамларга улашиш учун интилади.

Исмоил Ҳақимович турмуш ўртоғи раҳматли Сура ая билан бахтли ҳаёт кечирди. Уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатига ҳамма ҳавас қиларди. Уч ўғилни жамиятимизга муносиб хизмат қиладиган инсонлар этиб вояга етказдилар. Ўқитиб, уйли-жойли қилишди. 8 нафар неварга, 10 нафар чевара кўрдилар.

90 ёш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ана шундай улуғ ёшни қаршилаётган Исмоил Ҳақимович зуваласи пишиқ, меҳнатда тоблангани туфайли ҳали ҳам бардам, тетик. Ҳамон сафда.

Устознинг ҳормай-толмай, шижоат билан ҳали яна узоқ йиллар соҳа ривожига ҳисса қўшиб юришларини Яратгандан сўраб қоламиз.

Шавкат ХАМРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси

Сув хўжалиги вазирини,

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

БОҒБОҢНИНГ КУЗГИ ЮМУШЛАРИ

Октябрь ойида барча боғлар ва тоқзорларда суғориш ишлари тўхтатилади.

Боғларда ҳайдовдан олдин 15-20 т. гўнг, минерал ўғитлардан соф ҳолда 180 кг. фосфор, 90-100 кг. калий солиниши зарур.

Суғориладиган бўз тупроқли боғларда дарахтларнинг қатор оралари 25-30 см., шағалли ерларда эса 10-15 см. чуқурликда шуддорланади. Бунда юза жойлашган дарахтларнинг илдизлари шикастланмайди. Боғларда тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида қатор ораларига сидерат ўтлар экилса, тупроқ унумдорлигини оширишда яхши натижа беради.

Уруғли боғларда (олма, нок, беҳи) тўкилган барглари зараркунанда ва касалликларнинг юқумлари сақланиб қолади, шунинг учун боғлар қатор ораларининг тупроғи ағдариб ҳайдалади, ҳайдалмай қолган ҳар бир дарахт атрофи 25 см. чуқурликда ағдариб чопилади. Касалланган, синган шохлар, қуриб қолган дарахтлар қирқилади ва боғ ташқарисига чиқариб ташланади. Об-ҳаво шароитига қараб, агарда октябрь ойи охирида дарахтларнинг барги ёппасига тўкилса, бундай боғларда манилиоз, парша каби касалликларга қарши 3 фоизли бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак олтингурут қайнатмаси билан жиққа хўллаб пуркаш керак.

Ойнинг учинчи ўн кунлигида барча мева дарахтлари, биринчи галда шафтоли, олхўри, ўрик, гилос дарахтларининг тана ва она шохларини оқлаш зарур. Дарахтлар оқланса, дарахтлар танасидаги ёриқликларда кўплаб зараркунанда ва касалликларнинг замбуруғлари дарахтлар танасидаги ёруқликларида қишлаши боис улар йўқ қилинади, шу билан бирга дарахтлар қишки совуқлардан ҳимояланади. Дарахтларни оқлашда 10 л. сувга 2 кг. тупроқ, 1,5-2 кг. оҳак қўшиб оқланади. Мол шатмоғи қўшилса оқланган жой тез ювилиб кетмайди.

Ток тупларининг новдаларини кесиш икки муддатда: ерга кўмиладиган тоқлар кузда, кўмилмайдиган тоқлар асосан эрта баҳорда кесилади.

Тоқдан мўл ҳосил олиш учун улар ҳар йили кесилиб, маълум шаклга келтирилади. Ток новдаларининг сони ва тупда жойлашиши унинг ўсиш кучига қараб тартибга солинади. Мўл ҳосил олиш учун доимо яхши пишган, бақувват, соғлом ва бағазларда яхши ётадиган, нормал бўғим орасига эга бўлган новдалар қолдирилади.

Токни умумий қабул қилинган технологияси бўйича кесиш зарур. Ток кўмиладиган туманларда кесиш вақтида тупларда қабул қилинган меъёрдан 20-25 фоиз қўшимча кўзлар қолдирилади. Кучли ўсадиган "Пушти тоифи", "Нимранг", "Хусайне", "Ризамат", "Қора кишмиш" каби навларда кўзлар кўпроқ қолдирилиб, узунроқ кесилади. Бир тупда 200-300 тагача кўз қолдирилиб, ўртача ўсувчи "Баян Ширей", "Ркацител", "Саперави", "Мускат розовый" навларида кўзлар сони 150-180 тагача қолдирилади. Кучсиз ўсадиган "Рислинг", "Пино Чёрный" навларида 80-120 та кўз қолдирилади.

Пишган новдаларни кесишда, уларни пастки симга боғлаш мумкин бўлсин, заифроқ новдалар 2-3 та кўзча қолдириб кесилади. Келажақда 4-5 та занг бўлиши учун новдалар қолдирилади, 9-10 ёшли занг новдалар янгилиниш мақсадида кесиб ташланади.

Ток туплари кўмилмайдиган минтақаларда ток туплари кесилмайди, чунки кесилган тоқнинг совуққа чалиниши кучаяди. Кесиладиган тоқларнинг нави, ёши ва симбағазнинг турига қараб шакл ва юклама берилади.

Республикамизда айрим йиллари қишда ҳаво ҳарорати қисқа муддатли минус 25-30 даражага пасаймоқда, бу ток тупларининг қишда кўмишни талаб этади. Шимолий ҳудудларда ток устига етқизиладиган тупроқ уюмининг баландлиги 25-30 см., бошқа ҳудудларда эса 20-25 см. бўлиши керак. Кузги совуқлар ҳам ток



тупи учун зарарли, шунинг учун тоқлар яхши кўмилиши зарур.

Ёмон кўмилган ёки кеч кўмилган ток туплари кузги совуқлардан, кейинчалик эса қишки совуқлардан зарарланади, новдаларни совуқ уриши натижасида келгуси баҳорда улар қуриб қолади. Тоқларни кўмиш вақтида тупроқ ток кўчатини яхши кўмиши учун намлиги 70-80 фоизни ташкил қилиш зарур. Бунинг учун ток новдалари қўндоқланганидан сўнг ёки олдин тоқзор қатор ораси енгил суғорилади.

Ушбу ойда тоқзорлардаги асосий ишлар бу ток тупларига шакл бериб, навларига қараб кўзлар миқдорини қолдиришдир. Авваламбор, ток новдаларини кесишда биринчи галда антракноз ва бактериал рак билан зарарланган новда ва занглар қирқиб олиниб, тоқзорлардан чиқариб ташланади ҳамда ёқиб юборилади. Кўпинча, деҳқонлар ток тупларини ёпишда қирқилган новдалардан фойдаланишади. Бунга асло йўл қўймаслик керак.

Барг ва новдаларда касаллик юқумлари бўлганлиги боис келаси мавсумда тоқзорлар янада кўпроқ зарарланадилар. Шунинг учун тоқзорларда ток тупларини ёпишда ток рудаларини кўлламаган маъқул. Яхши ёпилмаган тоқлар қишки совуқлардан шикастланади, бу хол ўз навбатида бактериал касаллиги кўпайишига олиб келади.

Кесилган ток туплари қўндоқланиб ётқизилгач, ёпишдан олдин оидиум (кул), антракноз, милдью ва рак касаллик юқумларига қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингурут қайнатмаси ёки мис купоросининг 3 фоизли эритмаси билан жиққа хўллаб пуркаш зарур.

Узумдан мўл ҳосил олинадиган тоқзорларда ҳар 3-4 йилда гектарига 30-40 тонна миқдорида органик ўғит (гўнг) солиб туриш зарур. Бунда ўғит ток туплари қишга кўмилгандан сўнг ерни 25-35 см. чуқурликда ҳайдаб кейин сочгич билан солинади. Органик ва минерал ўғитларнинг аралашмасини чуқур қовлагич билан қазиладиган 60x60 см. ли чуқурларга тупдан 50-60 см. узоқликда солиш жуда ҳам юқори самара беради. Бунда ҳар бир чуқурга 20-30 кг.дан ўғит солинади.

Суғориладиган бўз тупроқларда ўстириллаётган тоқзорларда минерал ўғитлардан соф ҳолда фосфор 90 кг. ва калий 60 кг. 1 гектарга солиш тавсия этилади. Мазкур тадбирлар сифатли амалга оширилса келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,

қ.х.ф.ф.д. катта илмий ходим,

Елена ДОРОХОВА,

етакчи илмий ходим,

Абдурахмон ПАРДАБОВ,

кичик илмий ходим

Академик М. Мирзаев номидаги БУВАВИТИ.

СОҶИБКОРГА ҲАР БИР КУН ҒАНИМАТ

Сабзавот ва картошка ҳосилини йиғиб олиш ва сақлаш

Деҳқон аҳли кузнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ёз бўйи қилган меҳнати маҳсулини йиғиштиришга киришди. Эндиги юмуш уларни нест-нобуд қилмай сақлашдир.

Картошка. Кечки картошка ҳосили палаклар сарғайиб, пастки барглари қуригач, туганак пўсти қалинлашиб, столонлардан осонгина узиладиган бўлгач, октябрь охирларидан бошлаб йиғиб олинади. Картошка ҳосили қовланиб олингандан сўнг даланинг ўзида бир неча соат давомда қуритилади ва майда-йирикликка қараб сараланади. Бунда вазни 25-30 г дан юқори бўлган йирик ва ўртача туганаклар товар маҳсулот сифатида ажратилади, майда ва шикастланган туганаклар чиқитга чиқарилади.

Ковлаб олинган ҳосил омборга келтирилганидан 20-25 кун ўтгач, уларни саралаб, лат еган ёки димиқиш туфайли зарарланганларидан холи қилиб сақлашга қўйилади.

Агар даладан келтирилган картошка дарҳол сақлашга қўйилган бўлса, ташқи кўринишидан зарарланганлиги сезилмайдиган айрим туганаклар 10-15 кундан кейин сасий бошлайди ва чиқит кўпайишига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, сақланаётган картошкани 2-3 ойдан кейин, албатта, саралаш зарур. Картошка одатда совутгичли ёки оддий омборларда контейнер, яшик, тўрхалтада тўкма ҳолда сақланади. Омборда ҳарорат 2-4 даража илиқ, нисбий намлик 80-85 фоиз бўлса, маҳсулот яхши сақланади. Бундай шароит сунъий совутиладиган омборхоналарда яратилади.

Картошкани омборда сақлаш имконияти бўлмаган шароитда сизот сувлари яқин бўлмаган ерларда қовланган ўраларга кўмиб сақлаш мумкин. Бунда ўранинг эни 60-70 см, чуқурлиги 70-80 см, узунлиги 2-3 м бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага картошка жойлангач, устига 10-15 см қалинликда похол ёки қамиш ёпилади, сўнгра устидан 30-35 см қалинликда тупроқ тортилади. Картошка шундай шароитда апрель ойигача яхши сақланади.

Картошкани уй-рўзғор шароитида сақлаш учун ёруғ тушмайдиган жой танланиши керак. Чунки ёруғ тушадиган жойда туганак устида кўк ранг пайдо бўлиб, соланин моддаси кўпаяди ва аччиқ бўлиб қолади.

Пиёз. Баҳорда ва кеч кузда экилган пиёзлар сентябрда йиғиб олинади. Пиёз пишганда пиёзбош юмшаб, кейин бўйни қурийд, барглари сўлиб ерга ётиб қолади. Пиёз барглари тўла қуригунча кутиб туриш ярамайди, чунки кечикиб йиғиштириб олинган пиёз яхши сақланмайди. Пиёз махсус маркали қовлагичлар билан ёки қўлда бир марта йиғиштирилади.

Пиёзни сақлашдаги асосий вазифа маҳсулот сифатини пасайтирмасликдир. Сақлаш муддати мумкин қадар узоқроқ бўлишини таъминлаш лозим.

Пиёз совутгичли омборларда тўрхалталарда турли ҳажмли яшик ва контейнерларда штабелланиб, 1-3°C гача пасайтирилган ҳароратда сақланиши мақсадга мувофиқ. Умуман, яхши пишиб етилган пиёз +18°C да ҳам яхши сақланади.

Маҳсулот сақланадиган жой қуруқ, ҳавоси алмашиб турадиган бўлиши керак. Хонадаги ҳарорат илиқ, нисбий намлик 70-75% атрофида бўлгани маъқул. Пиёз музлаб қолгандан сўнг ҳам ўз ҳолига келиши мумкин. Аммо бу ҳол қайта-қайта тақрорланса, маҳсулот сифати бузилади. Пиёз сақланадиган жойда намлик 75% дан ошадиган бўлса, салбий таъсир этади. Бундан ташқари, вегетация даврида пиёз трипс касаллигига чалинган бўлса, узоқ муддатли сақлаш даврида ост ва бўғиз чириш касаллигига чалиниши, илдиз чиқариб кўкариши мумкин. Шунинг учун омборни доимий назорат қилиб туриш талаб этилади.



Сабзи. Доимий совуқ бошланишдан олдин сабзи ҳосилини йиғиштиришни бошлаш керак. Олдиндан ҳосилни йиғиб олиш катта йўқотишларга олиб келади. Куз ойларида кимёвий таркибга бой бўлган илдизмевалари ҳосилининг асосий шаклланиши содир бўлади. Айнан шу даврда фотосинтез маҳсулотларининг 20-30% барглاردан илдизмеваларига етиб боради. Сабзи ҳосилини йиғиштириш пайтида илдизмевалари очик ҳавода камроқ қолишини таъминлашга ҳаракат қилиш керак, сўлиган илдизмевалар ўз кўринишини йўқотади ва сақлашга яроқсиз бўлади.

Сабзи ҳосилини йиғиштиришда экин майдонининг ҳажмига қараб, қўл кучи билан илдизмева қовлагичлар ва ўзи юрак комбайнлар билан амалга оширилади.

Сақланадиган сабзини қовлашдан 10 кун олдин суғориш яхши самара беради. Сабзи барги сарғайгандан кейин қовлаб, баргидан тозаланади ва сақлаш жойига келтирилади. Сабзи совутгичли омборларда контейнер ва 30 кг ли

яшикларда 0-20° С ҳароратда, нисбий намлик 90-95% бўлган шароитда яхши сақланади. Сабзининг эни 50-60, чуқурлиги 80-90 см бўйи, 2,5 -3 м ўрада сақлаш ҳам мумкин. Ўра тупроғи нам бўлиши ва ўт ёки барг тушмаслиги талаб этилади. Ўрага сабзи тўлдириш вақтида эланган қум солиб борилса, сабзи сўлимайди ва узоқ сақланади. Ўра тўлдирилгандан кейин усти похол ёки қамиш (5-10 см) билан ёпилади ва 30-35 см тупроқ тортилади.



Сабзини январь-февраль ойларигача салқин ертўлаларда полиэтилен қопларда, яшикларда (ичига полиэтилен тўшамга қилиб) сўлимаслиги учун устига қум ёки нам тупроқ билан ёпиб қўйиб, кунлик эҳтиёж учун ишлатиб бориш мумкин.

Турп. Ёз муддатида экилган турп ҳосили марказий минтақаларда октябр охири-ноябр бошларида, жанубий минтақаларда бундан 2-3 ҳафта кейин ва шимолий вилоятларда эса 2-3 ҳафта олдин йиғиштирилади. Ҳосилни йиғиштириш сурункали ёғингарчилик ва совуқ кунлар бошлангунига қадар тугатилиши керак.



Ҳосилни йиғиш, саралаш, тўплаш, идишларга солиш ва транспортга ортишда турп илдизмеваларини шикастлан-тирмаслик керак, чунки зарарланган илдизмевалар яхши сақланмайди. Ковлаб олинган илдизмеваларнинг барглари бандидан 2 см қолдириб кесиб ташланади, ундан узун қолдирилса ёки илдизмевага тақаб кесилса, сақлаш вақтида маҳсулотнинг чиришига сабаб бўлади. Барг кесилганидан сўнг илдизмевалар сараланади – ёрилган, майда, зарарланган ҳамда касалланганлари ажратилади.

Турпни узоқ муддат сақлаш учун ҳар бири ўртача 300-500 г келадиганлари танланади. Турп йиғиб олиншидан олдин баргини пичоқ билан кесиб, суви селгигач, қўлда суғуриб олинади. Турп сақланадиган ўра офтоб тушмайдиган, нам ерлардан ковлаш зарур. Турпни кундалик ишлатиб туриш учун ертўла ва шунга ўхшаш салқин жойларда полиэтилен қопларда сақлаш мумкин. Узоқ муддатга сақланиши учун ўрага кўмилади. Турп сақланадиган ўра эни 70, чуқурлиги

90-100 см бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага солинаётганда барг, ўт ва бошқа чиқиндилар, кўкатлар тушмаслиги керак. Ўра тўлишига 10 см қолганда 30 см қалинликда тупроқ ташланади ва икки томони нишаб қилиб текисланади.

Шолғом. Шолғомни сақлаш ҳам турпникига ўхшаш бўлиб, нисбатан нозикроқ ҳисобланади. Шу боис, ўранинг эни 60-70, чуқурлиги 80-90 см, бўйи 1,5-2 м қилиб ковланади. Кўкларда ўра очилиб шолғом сараланади ва захроқ хона ёки ертўлаларда қум остида сақланади. Хўраки лавлаги (қизилча) ҳам худди шолғом сингари сақланади. Карамни сунъий со-вутиладиган омборхоналарда 0-3°С ҳароратда 4 ойгача (март охиригача) сақлаш мумкин.

Ош лавлаги. Ёзги такрорий муддатда экилган ош лавлаги ҳосили октябрь-ноябрь ойларида ёмғир ва қаттиқ совуқлар



бошланишидан олдин йиғиб олинади, акс ҳолда, илдизмева-лар мазасини йўқотади ва узоқ сақланмайди.

Омборхонадаги маҳсулотлар кечаси тезда юзаки қуритилиши ва штабеллардаги ҳарорат +3-5°С га туширили-ши керак. Ош лавлаги сақланишнинг муҳим шартлари — нав ва дурагайларни танлаш. Кўпчилик лавлаги навлари яхши сақланиб туради, цилиндрсимон лавлаги навлари бироз ёмонроқ, лекин улар асосан қайта ишлашга мўлжалланган.

Илдизмеваларни сақлаш учун энг яхши ҳарорат 0-2°С гача, нисбий намлик 85-95 фоиз деб ҳисобланади. Қиш ва эрта баҳорда илдизмеваларни одатда хандақларда сақланади. Ўзбекистон шароитида ош лавлаги учун 70-80 см кенликда ва 80-100 см чуқурликда хандақ ташкил қилинади. Қиш мав-сумида омборхоналарда ош лавлаги 1,5 м.гача қутиларда сақланади.



Ош лавлаги катта ҳажмдаги илдизмеваларини салқин жойларда 3,5-4,0 метргача (5,0-6,0 метргача рухсат этилади) уюмларда сақлаши мумкин бўлади. Лекин бу ҳолатда бир тонна илдизмева ҳисобига соатига 50 кубо-метр ҳавони вентиляторлар ёрдамида алмаштириб туриш талаб этилади.

**Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.,
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.**

ПАХТА ТЕРИМИДА МАШИНАЛАР УЛУШИ ОШАДИ

Қўл теримининг машаққатини кўпчилигимиз бошдан ўтказганмиз, баъзиларимиз шунчаки кўрганмиз ёки эшитганмиз. Ўқувчи, талаба, корхона ишчилари, тиббиёт ходимлари, қўйингки, барча тирик жон 30-50 кун “пахтакорга” айланган. Дарслар ҳам, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам, даволаш ҳам ўлда-жўлда қолиб кетган. Чаламулла битирувчи, билимсиз ва кучсиз мутахассис, сифатсиз маҳсулот, юзаки даъво пайдо бўлган. Буларнинг ҳаммаси эл-юрт ҳаётига, жамият равнақига катта зарар етказган.



Ана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, олим ва конструкторлар томонидан пахта терадиган машиналарнинг яратилишига туртки бўлган. Дастлаб бир (СХМ-48) ва икки (ХВС-1,2; ХТ-1,2; ХНП-1,8А) қаторли, кейинчалик тўрт (14ХВ-2,4; ХН-3,6) ва олти (ХВ-5,4) қаторли машиналар дунёга келган.

Ўз даврида етиштирилган пахта ҳосилининг учдан бир қисми машиналар ёрдамида териб олинган.

Ҳозирда “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси” заводи ва “Технолог” корхонасида МХ-1,8 ва МХ-2,4 русумлардаги икки ва тўрт қаторли яримосма шаклидаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда.

Машина кун бўйи шу тарзда ишлаб, энг камида 10 тонна ёки 10 минг кило пахта теради. Бу битта машина ҳар бири 50 килодан пахта терадиган 200 нафар теримчининг ўрнини босади деганидир.

Пахта териш машинасини оддий механизатор эмас, балки бошқариш, ростлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тадбирларини бир ўзи сифатли бажара оладиган механик-ҳайдовчи ишлатган. Уларнинг кўпчилиги бир терим мавсумида икки қаторли машина билан 100-200 тонна, тўрт қаторли машина билан 200-350 тонна ва ундан ошириб пахта теришга эришган.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари эл ардоғида бўлган. Уларнинг меҳнати муносиб тақдирланган. Кўпчилигига Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилган. Турсуной Охунова эса бу унвоннинг қўш соҳибаси эди.

Мен ҳозир сизларга ўзим яхши билган Қаҳрамон механик-ҳайдовчилар ҳақида гапириб бермоқчиман.

Турсуной Охунова – Ўзбекистон аёллари орасидан чиққан биринчи механик-ҳайдовчи эди. 1975 йилда Пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг ёш ходими бўлганим учун Чиноз туманидаги у ишлатган бригадага янги машинани ҳайдаб олиб борганман. Шу куни бригадага Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбари Шароф Рашидов келган экан. Турсуной

опа янги машина атрофини бир айланиб чиқди, ўриндиққа ўтириб, двигателни ўт олдириди ва аппаратларни ишлатиб кўрди. Кейин далага кириб кетди. Тўрт қатор пахтасини тергандан кейин даладан чиқди ва машинадан тушди. Рашидов ундан “Турсуной, қалай, янги машина сизга ёқдими”, деб сўради. Турсуной опа “Кўриб турибсизлар, машина пахтани ерга кўп тўкмасдан яхши терди, аммо рули аёл кишига анча оғирлик қиларкан”, деди. Шу куни кечаси билан рул бошқарувини энгиллаштирадиган гидрокучайтиргич деган қурилмани заводда ясаб, эрталаб машинага ўрнатиб бердик. Опа уни ишлатиб кўриб, бизга раҳматлар айтди.

Кези келгани учун айтиб қўяй, Турсуной Охуновани икки қаторли машинада бир кунда 22 бункер пахта терганининг гувоҳи бўлганман. Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Турсуной опанинг номи қайтадан ўз ардоғини топганидан роса хурсанд бўлдик.

Абдусаттор Сулаймонов ва Энвер Алиевлар “Ўзбекистон беш йиллиги” тажриба хўжалигида ишлашарди. Абдусаттор Сулаймонов машинани бошқаришнинг пири эди. У машинани даланинг боши ва охирида бирон туп гўзани шикастламасдан янги қаторларга сола оларди. Энвер Алиев далага тушишдан олдин кўсақларнинг очилиш даражаси, кўк кўрақлар сонини чамалаб чиқарди ва терим аппаратини шунга мослаб янгидан созларди.

Қорақалпоғистонлик Ойим Камолова, Андижонлик Ҳафиз Полвонов, Обиджон Акбаров ва Абдуфатто Солиев, Бухоролик Обида Хамроева, Жиззахда меҳнат қилган ака-ука Мамажон ва Тўланбой Дадажоновлар, Сирдарёлик Жавод Кучиев, Аҳмадjon Валиев, Тошкент вилоятидан Саодат Гулаҳмедова, Мария Ковалева, Хоразмлик Ободон Дўстова, Ўғилжон Нуриллаева, Сурхондарёлик Абдусаттор Қурбонов, Шойимардон Қудратовлар ҳам машина теримида донг таратган механик-ҳайдовчилардан эдилар.

Моҳир механик-ҳайдовчилар юртимизда ҳозир ҳам кўп. Шулардан бири Дўстлик тумани “Агросервис МТП” механик-

ҳайдовчиси Зафар Жўраевдир. У “Кейс-2022” русумли горизонтал шпинделли машина ёрдамида 2020 йил мавсумининг 20 куни ичида 410 тонна пахта теришга эришди. Бу бир кунда 20,5 тонна пахта дегани, 50 кило ҳисобида 410 нафар теримчининг кундалик иши дегани. Зафарнинг ҳамкасблари Бахтиёр Отабоев ва Фанишер Суюновларнинг зафарлари ҳам чакки эмас: 400 тоннадан.

2021 йил мавсум ҳам унумли бошланди. Моҳир механизаторлар ҳар бир машинанинг кундалик иш унумини 20-25 тоннага етказмоқдалар.

Сирдарё туманидаги “Агросервис Сирдарё МТП” МЧЖ механизаторлари ва муҳандис-техник ходимлари МХ-1,8 вертикал шпинделли машиналарни юқори унум билан ишлатиш сир-асрорларини пухта эгаллаб олишган. Улар мавсум бошлангунга қадар трактор двигатели, терим аппарати, пневматик система, машинанинг юриш қисми узел ва деталларини сифатли таъмирлайдилар, созлаш ишларини пахта даласининг ҳолатига қараб бажарадилар. Носозликларни жойида бартараф қиладилар. Шу боис машиналар мавсум давомида бузилмасдан ишлайди.

Машина бузилиб тўхтаб қолмаса, кўп пахта теради. Аъзам Хўжаев, Лутфулла Турақўлов, Ҳайитбой Қурбонов ва Йўлчи Рисбековлар ҳар йили 110-130 тонна ҳосилни бункердан бўшатади. Уларнинг ҳар бири жорий мавсумда бу кўрсаткични 200 тоннадан оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз сўзимизнинг охирида қишлоқ ёшларини механик-ҳайдовчи касбини эгаллашга, фермер хўжалиқлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари, агрономлари ва муҳандисларини пахта териш машиналаридан кенг ва самарали фойдаланиб, ҳосил теримида қўл меҳнатига имкон қадар чек қўйишга чақириб қоламиз.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
ҚХМИТИ директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — МУҲИМ ДАВР

Республикада чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантиришни тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш чорвадор ва ветеринария мутахассисларининг долзарб вазифаларидан саналади.



Маълумки, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари чорвачиликдаги барча тармоқларнинг тараққиёти учун маълум даражада зарар келтиради ва соҳанинг барқарор ривожланишига ҳамда юқори рентабелликка эришишига тўсқинлик қилади. Жумладан, ёш молларнинг юқумли бактериал касалликлар билан касалланиши ва ҳайвонлар орасида ўлим даражасининг юқорилиги, касалликнинг қисқа вақт давомида кенг ҳудудга тарқалиши хўжаликларга жиддий зарар келтиради. Шу билан биргаликда, мазкур касалликларнинг олдини олиш ва даволаш каби тадбирларга сезиларли маблағ сарфланади.

Чорвачилик хўжаликларида бактериал юқумли касалликларнинг эпизоотологиясини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилик хўжаликларида ветеринария-санитария қоидаларининг бузилиши юқумли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ёш моллар рационда оқсиллар, углеводлар, ёғлар, макро-микрэлементларнинг етишмаслиги каби ҳолатлар ҳам юқумли касалликларнинг пайдо бўлишида асосий сабаблардан ҳисобланади. Ветеринария хизмати тизимида маҳаллий биологик ва биокимёвий препаратларнинг етишмаслиги юқумли касалликлардан келадиган зарарнинг кўпайишига олиб келади.

Чорва ҳайвонларини ўз вақтида тўғри ва сифатли озиқлантириш, уларни ветеринария кўригидан ўтказиш, яъни диспансеризация қилиш, касалланган молларни ўз вақтида ажратиш ва уни даволаш, фермадаги гўнларни чиқариш ва зарарсизлантириш, молхоналарда мунтазам равишда дезинфекция, дератизация ва дезинсекция чораларини ўтказиб туриш, молларни зоогигиеник талаблар асосида парваришлаш, уларга кунлик моцион бериш, яйловларни алмаштириб туриш ва фермаларда озиқа (дағал хашак, тўйимли омихта ем, витаминга бой беда ва ҳўл ўт) базасини яратиш, сунъий уруғлантириш ишларини ташкил этиш, диагностик текширишлар режасининг бажарилишини назорат этиш каби ишларни бажариш ҳайвонларни соғлом сақлашнинг асосий омилларидандир.

Чорвачилик фермасига ташқаридан юқумли касаллик кўзгатувчилар кирмаслигинининг олдини олиш учун, авва-

ло фермага алоқаси йўқ кишиларни, бегона ҳайвонларни киритиш, уларнинг маҳсулотларини (тери, жун, сут ва гўшт) олиб кириш таъқиқланади.

Автотранспорт воситалари кирадиган йўлга дезобарьер, одамлар кирадиган йўлакка, молхоналарга кириш жойларида дезотўшама ўрнатиш ва уларга дезинфекторлар билан доимо ишлов бериб туриш талаб этилади.

Фермада ишловчи барча ишчи ва хизматчиларни махсус кийим — кечак, пойафзал ва шахсий гигиена материаллари билан таъминлаш талаб этилади. Фермада албатта касал ҳайвонларга тез ёрдам кўрсатиш учун яхши жиҳозланган, ветеринария препаратлари (дори-дармонлар, биопрепаратлар, дезинфектантлар, инсектоакарицидлар, дератизация препаратлари, антгельминтиклар) билан таъминланган ветеринария пунктлари бўлиши талаб этилади.

Чорвачилик билан шуғулланувчи барча деҳқон-фермер ва бошқа мулк шаклидаги чорвачилик хўжаликлари мутахассисларига қиш фаслида куйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади.

- молхона, қўйхона ва паррандалар турадиган жойларни эктопаразитлар томонидан чақириладиган касалликлар (гематоминоз, бовиколёз, саркоптоз, псороптоз, рипицефалёз) кўзгатувчиларига қарши инсектоакарицид препаратлар, жумладан маҳаллий циперметрин препаратининг 25 фоизли концентрат эмульсиясидан тайёрланган 0,015-0,02% ли ишчи эмульсия билан дезинсекция ва дезакаризация қилиш лозим;

- бўғоз сигирлар ва қўйлар колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёз касалликларига қарши Ветеринария илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқариладиган поливалент вакцина билан йўриқномага асосан (қўйлар биринчи марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл дан, қорамоллар биринчи марта 3 мл иккинчи марта 5 мл дан (14 кун оралиғи билан такроран) тери остига эмлаш зарур;

- қўйлар ўта хавfli юқумли брадзот ва энтеротоксемия касалликларига қарши 1 мл дан мускул орасига вакцина билан эмланади;

- итлар қутуриш касаллигига қарши вакцина билан эмланади;

- қорамол ва майда шохли ҳайвонларнинг фасциолёз, дикроцелиоз ва бошқа гельминтозлар касалликларини олдини олиш ва даволаш учун альбендазол, альбен ва бошқа антигельминтиклар билан йўриқномага асосан гижжасизлантирилади;

- чорва молларининг фасциолёз, шистосомоз (ориенто-бильгарциоз) ва парамфистоматозларининг олдини олиш мақсадида янги маҳаллий моллюскоцид воситани қўллаш;

- қўй гельминтозларига қарши албендазол, мис купороси ва туз аралашмасидан фойдаланиш;

Қоракўлчилик хўжаликларига гельминтозларга қарши янги кимёвий восита-бентонитли антгельминт-туз аралашмасини қўллаш;

Парранда (товуқ)лар маҳсулдорлигини оширувчи госсипрен препаратини қўллаш.

Фермадаги молларни ўз вақтида тўғри ва сифатли озиқлантириш, ветеринария кўригидан ўтказиш, яъни диспансеризацияни тўлиқ ва атрофлича ўтказиш, клиник кўриқдан ўтказиш, касал молни ўз вақтида ажратиш, гўнгни чиқариш ва зарарсизлантириш, молхоналарни дезинфекция, дератизация қилиш, молхоналар зоогиеник талабларга жавоб бериши назорат қилиш, яйловларни кўриқдан ўтказиш, моцион ва озиқа базасини яхшилаш, ўз вақтида сунъий уруғлантириш, ҳар чоракда диагностик текширишларни режага мувофиқ олиб бориш муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Фермада ҳайвонларга биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида жойлардаги ветеринария пунктларини зарурий ветеринария препаратлари билан (ветеринария биопрепаратлари билан вакцина, қон зардоблари, дезинфектантлар ва антгельминтиклар билан) таъминлаш лозим.

Қўшимча равишда чорвачилик комплексларидаги қорамолларни сақлаш, кўпайтириш ҳамда турли касалликлардан ҳимоя этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади.

- қорамолларни тўйимли, витаминли озиқалар билан боқиш: бунинг учун қорамолларни рационига витамин ва оксилга бой бардани қўшиб бериш зарур. У сутни кўпайтириб, қорамоллар иштаҳасини очиб, ҳазм системасини тиклайди;

- молхоналарни ва моллар яйраб юрадиган жойларни гўнгдан тозалаш ва уни биотермик зарарлантиришни ташкил этиш;

- яйратиш майдонларини мунтазам равишда гўнгдан тозалаш, туёқ ораларига нам гўнг тўпланишига йўл қўймаслик;

- туёқлари касалланган ҳайвонларни тирик вазнига қараб гентамицин ёки окситетрацилин антибиотиғи билан мускул орасига 100 кг тирик вазнига 5 млдан инеъкция қилиб туёқларини 1:500 нисбатдаги фурацилин эритмаси билан эрталаб ва кечкурун ювиш;

- соғлом қорамоллар сақланадиган жойлар 5% формалин эритмаси билан дезинфекция қилиш, имконият даражасида жойларни қуруқ сақлаш соғинга олиб кириш ва олиб чиқишда туёқларни зарарланишдан сақлаш керак;

- янги туғилган бузоқларни алоҳида ажратиш, уларни 4 ой давомида онаси сути билан, 2 ой давомида она сутидан тайёрланган абрат ичириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ветеринария тадбирларини амалга ошириш чорвачилик хўжаликларига чорва ҳайвонларини турли хилдаги касалликлардан асраш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишдаги муҳим омиллардан бири саналади.

Собиржон МАВЛАНОВ,

Шоди ХОЛОВ,

Мухаммадзокир АСҚАРХОДЖАЕВ,

Саидкарим АСҚАРОВ,

Айнура КАМАЛОВА,

Ветеринария илмий-тадқиқот институти,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Тошкент филиали.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

28 сентябрь – “Халқаро қутуриш касаллигига қарши кураш куни” муносабати билан Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги “Қовчин” қишлоғида жойлашган “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш ўқув-амалий маркази”да ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси раҳбар-ҳодимлари, туман ҳамда шаҳарлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиқлари, ҳудуддаги барча ветеринария мутахассислари, вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, туман фавқулудда вазиятлар бўлими ходимлари иштирок этди.

Шунингдек, тадбирда мутахассислар томонидан касалликка қарши кураш бўйича амалий машғулотлар олиб борилди.



ЗАҲМАТЛАР ОРТИДАН КЕЛГАН РАҒБАТ

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида бир гуруҳ юртошларимиз Президентимизнинг фармонларига асосан давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирландилар. Улар сафида Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, РФА академиги Равшанбек Сиддиқов ҳам “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Кейинги қарийб 20 йилдан буён мазкур даргоҳга раҳбарлик қилиб келаётган Равшанбек ака мамлакатимиз ғаллачилик илми, уруғчилиги, амалиёти йўлида бор куч-ғайратини сафарбар этиб меҳнат қилмоқда. Юксак мукофот эса мана шу кўп йиллик заҳматлари, фидойилиги учун берилган эътироф десак, муболага бўлмайди.



Унинг раҳбарлигида кузги юмшоқ буғдойнинг 35 дан ортиқ, бошоқли ва дуккакли дон экинларининг бир қанча янги навлари яратилиб, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилди. Ушбу навлар республикада 350 минг гектардан ортиқ майдонларга экилиб, улардан 60-70 центнердан ортиқ ҳосил олинмоқда.

Р.Сиддиқов томонидан яратилган “Марс-1”, “АСР”, “Давр”, “Андижон-2”, “Бобур”, “Чиллаки”, “Юлдуз”, “Омад”, “Матонат” навлари республикада 350 минг гектардан ортиқ майдонларда экилмоқда. Айрим илғор фермер хўжаликлари улардан 80-100 центнердан ортиқ ғалла ҳосили олишмоқда. Юқорида келтирилган навларнинг экилишидан олинадиган иқтисодий самарадорлик 600 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия этилган истиқболли маҳаллий ҳамда “Краснодар” селекциясига мансуб навларининг бошланғич уруғчилик тизими илмий асосда ташкил этилиб, ҳар йили 600-700 тонна юқори авлодли уруғликлар тайёрланмоқда ва уруғчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларга етказиб берилмоқда.

Унинг ташаббуси билан Россия Федерациясининг бир қатор қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтлари билан илмий ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Давлат нав синаш комиссияси томонидан Республика ҳудудида экишга тавсия этилган институт директори Р.Сиддиқов раҳбарлигида ҳамда институт олимлари томонидан

яратилган истиқболли маҳаллий навларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда, натижада, бугунги кунда республикада ҳудудида экилаётган умумий ғалла майдонларининг 35 фоизини маҳаллий навлар ташкил этмоқда.

Р.Сиддиқов илмий жамоаси билан мунтазам равишда олимларнинг илмий ва амалий малакасини оширишлари борасида ишлар олиб боришиб, Россия, Арманистон ва Сербия давлатларида ташкил этилган кўплаб халқаро илмий конференцияларда илмий маърузалари билан иштирок этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 3 декабр куни ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши баёни топшириғига асосан бугунги кунда “Турли схемаларда экилган ғўза қатор ораларида соя ва саримсоқпиёз етиштириш агротехнологиясини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳасига раҳбарлик қилмоқда.

Р.Сиддиқов ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги раҳбарлари иштирокида Дон ва дуккакли экинлар селекцияси ва уруғчилиги ҳамда етиштириш агротехнологиялари бўйича халқаро ва республика миқёсида семинарлар ўтказиб келмоқда.

Шу билан бирга, у ёш авлодларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги чуқур илмий ва амалий билимларини етказиб, ўз ҳиссасини қўшиб, бир неча ёшларга докторлик диссертациялари ишларига бевосита кўмак бериб боради. Ҳозирги пайтда Р.Сиддиқов

илмий раҳбарлигида 1 нафар докторант, 3 нафар таянч докторант ҳамда 1 нафар мустақил изланувчилар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 2020 йилда 7 та янги кузги буғдой навларига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлар олинди.

Айни кунларда Р.Сиддиқов раҳбарлигида институт қошида ихчам замонавий дунё стандартларига жавоб бера оладиган илмий лаборатория барпо қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Равшанбек акани мамлакатимиздаги барча ғаллакорлар танийди, билади десак, адашмаган бўламиз. Чунки олим йиллар давомида далама-дала, туманма-туман юриб, янги яратилган ғалла навлари, муҳим агротехник тадбирлар хусусида ғаллакорларга ўзининг қимматли илмий ва амалий тавсияларини бериб келмоқда. У деҳқон билан деҳқондек, олим билан олимдек гаплашади. Демокчимизки, ким билан суҳбатлашаётган бўлса, суҳбатдошига, маъруза қилаётган бўлса, тингловчиларига ўз фикрларини тушунарли, раvon тарзда ифода этади.

Кўп сонли журналхонларимиз, қолаверса, мамлакатимиздаги барча ғаллакорлар номидан Равшанбек Сиддиқовни юксак орден билан самимий табриклаймиз. Умид қиламизки, унинг раҳбарлигида ғаллакор олимларимиз 100 центнердан юқори ҳосил берадиган кўплаб янги навларни яратадилар. Бу йўлда эса Равшанбек акага “асло чарчаманг, толманг”, деб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.



СОҶА ФИДОЙИСИ ҲАҚИДА СЎЗ

Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида Жиззах вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи Ҳабибулло Худойбердиевнинг исми-шарифига кўзи тушганларнинг кўпчилиги, чин дилдан, мамнуният билан “Мукофот эгасини топибди!” дегани рост гап.

Ҳ.Худойбердиевнинг умумий меҳнат стажи қарийб 50 йилни ташкил қилаётганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Унинг айниқса, вилоят ўсимликлар карантини ва ҳимояси инспекцияси бошлиғи сифатидаги фаолияти таҳсинга сазовор. Ваҳоланки, кейинги 15-20 йил ичида воҳанинг фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудни карантинли ва бошқа зарарли организмлардан ҳимоя қилиш борасида муайян ижобий натижалар қўлга киритилди. Энг муҳими, аграр соҳанинг барча тармоқ ва бўғинлари – фермеру деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа эгалария ўрмон хўжаликларидан тортиб, то бу борада ҳамкор бошқа ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларгача сифатли ва самарали хизмат кўрсатишга қодир ишончли тизим вужудга келди.

– Узоққа бормасдан, кейинги уч-тўрт йил ичида амалга оширилган ишларимизга эътиборингизни қаратаман, – дейди бошқарма бўлим бошлиғи Абдулазиз Турсунбоев. – Зеро, айнан ана шу муддат ичида вилоятимизда аграр соҳа маҳсулотларини хоризга экспорт қилувчилар сони сезиларли даражада ошди. Ана шу экспортёрларнинг 6 минг 250 дан кўпроғи биз тақдим қилган фитосанитар сертификатлар билан ўз маҳсулотларини чет эл бозорларига чиқариш имкониятига эга бўлишди.

– Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорт қилинган 810 та юкга карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилди, - дея қўшимча қилади инспекция бошлиғининг ўринбосари Улуғбек Пармонов. – Маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг карантин остидаги 159 минг 894 тонна юклари биз томонимиздан назоратдан ўтказилди. 640 минг куб метр ҳажмдаги бўш омборхоналар зарарсизлантирилди. 1 миллион 843 минг куб-метрдан ортиқ иншоот ва майдонларга кимёвий ишлов берилди. Бу ишларнинг барчаси бошқармамиз бошлиғининг шахсан назорати остида, белгиланган меъёрларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилгани аҳамиятлидир.

Ҳеч кимга сир эмас, коронавирус пандемияси жуда кўп режалар ва лойиҳалар амалга ошишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Аммо ишнинг кўзини билган, ўз соҳаси сир-асрорлари билан яхши таниш бўлган раҳбар ва мутахассислар бундай мураккаб шароитда ўзларини йўқотиб қўйишмади. Ҳабибулло Худойбердиев раҳбарлигида эришилган натижалар ҳақида ҳам ана

шундай фикр билдириш мумкин.

Масалан, 2020 йилда инспекция қошида 1 та замонавий мобил (кўчма) лаборатория ташкил этилди, натижада 4 та янги ишчи ўринлари яратилди. Жойлардаги филиаллар жами 12 та хизмат машиналари ва мотоцикллар билан таъминланди, Барча туманлар ҳамда Жиззах шаҳрида ўсимликлар клиникаси ташкил этилди.

– Сўнги бир-икки йил ичида Жиззах вилояти мамлакатимиз ҳудудлари орасида полиз ва дуккакли экинлар ҳосилини экспорт қилиш борасида олдинги ўринларга чиқиб олди, – дейди Ҳабибулло Худойбердиев. – Ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, бу натижаларга эришишда бизнинг жамоамизнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Какра, зарпечак, девпечак, калифорния қалқондори, шарқ мевахўри, қовун пашшаси, колорадо қўнғизи, америка оқ капалаги каби хавфли ўсимлик ва ҳашаротларга қарши, жами 12 минг 500 гектар майдонда карантин назорат ишлари олиб борилди. 350 дан ортиқ карантин организмларининг вилоят ҳудудига импорт юклар орқали кириб қелишининг олди олинди. Буларнинг ҳаммаси воҳамиз соҳибкорларининг далалардаги экинлардан мўл ва юқори ҳосил олишига қўшимча замин бўлгани шубҳасиз.

Ушбу лавҳани тайёрлаш жараёнида Жиззах вилояти ўсимликлар карантини инспекциясининг қатор вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлди. Улар Ҳабибулло Худойбердиевни нафақат тажрибали раҳбар, балки яна, билимдон мутахассис, касбдошлардан ёрдамани аямайдиган, ёш кадрларга алоҳида эътибор қаратадиган тўғриси ва камтарин шахс сифатида эътироф этишди.

Лавҳамиз қаҳрамони давлатимизнинг юксак мукофоти – “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Ушбу юксак мукофот ишда ҳам, жамоатчилик орасида ҳам, 4 фарзанд тарбия топаётган оила даврасида ҳам ўз ўрни, ҳурмати ва мавқеига эга бўлган инсон, унинг сермазмун ҳаёти ва фаолиятига берилган муносиб баҳо бўлгани, шубҳасиз!..

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: “Дўстлик” ордени соҳиби Ҳабибулло Худойбердиев.

Касб инсонни камолот сари етаклайди. Касбини севган ва уни ардоқлаган инсоннинг ўзи ҳам жамият орасида ардоқли бўлиб бораверади. Кейинги йиллар давомида аграр соҳада ақл бовар қилмас янгиликлар рўй бермоқдаки, қойил қолмасдан сира ҳам иложи йўқ. Бундан атиги ўн йиллар аввал томчилаб суғориш, иссиқхонада аэропоник ёки гидропоник усулда полиз экинларини етиштириш дейилса, “Э-э, бу нарсалар ривожланган давлатлардагина бор”, деб қўл силтагучилар талайгина топиларди. Айни кунларда юртимизнинг деярли барча вилоятларида ушбу усуллардан самарали фойдаланилган ҳолда ҳосил етиштирилмоқда. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ аграр соҳа вакиллари ҳам Президентимиз томонидан муносиб тақдирланишди. Улар орасида Тошлоқ туманидаги “Мадумар Раҳмон Карим” фермер хўжалиги раҳбари Исмойилжон Абдурахмоновнинг “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани туман аҳлини ғоятда қувонтирди.



ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИ

“Меҳнат қилган ардоқда” деб шунга айтишса керак-да. Биз ҳам вақтни бой бермай, орденли фермернинг даласи томон шошдик. Туман ҳокимлигининг масъул ходимлари билан фермернинг экин майдонларига кириб борар эканмиз, майдонлар четидаги ям-яшил тут ва мевали дарахтлар ҳамда оппоқ пахта майдонлари эътиборимизни тортди. Дала шийпонида пахта йиғим-терими юзасидан ишчилар билан суҳбатлашиб турган Исмойилжон ака бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг ўзлари ва фермер хўжалиги тарихи ҳақида сўрадик.

– 1965 йил Чек қишлоғида туғилганман, – деб гап бошлади фермер. – Отам раҳматли Зоиржон Абдурахмонов туманимизнинг таниқли сувчиларидан эди. Болалигимдан отамнинг ортларидан далама-дала кезиб катта бўлганман. Ўша пайтдаги раислар “Зоиржон ака, бу ерларни сиздан аъло биладиган йўқ, шу экин майдонларига бригадир ёки бўлим бошлиғи бўлинг”, дейишса ҳам ҳеч рози бўлмасдилар. Шу сувчиликнинг ортидан 11 фарзандни ҳалол боқиб, тарбиялаб вояга етказдилар. Мен ҳам отамнинг изларидан бориб, 1989 йилда Андижон гидромелиорация техникумини тамомлаб, Навбахор-Ф ширкат хўжалигида гидротехник вазифасида иш бошладим. 2007 йилгача ширкат хўжалигининг масъул лавозимларида фаолият юритдим ва ўша йили 62 гектар экин майдони асосида хўжалигимиз ташкил топди. Ишни аввало ички ариқ ва зовурларни тозалашдан бошладик, сўнгра экин майдонларимизни бегона ўт-ўланлардан тозалаб, йиллар давомида маҳаллий ўғит билан озиклантириб бордик. Ҳар гектари 29 ц пахта, 35 ц ғалла берган ерларни энди кўринг. Жорий йилда 110 гектар экин майдонида 235 нафар доимий ишчиларимиз билан меҳнат қиляпмиз.

2021 йил ҳосили учун 55 гектарга ғалланинг “Аср” навини эккан эдик, астойдил қилинган меҳнатимиз ўз самарасини бериб, ҳар гектаридан 73 центнердан ҳосил кўтардик. Давлатимизга ҳам ортиғи билан сотдик. Ишчиларимизнинг ҳам оморлари ғаллага тўлди.

Ҳозир 55 гектар экин майдонидаги пахтанинг уруғлик 8290 нави ҳосилини кўриб турибсиз. Режамиздаги 40 центнерлик ҳосилни биринчи теримдаёқ топширмоқчимиз. Мақсадимиз ҳар гектар майдондан 45 центнердан “оқ олтин” териби олиш. Кўпгина фермерлар мендан юқори ҳосилдорлик сири ҳақида сўрашади. Ҳар бир касбнинг ўз сир-синоати бор. Кейинги йиллар давомида механизаторлик ва сувчилик касбига эъ-

тибор сусайгандай. Кўплаб ёшлар катта даромад ортидан қувиб кетаётгандай. Аслида, қандай касб бўлишидан қатъий назар, меҳр берилса, даромад ўзи топиб келади. Авваллари пахтани 90х90 схемада экардик. Ҳосилдорлик 37 цн ни ташкил қилардик. Ҳозирда 60х60 схемада экяпмиз, ҳосилдорлик ўртача 43 ц. Демак, 6 ц га ошди. Албатта, экилган кўчатлар сони ҳам ортади. Ҳосил кўчатдан бўлади. Аввало, биринчи йил ер 35-40 см чуқурликда ҳайдов қилинади. Иккинчи йил эса 30 см чуқурликда ҳайдалади. Мақсад – ернинг қаттиқ қатлами юқорига олингандан сўнг иккинчи йил ҳам унга ишлов бериш мумкин бўлади. Сув тарашнинг ҳам ўз қоидаси бор. Элликта эгатдаги сувни бир текис тақсимлаш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. Агар нотекис таралса, кўчатларнинг ривожланиши ҳам нотекис бўлади. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлади. Устозларим – отам, Муллажон Аҳмаджонов, Акрамжон Мўйдинов, Баҳромжон Тожимаровлар йиллар давомида орттирган билимларини бизларга ўргатишди. Энди эса биз ёшларга етказиб келяпмиз. Ўтган йил 320 млн. сўмлик шартнома асосида 20 гектар экин майдонини томчилаб суғоришга ўтказдик. Давлатимизга раҳмат, 140 млн. субсидия ажратди. Дастгоҳларни харид қилиб, ўрнатдик. Бу усулнинг афзалликлари кўп. Биринчи навбатда бир томчи ҳам сув исроф бўлмайди. Ишчи кучи камаяди, техника харажатлари қисқаради, берилган ўғит сув билан тўғридан тўғри кўчатга етиб боради. Ҳосилдорлик камида 5-7 фоизга ошади. Албатта, хўжалигимизнинг эришаётган муваффақиятларида сувчиларимиздан Шавкатжон Халимов, Икромжон Шерматовлар ва механизаторлардан Илхомжон Барзиев, Жалол Режабовларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда.

Муваффақиятлар самарасида ишчилар учун яратилган шароитлар ва моддий рағбатлантиришнинг ҳам ўрни катта.

Албатта, ҳозирги кунда олинган даромад ва иш жойида яратилган шароит ишчиларни қониқтириши шарт. Хўжалигимиз дала шийпонида йил давомида ҳар куни бир маҳал қозон қайнайди. Ҳар бир эркак ишчиларимиз ойига ўртача 1 млн 700 минг, аёллар 500-600 минг сўм маош билан таъминланишади.

Ҳа, астойдил қилинган меҳнат берган самараси билан гўзал. Шундай жонкуяр фидойи фермерларимиз бор экан, халқимиз дастурхони тўкин, юрт обод бўлиб бораверади.

Каримжон ҲАЙИТБОЕВ,
ўз мухбиримиз.

ИМКОН ИЗЛАГАНГА ИМКОНДИР ДУНЁ

Инсонни меҳнат улғулайди. Меҳнатнинг эътирофни халқ эъзози, ҳамкасблар ва раҳбариятнинг эътибори белгилайди. Мустақиллигимиз 30 йиллиги муносабати билан янги Ўзбекистонимизнинг фахрли ва ижтимоий ҳаётида фидойи бўлган бир гуруҳ меҳнаткашлари қаторида хоразмлик булдозерчи Рашид Рўзибаев ҳам бор.

Орденли булдозерчи Рашид Рўзибаевни излаб Боғот туманига йўлга чиқдим. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари бир сўзли, қатъиятли Эрназар ака Худойберганов билан телефон орқали боғланиб, мақсадимни айтдим.

— Мен бир режалаб кўрай-чи, у киши ҳозир Тупроққалъа худудидаги объектда ишляпти, жуда узоқ, ўзингиз боролмасиз, — деди. Бироз ўтгач: — “Боғотмахсуссувпудрат” МЧЖнинг раҳбари Орифжон Таиров ҳозир шу ёққа кетаётган экан, сизни ўзи олиб боради, — дегач, суҳбатимизга яқун ясалди.



Суратда: “Боғотмахсуссувпудрат” МЧЖ раҳбари Орифжон Таиров.

Сал фурсатдан кейин Орифжон Таиров билан йўлга чиқдик. Қадим эртақларда айтилгани каби роса йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Тупроққалъанинг Саримой худуди атрофида кумлик оралаб кетган паст-баланд асфальт йўлдан ичкарига кириб кетдик. Қаранг-а, шу узоқ жойларда ҳам халқимиз умргузаронлик қиларкан. Янги қурилган иморатлар қум ичидаги қишлоққа файз бўлиб турибди. Ҳар жой-ҳар жойда чорва фермерлари қурган бинолар, табиий кўл ҳавзалари кўринади...

— Қурувчилар учун янги қурилиб, ҳали битмаган уйни эгасидан олиб, пол ва шифтларини тузатиб, кераклича жиҳозлаб, ишчилар учун қўналға қилиб қўйдик. Икки йилда биз ишларимизни тугатсак, уй эгасига шу ҳолича ташлаб кетамиз, — дейди йўл-йўлакай укамиз Орифжон.

Қаранг, уй эгасига яхши экан-да, иморати кўнгилдагидай таъмирланиб, ҳамма ускуна унга қолса. Ҳайратланаман, бу тинчимас йигитга шу каби ишларнинг иложини топгани учун раҳмат айтгим келди.

— Уй эгасининг ҳам манфаатдорлиги бор-да! Кондиционер ўрнатганмиз, ишчиларга керакли шароитлар яратилган. Ҳаммаси унга қолади...

— Айрим корхоналарда ишчиларга ойлик маоши топиб бериш мушкул. Бу ишингиз исрофгарчилик эмасми? Сиз ишни қандай удалаяпсиз?

— Мен, опа, доимо изланаман. Эртага Самарқандга, кейин Фарғонага ўтаман. У ёқларда ҳам тендер орқали объект қурилиши ишларини ютиб олсам, бемалол бир гуруҳ ишчи-

ларимни жўнатиб, янги иш бошлайвераман. Узоқ экан, деб қараб ўтирмаймиз.

Ҳа, “Ҳаракатда баракат”, деб бежиз айтишмайди, омад доимий изланиш ва меҳнат самарасидир. “Боғотмахсуссув пудрат” МЧЖ 2008 йил 21 апрелда ташкил қилинган бўлиб, унинг вазифаси ирригация ва мелиорация ишларини бажаришдан иборат. Ўз ишининг малакасини олган Орифжон Таиров асли Янгиариқ туманининг Қўриқтом қишлоғида зиёли оилада туғилиб, тарбия топган. 1996 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича тамомлади.

Иш фаолиятини Янгиариқ туман сув хўжалигини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш ва ишлаб чиқариш бирлашмасида III–даражали слесарликдан бошлаб, худуд устаси ҳам бўлди. 1995-1996 йилларда ҳисоблаш маркази оператори, кейинчалик Гулистон ширкат хўжалигида статист, 2000-2004 йилларда вилоят гидрогеология мелиоратив экспедициясида I-тоифали техник, 2004-2011 йилларда Қўйи Амударё ИТХБга қарашли Хоразм гидрогеология мелиоратив экспедициясининг “Аблкўл–Ҳажжаликўл” тизимининг Янгиариқ бўлимида I-тоифали муҳандис, кейинчалик шу бўлимда бош гидрогеолог бўлиб фаолият олиб борди. Бу ишларни қилиш билан бирга, у камолотга етди, соҳасининг ипидан игнасиғача ўрганди. Туманлараро кўллари мувозанатлантирувчи коллектор мелиоратив тизимида, кейинчалик Хоразм вилояти 21-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясида лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш техник кузатиш бўлимида етакчи мутахассис бўлди. 2015 йилдан бошлаб Ўзсувқурилиш АЖга қарашли “Боғотмахсуссувпудрат” МЧЖ директори лавозимида иш олиб бормоқда.

Қаерда бўлмасин, сув хўжалиги қурилишининг ҳамма соҳалари билан боғланиб, ўз малакасини оширди, халқпарварлиги, талабчан ва интилувчанлиги, ҳар бир ишда фидойилиги билан обрў-эътибор топди. У раҳбарлигидаги корхона вилоятдаги энг кўзга кўринган аҳил жамоа ҳисобланади.

— Бизда 93 нафар ходим бор. Уларнинг 11 нафари бошқарувда, 82 нафарини эса ишчи-хизматчилар ташкил қилади. Корхонамиз балансида 46 та машина ва механизмлар мавжуд. Ишчи-ходимларни доимий иш билан таъминлаш бизда корхона раҳбарига боғлиқ. Ўзбекистоннинг қаерида бўлса ҳам, ҳатто, четдан имконият топа олсам ҳам ишимни давом қилдиришни ўзимга вазифа қилиб белгилаганман. Имкон излаганга имкондир дунё, дейишади. Аллоҳимнинг ўзи йўл кўрсатади. Шунинг учун доимий изланишда, сафарларда бўламан, — дейди О. Таиров.

Корхона раҳбари билан суҳбатлашиб узоқ масофани қандай босиб ўтганимиз сезилмай қолди. Излаган манзилмизга етиб келдик.

Қум ичидан ер очаётган 11 та бульдозернинг овози кенг саҳрони тутган, техникалар тинимсиз ишляпти. Биз бўлажак лавҳамиз қаҳрамонини иш фаолиятида суратга олиш учун тўғри ишлаётган булдозерлар томонга юрдик.

— Опа, бу ерларда эҳтиёт бўлиб юринг, чаён, илон каби ўрмаловчи жонзотлар кўп, — деди Орифжон. Жон ширин, мен бироз кўрқдим:

— Сизлар бор, ҳеч гап бўлмас, бироқ бировни чаён чақиб кўйса, нима қиласизлар?

— Биринчи ёрдамни кўрсатиб, яқинимизда жойлашган тиббиёт пунктига олиб борамиз, — деди у.

Бир неча кадр суратга олгач, яна автоуловга чиқиб, вагон-уйча олдига келиб тушдик. Қаҳрамонимиз Рашид Рўзибаевни ҳам беш дақиқа ишдан қолдириб ёнимизга чорладик. У киши

халигача ҳам уйга бормаганига, белини маҳкам боғлаб ишлаётганига гувоҳ бўлдик. Бизга чиройли қилиб ўралган ҳолда вагон-уйчада сақлаб қўйилган “Меҳнат шуҳрати” орденини кўрсатди. Биз ундан — кийиниб, орденини тақиб чиқишини сўрадик. Забардаст булдозерчи бир оз ийманганича вагон уйчага кириб кетди...

Булдозерчи Рашид ака ҳақида ёзмоқчи эдим. Аммо мақолам “Боғотмахсуссупудрат” МЧЖ фаолияти ҳақида бўлди. Рашид Рўзибоев ҳақидаги мақолани алоҳида ёзаман. Шунақа гаплар...

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОЗ

Кўш қизариб ботаётганда қип-қизил қумларнинг нафис товланиши чўлга ажиб жило бағишлайди. Тонг отаётган пайтни хаёлимда чизаман, кўнглимга шеър куйилиб келади:

Тонг отди, зарралар қумда акс этар,
Ва ҳаёт қайнайди, бу замин лоҳас.
Булдозер ер очар, шовқини тутар,
Сокин қумлоқларга келди бир нафас.

Нафаски шодликлар уйғонар ундан,
Меҳр-муҳаббатнинг яшнар овози.
Янги қурилишлар, янги Ўзбекистон
Турфа бир оламнинг келар бахт саси.

Бугунги Ўзбекистоннинг бир оддий, самимий ишчиси, тўғрироғи булдозерчиси қаршисида туриб, у билан суҳбатдаман. Бу ҳам бир бахт. Қачон булдозерчи ордени олганини эшитибмиз? Мамлакатимиз Президентини эътиборига тушган бу бахтли зот ҳақида ёзмай бўладими?

Рашид Рўзибаев 1969 йилда Боғот туманининг ҳозирги Хўжалик қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилди. Болалигидан техникага кўнгли кўйди. Кўча бошидан трактор ўтса, у югуриб чиқиб, анча вақтгача орқасидан ҳавас билан қараб қоларди. Мактабнинг 8 синфини тугатгач, туман марказида очилган касб-хунар билим юртида ўқишни давом эттириб, тракторчи-машинаст ихтисосига эга бўлди. Дастлаб Искандар Дўсов номидаги хўжаликда ишлади. Икки йиллик ҳарбий хизматни ўтаганидан сўнг, 1990-2006 йилларда Боғот кўчма механизациялашган шўъба корхонасида булдозерчи бўлди.

Қаҳрамонимиз 2006-2007 йилларда “Хоразмирригацияқурилиш” ОАЖда булдозерчи, 2008-2019 йилларда “Боғотдавсуммахсуспудрат” ДУҚда, 2019 йилдан буён “Ўзсувқурилиш” АЖга қарашли “Боғотмахсуссупудрат” МЧЖда булдозерчи бўлиб кунлик, ойлик ва йиллик режаларини вақтида уддалаб самарали меҳнат қилиб келмоқда. Малакали булдозерчи янги ерларни ўзлаштириш, ариқзовур дамбаларини текислаш каби ишларни бажаришда ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Оилада эса бахтли ота. Бекпошша Каримова ўй бекаси, уч ўғил бир қиз, икки келини, бир нафар невараси бор. Яна ўзидан кўпаяверишсин, деймиз.

— Оиладан узоқларга кетиб ишлайсиз, қийинчилик туғдирмайдими? — савол бердим унга.

— Йўқ, йигит кишининг ризқи қаерга сочилган бўлса, териб олаверади. Ҳафтасига бир кун уйга бориб келамиз, ойлигимиз жуда яхши, рўзгорга етади, ҳеч кимдан камимиз йўқ, уй қурамыз, тўй қиламыз, мана, ордени ҳам олдим, — дейди у.

— Ордени олганингизда ким биринчи бўлиб сизни табрикляди?

— Менинг хабарим йўқ, ишда эдим. Телефон жиринглади, нотаниш рақам. Кейин билсам вилоятимиз ҳокими Фарҳод Эрмонов экан. Жуда ҳаяжонландим, табрикляб, ишларимга ривож, оиламга тинчлик-тотувлик тилади. Шундан ўзимга келолмай турсам, раҳбаримиз Орифжон Таиров, изидан ҳамкасблар, таниш-билишлар табриклай бошладилар. Энди бу эътирофларга яраша меҳнат қилмоқ кераклигини ўйлайман...

Бир неча кун ўтмай туман раҳбарияти ва корхона маъмурияти уни кенг дастурхон ёзилган тадбирга чорлайди. Шу ерда ҳамкасблар ўзбек булдозерчисига чопон кийдиришади, белига белбоғ, бошига дўппи. Сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзсувқурилиш” АЖ томонидан “Фахрий ёрлик”лар, корхона томонидан телевизор, чаңгютгич ва таом иситгич печка ва бошқа совға-саломлар тақдим қилишди. Хуллас, таассуротлар анчагина.

— Қаранг, мендай оддий булдозерчи шунчалар эътибор. Янги Ўзбекистон менинг фахрим, ифтихорим. Ватан учун умрим борича меҳнат қилишга тайёрман.

Бу сўзларни у чин қалбдан айтди. Мен корхона раҳбари ва шу ердаги ходимларнинг орденор булдозерчи билан суҳбатлашаётган пайтни тасвирга олдим.

Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманининг 5642 контуридаги 161,9 гектар янги ерларни ўзлаштираётган Рашид Рўзибаевнинг дўст-ҳамкорлари, булдозерчилар Мақсуд Рўзметов, Илём Оллаберганов, Одилбек Матякубовларнинг жасоратли иш фаолиятини кузатдим. Иш юритувчилар Иззатбек Таиров, Валижон Шариповлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг ҳар бири бир дунё.

Уфқ қизариб ботаётган, сарғиш қумларга қизғишлик яна жилва бераётган бир пайтда улар билан хайрлашдим. Тинчгина оқшом чўкяпти, энди бу инсонлар эрта тонггача белгиланган уйга бориб дам оладилар, суҳбат ва гурунглари яна қизиши тайин.

Суратда: “Меҳнат шуҳрати” ордени совриндори Рашид Рўзибаев;

Қўшсаҳифани ўз мухбиримиз
Шукуржон ЖАББАРОВА тайёрлади.

МЕҲНАТДАН ШУҲРАТ ТОПИБ...

Асл деҳқон фарзанди Гафар Ақромовни турфа дарахтлар кўрк бериб турган қишлоқ йўли устидаги сўлим шийпонда учратдик. Бу ернинг об-ҳавоси тароватли. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам шамол елиб турганидан баҳри-дилингиз очилади. Мевали-манзарали дарахтлар, гуллар билан ўралган дала шийпониди ўзига хос замонавийлик билан уйғун фасоҳат ва фароғат бор.



Чиноз туманининг Олмазор кўрғонида деҳқон оиласида туғилган Гафар ака 1975 йилда мактабни тугатгач, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти “Агрономия” факультетининг сиртки бўлимига ўқишга киради. Меҳнат, ўқиш фаолиятини бирга олиб бораркан, дастлаб Навоий номидаги хўжалиқда ишлади. 1976 йилдан бошлаб хўжалик уруғчилик агрономи вазифасига тайинланди. Шундан кейин 20 йил шу хўжалиқда Давлат Нав синаш участкаси мудирини, қўшимча равишда бригада бошлиғи вазифаларида фаолият олиб борди. Ўша йиллари энг юқори ҳосил кўтарган бригада бошлиғи сифатида элга танилди.

— Отам Ўринбой Ақромов бутун умрини пахтачиликка бағишлаган, — дейди фермер. — Болалиқдан далаларга ўрганган қишлоқ одамлари экин экиш, етиштириш, чорва боқиш каби ишларни пухта эгаллайди. 2000 йилда хўжалиқни ташкил қилган йилларимиз жуда қийналдик. Шунга ҳам 21 йил бўлибди. Техника йўқ, ишчи кучи кам, бугдойчиликда тажрибамиз етишмасди. Йил сайин орттирилган даромадга техника сотиб олдик. Президентимиз раҳнамолигида фермерлар ишига эътибор қаратилиб, хайрли ишлар сари қадам ташладик.

Гафар ака раҳбарлик қилаётган “Ўринбой ҳожи” фермер хўжалиги тумандаги обрўли, иқтисоди ривожланган фермер хўжалиқлардан бири. 192 гектардан иборат сувли ерларнинг 96 гектарига пахта, 88 гектарига ғалла, 8 гектарига полиз экинлари экилган. 40 гектар ер майдонида ғалланинг “Юқа” уруғлик нави қадалди. 132 тонна ғалла давлатга топширилди. Органи аъзоларга бўлиб берилгандан кейин ҳам ўзига анча қолди. Ғалладан бўшаган майдонларга тезлик билан фасол, мош, сабзи, картошка каби экинлар экилди. Етиштирилган ҳосил шу кунларда йиғиштириб олинмоқда.

4 гектар ер майдонида мош экиб, культивация қилиб, 16 нафар ишсиз ёшга бўлиб берилди. Ёшлар эса фермердан, ҳукуматимизнинг доно сиёсатидан мамнун. Негаки, деҳқончиликни ўрганиш баробарида даромад ҳам олишади.



Йил бошидан “Чиноз АПК” кластери билан шартнома тузган хўжалиқда пахта терими авжида. Пахтанинг S-65-24 нави экилиб, 40 гектари “Элита” уруғлик нави, 56 гектари (“R-2”) иккинчи репродукция учун экилган.

Хўжалиқда йилига 2 млрд. сўмга яқин даромад олинади, шундан 500 млн. сўмдан зиёди соф фойда. 32 нафар ишчи-хизматчининг оилавий таъминотини таъминлаш Гафар аканинг доимий, зарурий ишларидан бири ҳисобланади.

Унинг турмуш ўртоғи Зулфия Ақромова бағри кенг, лутфи нозик оналардан. 8 нафар фарзандни уйли-жойли қилган, негара чевараларни суюб тарбиялаётган бу қишлоқ оиласига бугун ҳамма ҳавас қийлади. Негаки аҳиллик бор жойда тозалик, меҳр, садоқат фаришталари ҳозир-нозир бўлади.

Она Ўзбекистонимизда бундай хўжалиқлар, эъзозли оилалар кўплигидан қувонамиз. Деҳқон оиласининг бир кунини таҳлил қилиш учун анча вақт керак бўлади. Бизни эса яна нурли манзиллар, йўллар, яхши одамлар кутмоқда.

Гафар Ақромовнинг самимий фикрларини эшитиб, яна шийпондаги суҳбатни давом эттиргимиз келди. Туман деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ерлардан фойдаланиш бош мутахассиси Дилмурод Раҳматов шундай деди:

— Туманимиздаги энг илғор, намунавий хўжалиқларнинг бири шу “Ўринбой ҳожи” фермер хўжалиги. Далаларида ҳам мана шу шийпондагидай файз бор, мана бу гулларга қаранг...

Ҳа, дала маданиятини шийпондаги ҳолатдан билса бўлади. Гуллар соя ташлаган ёзги айвондаги сўлим ифдор, салқинлик, меҳрли ва самимий суҳбатдошлар билан бугунги ва кечаги қишлоқ хўжалиги ҳақидаги суҳбат...

— Бирорта давлат мукофоти билан тақдирланганмисиз? — дабудурустан берган бу саволим ўзимга эриш туюлди.

— Йўқ, меҳнат қиялпимиз, шу истиқболимиз, менга ўхшаганлар қанча, давлатимиз имкон беряпти, ҳақиқий деҳқон ўрнини, қиладиган ишини билади. Менга халқнинг эътибор

ри, бир чимдим табассуми, бахтли, фаровон яшашининг ўзи мукофот... Бизга эркинлик берилди, экамиз, техникани ёғлаш, мойлаш, дала ўғити, дори дармонларнинг вақтида етказилиши, полиз ва сабзавотларимизни сотиб фойда кўришимиз, кластернинг ёрдами бари бизга кўмак. Яна нима керак деҳқон учун?!

— Бу йилги Ўзбекистон Мустақиллиги байрамида сизга орден олиш насиб қилсин, шунда келиб суҳбатимизни яна давом эттирамиз, — деб омад ва узоқ умр тилаганимча фермер билан хайрлашар эканман, ҳамроҳларимиз чеҳрасидаги хайрихоҳликни сездим. Демак, мукофотларга муносиб номзод, ўз вазифасини сидқидилдан бажарувчи азиз инсон билан учрашдим.

Саноқли кунлар ўтгач, истиқлол айёмининг 30 йиллиги арафасида Гафар Ақромовнинг “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитиб хурсанд

бўлдим. Бугун мен бу фидойи элдошимизга ва барча мукофот соҳиби бўлган қишлоқ хўжалиги фидойиларига “Мукофот муборак бўлсин, азизлар, сизлар бунга муносибсиз!” деб баралла айтгим келди. Элнинг зийнати, фахри бўлган Гафар акага ўхшаб кунни тунга улаб, юртга садоқат билан меҳнат қилган заҳматкаш деҳқоним менинг! Аллоҳ йўлларингизни ёритаверсин, мукофот яна янги зафарларга йўл очаверсин!

Суратларда:

1. Гафар Ақромов пахта пайкаллари орасида;

2. Чапдан: Чиноз тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбари Баҳром Умрзоқов, фермер Гафар Ақромов ва бош мутахассис Дилмурод Раҳматовлар келгуси ишлар, режалар юзайдан суҳбатлашишмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ТОМОРҚА “ҲАДЯ” ЭТАЁТГАН БАХТ

Бугун аграр соҳада олиб борилаётган бизчил ислохотлар сабаб юртимизда деҳқончилик маданиятини яхшилаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, томорқачиликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган минглаб оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Нарпай туманидаги Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Ҳаким Расулов ҳам кафтдек ердан самарали фойдаланиб, оиласи фаровонлигини оширмоқда, бозорни арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Ана шу хизматлари учун Ҳаким Расулов, Президентимизнинг фармонида кўра, Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

— 2002 йилдан буён 20 сотих томорқамда йилига уч мартагача экин экаман ва оилам фаровонлиги ҳам шу томорқа даромадидан. 2010 йилдан бошлаб томорқамда гулкарам етиштиришни бошладим. Тажрибамдан кўрдимки, бу экин маҳалламиз иқлим шароитига тўла мос келади ва яхши ҳосил беради. Қолаверса, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳалладошларимга ҳам шу экинни экиш, маҳсулот етиштириш, даромад олиш йўлларини ўргатиб, кўчатларини тайёрлаб беряпман. Ҳозирда маҳалламизнинг ўзида 60-70 дан ортиқ оила гулкарам етиштиришни йўлга қўйди ва меҳнати ортидан яхшигини даромад топяпти, — дейди Ҳ.Расулов. — Бундан ташқари, туманимизнинг бошқа маҳаллаларидан ҳам маслаҳат сўраб келган томорқачиларга бажонидил кўмак беряпман. Тажрибадан келиб чиқиб 20 январдан 1 февралгача тўлиқ йиғма иссиқхонада полиэтилен плёнка остида гулкарам экаман. 20 сотих томорқага 7 мингта кўчат экилади ва май ойигача биринчи экинда ҳар бир кўчат ўртача 1 килограмдан ҳосил беради. Унинг килограммини ўртача 5 минг сўмдан сотаман.



Кўряпсизми, бу айрим томорқаларда ҳали экинлар энди унаётган пайтда мен 35 миллион сўм даромадга эга бўламан. 1-10 майгача экиндан бўшаган томорқага аввалдан тайёрланган кизил карам ва бошкарэм экаман. Иккинчи ҳосилдан ўртача 25 миллион сўм атрофида даромад оламан. Сентябрдан томорқага салат барги ва бошқа кўчатлар экиб, декабргача 10 миллион сўмдан ортиқ даромад оламан. Шу меҳнатим ортидан қизимни узатдим, янги уй қурдим, ўғилларим институтда ўқишяпти, иккита “Дамас” автомобили олдим. Бир томорқа меҳнатидан шунча даромадга эришдим. 2020 йилда “Намунали томорқачи” кўкрак нишонининг берилиши меҳнатимизга рағбат бўлганди, мустақиллигимизнинг 30 йиллик тантаналари арафасида Президентимизнинг фармонида асосан “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландим. Бу медал менга аввало, ризқ, эътибор ҳалол меҳнатда эканлигини англатди.

Албатта, инсоннинг нияти яхши бўлса, у оддий томорқачи бўлса ҳам элда эъзоз топади, меҳнати эътироф этилади. Аслида юртимизнинг ҳар бир қарич ери бебаҳо. Унда меҳнат қилган киши кам бўлмайди, ризқини топади.

Ўз мухбиримиз.

ФАХР ТҲҲҲҲҲҲҲ

30 июнь – Ёшлар куни. Айни шу кун йиллар давомида эл ичида ўзининг шарафли касби, шижоатли меҳнати ва иқтидори билан танилган ёшларга хурматли Президентимиз томонидан давлат мукофотлари берилади. Жорий йил ҳам спорт, санъат, адабиёт каби кўплаб соҳалар қаторида бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланишди. Улар қаторида Боғдод туманида истиқомат қилувчи Абдувоҳид Убайдуллаевнинг борлиги туман аҳлини фахр ва гурур тўғриси ила шод этди. Биз ҳам бу йигит билан суҳбатлашиш мақсадида Боғдод тумани сари йўл олдик.



Суратда: “Шуҳрат” медали соҳиби Абдувоҳид Убайдуллаев асалариларни кўздан кечирмоқда.

– Абдувоҳид, сиз Юртбошимиз томонидан “Шуҳрат” медали билан тақдирландингиз. Бу сизда касбингизга нисбатан қандайдир ўзгача меҳр бор эканлигидан далолат, албатта...

– Аввало, ҳар бир инсон ўз касбини сидқидилдан севиши, ҳурмат қилиши ва бор меҳрини бериши керак. Шунда ишида унум, файз ва барака бўлади. Асаларичилик бобом Убайдулла отанинг касби кейин отам, сўнгра мен. Яъни мен учинчи авлодман. Шунинг учун ота-боболарнинг касбини давом эттириш, ривожлантириш мен учун шараф.

– Асаларичиликни жуда ҳам нозик соҳа, дейишади. Эмишки, асалари ҳаммани ҳам бирдек ёқтиравермас экан. Ёқтирмаган жойидан оиласи билан бошқа эга ахтариб кетиб қоларкан?

– Жуда тўғри. Асалари Оллоҳнинг бекаму кўст яратган жонзоти. У сезади, ҳис қилади. Ўз эгасининг меҳрини ҳис қилиб турмаса, ўз жойини тарк этади. Шунинг учун асаларилар билан ишлаганда, албатта, покиза кийиниб, ўта оқиллик билан ҳаракат қилиш керак бўлади. Биргина қўполлик ёки танадан бадбўй ҳид келиши қимматга тушиши мумкин.

– Кейинги йилларда бу касбга нисбатан муносабат ўзгарди. Давлатимиз томонидан асал маҳсулотини кўпайтириш учун қарорлар қабул қилинди.

– Албатта, асаларичиликка кейинги йилларда эътиборнинг кучайтирилиши деярли инқирозга юз тутиб қолган соҳанинг қайта дунёга келишига сабаб бўлди. Илгари асалчилик хўжаликлари ўз фаолиятини

тўхтатган, янги насли арилар деярли келмаслиги натижасида олинадиган маҳсулот салмоғи ҳам камайиб бораётган эди. Эндилқда фуқаролар асалари оилаларини ҳарид қилиб, ўзлари ҳам парваришларини ҳам мумкин бўляпти.

– Насли чорва, насли парранда сўзлари кўп қўлланилади. Лекин насли асалари сўзи жуда ҳам кам қўлланилади. Тўғриси, оддий фуқароларга бу ҳақида айтсангиз асаларини ҳам наслиси бўларканми, дейишади...

– Тўғри, чунки бу ҳақида халқимизга жуда кам маълумот берилади. Қишлоқ хўжалигидаги кўплаб соҳаларда насл бирламчи ўринни эгаллайди. Яъни жонзотми, ҳашаротми, албатта, наслдорликка эътибор қаратилиши керак. Асалари ҳам шундай. Оддий жайдари асалари икки кунда йигган нектарни насли асалари ўз инидан узоқлаб кетмаган ҳолда бир кунда йиғиб улгуради. Бу эса ҳосилдорликнинг икки баробар бўлишини таъминлайди. Биз ҳам ҳар йили Германиядан “Карника”, Украинадан “Карпат” зотли асалариларни сотиб оламиз. Водий насли асалариларини эса аҳолига, чет элга сотамиз. Жорий йил насли асаларининг 41700 тасини экспорт қилишга муваффақ бўлдик.

– Сизни туман аҳли сахий тадбиркор сифатида ҳам ҳурмат қилишаркан. Кўплаб оилаларда асал маҳсулотининг тўкин бўлишида шу йигитнинг ўрни катта дегувчилар ҳам кўп бўлди...

– Раҳмат, Асалари етти хазинанинг бири. Яхшилаб, эътибор билан қарасангиз бир йилда уч мартага мўл ҳосил оласиз. Бизнинг хўжалигимизга 250 та МФЙ бириктирилган. Шу кунгача 400 та асалари оилаларини кам таъминланганларга, темир дафтарда турадиганларга ва иш-

сиз фуқароларга тарқатдик. Улар билан бирга ишлаш жараёнида ҳар ой хонадонларига бориб керакли маслаҳатларни берамиз. Асаларини парваришlash сирасорларидан бохабар этиб борамиз. Етиштирган маҳсулотларини ўзимиз бозор нарҳида сотиб оламиз. Бу билан уларни оилавий бюжетларига ўз ҳиссамизни қўшиб келямиз. Бундан ташқари, кўпайган асалари оиласининг учдан бирини яна қайта ўзимиз сотиб оламиз ва бошқа оилаларга тарқатамиз. Бу жараёнда биз ҳам, асалари парваришлаган оила ҳам даромад топади.

– Иш бор жойда муаммолар ҳам бўлади. Сизларнинг фаолиятингизга тўсқинлик қилинаётган ҳолатлар ҳам кузатиладими?

– Кузатилади. Мана 2000 қути асаларини эрта баҳорда Сурхондарё тоғларига, ёзда Қамчиқ довонига, кузда Тошкент вилоятига ва қишда водийга олиб келиб жойлаштирамиз. Афсуски, жой масаласи жуда чигал ҳолатда. Биргина Қамчиқ довонидан 5 гектар ер ажратиб беришган. Афсуски, ҳар бир гектар ер учун 2 млн. сўмдан зиёд тўлашимизга тўғри келяпти. Бизнинг қутиларимиз 10-20 сотих ерга жойланади қолган ерларда аҳоли турли хил полиз, доривор ўсимликлар етиштириши мумкин. Бизга 50-100 гектар майдон ажратиб, аҳолининг ҳам фойдаланиши учун замин яратилса ва шунинг баробарида тўлов суммалари ҳам туширилса яхши бўлар эди.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Албатта, сизнинг таклифларингизга мутасаддилар эътибор қаратишади, деб ўйлайман. Ишларингизнинг ривожини берсин.

– Раҳмат.

Суҳбатдош: ўз муҳбиримиз Каримжон Эргашев.

АЁЛ БОРЖИ, МУНАВВАР ДУЖЁ...

Маълумки, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси 2019 йил 3 июль куни Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган ва бугунги кунда самарали фаолият юритиб келмоқда. Уюшманинг асосий мақсади, бу — аграр соҳада фаолият юритаётган хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустақамлаш ва ролини ошириш, уларнинг касбий маҳоратини юксалтириш, иқтисодий, ҳуқуқий, касбий билим доираларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тасарруфларидаги экин майдонлари ва чорва молларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш, соҳанинг sanoat ва экспорт салоҳиятини янада кучайтириш ҳамда хотин-қизларнинг жамиятда барқарор ривожланишига кўмак бериш ҳисобланади.



Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни асосида агросаноат мажмуасининг 15 та вазирликлари, давлат кўмиталари, ҳокимликлар ва уюшмалар билан ўзаро шериклик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Уюшма томонидан мазкур меморандумлар доирасида ўтган йили давомида аграр соҳада меҳнат қилаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича 20 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирлар, семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда “Ветеринария ва чорвачиликда гендер ёндашувининг татбиқ этилиши ва соҳани ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрнини кучайтириш” мавзусида “давра суҳбати” ўтказилди.

Шунингдек, Уюшма томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан “Қишлоқ аёллари журналистлар нигоҳида” номли танлов ўтказилди. Танловга учта йўналиш бўйича 240 та ижодий иш келиб тушди. Уларнинг 55 таси телевизион, 50 таси радио, 135 таси босма ва интернет нашрларидан. Ҳакамлар ҳайъати томонидан 21 та ғолиб танлаб олиниб, улар қимматбаҳо совғалар ва сертификатлар билан тақдирландилар.

Жорий йилнинг февраль ойида Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказида гендер масалаларига бағишлаб ўтказилган “давра суҳбати” ҳам эътиборга лойиқ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП вакили, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари иштирокида Уюшма стратегиясини белгилашга бағишлаб ўтказилган давра суҳбати ҳам баҳс-мунозара ва очик мулоқот шаклида ўтди.

Бугунги кунда Уюшма иккита лойиҳа устида фаол иш олиб бормоқда. Жумладан, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг ҳуқуқий ислохотлар дастури молиявий кўмаги ва Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси ҳамкорлигида “Тошкент вилоятида ҳимояга муҳтож аёллар ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги аёлларга юридик ёрдамлар кўламини кенгайтириш” лойиҳаси 2020 йил 21 сентябрда имзоланган эди. Унинг мақсади Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Паркент туманларидаги ҳимояга муҳтож аёлларга (ишсизлар, зўравонликка учраган аёллар, ногиронлар, қишлоқ хўжалигидаги аёллар ва бошқалар) бепул юридик ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида уларнинг қонун устуворлиги тўғрисида хабардорлигини оширишдан иборатдир. Лойиҳада Оҳангарон ва Паркент туманларида ҳимояга муҳтож 2000 нафар аёлларга яқка тартибдаги маслаҳатлар; 4000 нафар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш режаси кўзда тутилган. 2021 йил 21 сентябрь ҳолатига келиб, 2134 нафар яқка тартибдаги маслаҳатлар, 4705 ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда шахсларни жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилди ва 5700 та ҳуқуқий маълумотлар берилган, буклетлар тарқатилди. Ташкил этилган давра суҳбатлари ва консултациялар натижасида 21 нафар аёлларнинг турли йўналишдаги муаммолари ҳал этилди.

2020 йил 27 октябрда Уюшма ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида “Қишлоқ хўжалигида инклюзив сиёсатни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси ижросига кўмаклашиш бўйича шартнома (субконтракт) имзоланган. Унга асосан Уюшма томонидан тегишли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 5 та икки кунлик семинар-тренинглар ва “давра суҳбат”и ташкил этилди. Уларда 35 дан ортиқ ташкилотлардан 300 га яқин тингловчилар қатнашди. Семинар-тренинглар иштирокчиларига тарқатиш учун “Қишлоқ хўжалигида гендер масалалари”, “Гендер ва табиий ресурсларнинг барқарор бошқаруви”, “Гендер, озиқ-овқат ва соғлом овқатланиш” номли 3 та буклет ҳамда “Қишлоқ хўжалигида гендер ёндашув” номли брошюра тайёрланиб, чоп этилди. Семинар-тренинглар ОАВ томонидан ва турли ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди.

Жорий йилда ҳам Халқаро қишлоқ аёллари кунини муносиб нишонлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ҳамкорликда “Аграр илми юлдузлари” номли ҳужжатли фильмни суратга олиш ва “Аграр соҳа олималари” номли китобни нашр эттириш режалаштирилган эди. Уюшмамизга режалаштирилган ҳужжатли фильм ва китобга киритиш учун республикадаги 7 та вазирлик ва идоралардан 61 нафар олима аёллар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди. Тақдим этилган номзодлар орасидан қишлоқ хўжалиги ривожига ва аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга илмий ишланмалари ҳамда инновацион янгиликлари билан ҳисса қўшган 41 нафар олималар танлаб олинди. Танлаб олинган 41 нафар номзоднинг 24 нафари фан доктори, 17 нафари қишлоқ хўжалик фанлари номзодларидир. “Аграр илми юлдузлари” номли ҳужжатли фильм учун юборилган 24 нафар фан докторлари маълумотлари орасидан 6 нафар фан докторлари, профессорлар танлаб олинди. Ҳозирда “Аграр илми юлдузлари” номли ҳужжатли фильмни суратга олиш ишлари якунланди. Олима аёллар илмий ижодига бағишланган китоб ҳам ёзилиб, нашрга берилди. Бу бизнинг катта ютуғимиз десам, муболаға бўлмайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 3 нафардан, жами 39 нафар қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб келаётган хотин-қизларни таклиф қилиш режалаштирилмоқда.

Аёл борки, мунаввар дунё... Чунончи, ҳар бир ўзбек аёли юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз соғ-омон бўлишини истайди. Мен, Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан нафақат қишлоқ аёлларига, балки мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча хотин-қизларга ҳамма эзгу орзу-умидлари ушалишини тилайман.

Адиба АХМЕДЖАНОВА,
Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари”
уюшмаси раиси.

ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В МИРЕ

Продовольственной и сельскохозяйственной организацией Объединенных Наций (ФАО) совместно с Международным фондом сельскохозяйственного развития (МФСР), Детским фондом ООН (ЮНИСЕФ), Всемирной продовольственной программой ООН (ВПП) и Всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ) опубликовали Доклад «Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в мире» за 2021 год.



В предыдущих выпусках авторы неоднократно предупреждали мировое сообщество, что речь идет об угрозе для продовольственной безопасности миллионов, в том числе множества детей. «К сожалению, пандемия продолжает выявлять слабые места наших продовольственных систем, что ставит под угрозу жизни и источники средств к существованию населения всего мира», — отмечают главы пяти учреждений ООН в предисловии к выпуску доклада за 2021 год.

Они снова предупреждают, что в своем развитии мир подошел к переломному моменту, и возлагают надежду на наметившееся усиление дипломатического импульса. «В этом году в связи с проведением Саммита ООН по продовольственным системам, саммита «Питание в интересах роста» и 26-й сессии Конференции Сторон Конвенции об изменении климата открываются уникальные возможности для улучшения продовольственной безопасности и питания на основе преобразования продовольственных систем. Итоги этих мероприятий будут определять меры, необходимые для принятия во второй половине Десятилетия действий ООН по проблемам питания», — указывают пять руководителей. — Это глобальное политическое обязательство еще предстоит исполнить».

Уже в середине 2010-х годов надежды на необратимость результата борьбы с голодом рухнули, число голодающих начало медленно увеличиваться. Результаты 2020 года тревожны, количество голодающих значительно выросло как в абсолютном, так и в относительном выражении: если в 2019 году от недостаточного питания страдало 8,4 процента населения планеты, то по итогам 2020 года доля недоедающих увеличилась до 9,9 процента.

Более половины (418 миллионов) лишенных достаточного питания проживает в Азии, более трети (282 миллиона) — в Африке, меньше (60 миллионов) — в регионе Латинской Америки и Карибского бассейна. При этом самый резкий рост масштабов голода был отмечен в Африке, где, согласно оценкам, показатель распространенности недоедания достиг 21 процента — это более чем вдвое выше, чем в любом другом регионе.

Не радуют и другие показатели, рассчитанные по итогам 2020 года. Более 2,3 миллиарда человек — 30 процентов населения планеты — были лишены круглогодичного доступа к достаточному питанию: годовой рост показателя распространенности умеренного или острого отсутствия продовольственной безопасности оказался практически равным его росту за пять предыдущих лет. Обострилось гендерное неравенство: в 2020 году на каждые 10 мужчин, столкнувшихся

с отсутствием продовольственной безопасности, приходилось 11 женщин, попавших в ту же ситуацию (в 2019 году значение этого показателя составило 10,6).

Во многих странах пандемия спровоцировала резкий спад экономики и привела к ограничению доступа к продовольствию. Но масштабы голода расширились и до пандемии, и точно так же мир отставал в решении проблемы неполноценного питания. В первую очередь это было характерно для стран, затронутых конфликтами, воздействием экстремальных погодных явлений, экономического спада, и стран, ведущих борьбу с высоким уровнем неравенства. Все эти явления авторы доклада относят к основным факторам, порождающим отсутствие продовольственной безопасности, причем все они оказывают взаимное влияние друг на друга.

С учетом характера отдельных факторов (или сочетаний нескольких факторов), присутствующих в стране, в докладе сформулирован настоятельный призыв к директивным органам: - обеспечивать в пострадавших от конфликта районах комплексную реализацию мер по оказанию гуманитарной помощи, содействию развитию и построению мира; - расширять масштабы работы по повышению устойчивости к изменению климата во всех звеньях продовольственных систем; - укреплять экономическую устойчивость наиболее уязвимых к воздействию негативных экономических внешних факторов; - принимать меры, направленные на снижение стоимости питательных пищевых продуктов во всех звеньях продовольственных товаропроводящих цепочек; - решать проблемы нищеты и структурного неравенства; - укреплять продовольственную среду и изменять потребительское поведение.

Кроме того, авторы доклада призывают «создавать благоприятную среду в плане механизмов общего руководства и учреждений», что обеспечит возможность преобразований. Они обращаются к директивным органам с призывом проводить широкие консультации, расширять права и возможности женщин и молодежи, обеспечивать большую доступность данных и новых технологий. Но в первую очередь авторы доклада обращаются ко всему миру с настоятельным призывом действовать незамедлительно, в противном случае в будущем, когда будут преодолены потрясения, спровоцированные пандемией, интенсивность воздействия факторов, способствующих росту масштабов голода и неполноценного питания, будет увеличиваться.

Шерзод УМАРОВ,
заместитель представителя
ФАО в Узбекистане.

ТИЛ ВА ХАЛҚ – ЖОН ВА ТАН

Халқ – тарихнинг яратувчиси, миллат ва тил унинг кўзгуси, маънавиятнинг муҳим таянчларидир дейишади буюк алломаларимиз. Ўзининг миллий давлатига эга бўлмаган халқ эса ўз ички ишларини бошқара олмас, ҳатто, фойдаланиб келаётган ёзувини сақлаб қолишига ҳам ҳадди сифмас экан.



Бунга шўролар даврида ёзувимиз бир неча марта ўзгартирилгани, ўтган асрнинг 20 йиллари бошларида 14 асрдан бери амал қилиб келган араб алифбосига асосланган мумтоз ёзувимиз ислоҳ қилингани мисол бўла олади. Ўша йилларнинг охирида бу ёзув ҳам бекор қилинди. Бундан асосий мақсад халқимизни ўтмиш тарихидан узиб қўйиш эди.

1929 йилдан эътиборан лотин алифбосига асосланган янги ёзувга ўтилди, бунда тилимиздаги бир неча ундош ва унли товушларга ҳарфлар белгиланмаганлиги туфайли талаффузимизга, бинобарин тилимизга шикаст етказилди. Лотин ёзуви жаҳоний ёзув бўлгани боис у ҳам орадан 3 йил ўтар-ўтмас атайин бекор қилинди. Сабаби, мустамлакачиларни чўчитган нарса шу эдики, лотин ёзувини билган ва қўллаган халқ фарзандлари шу алифбога асосланган ёзувларни қўллайдиган халқлар, масалан, инглиз, француз, немис, испан тилларини ўрганиши ва ўша тилларда ёзилган асарларни ўқишга ёшлиқдан кўникма ҳосил қилишлари мумкин эди. Бу ҳол марказдагиларни чўчитарди. 1940 йил лотин ёзувидан кирилл ёзувига мажбуран ўтказилишимизнинг асосий сабаби мана шу эди. Мустамлакачиларнинг мақсади тобе халқларни фақат марказга боғлиқ қилиб қолдириш, жаҳонга қўз очтирмаслик эди.

Гарчанд Конституциямизда ўзбек тили давлат тили, рус тили эса миллатлараро мулоқот тили деб белгиланган бўлса-да, байналминиччилик сиёсати ниқоби остида иш юритиш ва мажлисларни тўлиқ рус тилида олиб бориш қонунларда ёзилмаган, бажарилиши мажбурий бўлган қоидага айланди.

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллий мустақилликка эришиш йўлидаги илк ғалаба-муҳим тарихий воқеа бўлди. Истиқлол шарофати билан кирилл ёзувидан лотин ёзувига ўта бошлаганимиз эса халқимизнинг азму иродаси, манфаатларига мос муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеалардан бири бўлди.

“Оққан дарё – оқаверади”, дейди доно халқимиз. Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Мустақиллик йили туғилиб, 7 ёшида мактаб остонасига қадам қўйган болалар ўз саводларини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чиқара бошладилар. 1998 йилдан бошлаб барча таълим муассасаларида ўқув жараёни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида юритила бошлади. Ҳозирга келиб, миллатимизнинг ёш авлоди тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида таълим олди, вояга етди.

Ўзбек тилида кўплаб бадий ва миллий адабиётлар, ўқув дарсликлари ва қўлланмалари чоп этилиши, корхона, ташкилот, муассасаларда иш юритишнинг ўзбек тилида олиб борилиши, илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий терминологик луғатларининг яратилиши ва жорий қилиниши ўзбек тилининг ривожланишида, такомиллашувида, ижтимоий вазифаларнинг кенгайишида муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтиш пайсалга солиниши давлат тилининг тўлақонли даражада жорий қилинишида муайян тизимли муаммоларни юзга келтирди.

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш даври миллий ўзлгимизни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни улуғлаш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш борасида муҳим давр бўлди. 21 октябр-Ўзбек тили байрами куни сифатида нишонланиши қонун билан белгиланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2020 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган 75-юбилей сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилида маъруза қилиши она тилимизнинг давлат тили мақомидаги нуфузини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсий иродани намоян этди. Тилимиз тарихида бундай халқаро миқёсдаги юксак минбардан жаҳон тамаддунига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган буюк аждодларимиз тили илк бор янгради.

Юртбошимизнинг ушбу маърузаси ўзбек тилига чексиз ҳурмат ва эҳтиром тимсоли сифатида ҳар биримизга юксак ибрат намунаси бўлди.

Ўзбекистон вакиллари иштирок этадиган халқаро анжуманларда она тилимиз жаранглай бошлади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Вазирлигида ва унинг барча бўғинларидаги ташкилотларда давлат тилини жорий қилишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги фаолиятни жойларда тўлақонли даражада тизимли ташкил қилиш мақсадида 228 та ташкилот, корхона ва муассасаларда мутасадди ходимлар белгиланди. Иш юритиш қоғозлари, бошқарув аппарати идораларининг ташқи ва ички ёзувлари қонун талабларига мослаштирилди. Тизимдаги ходимларнинг давлат тилида иш юритиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 20 соатлик видеодарслар тайёрланиб, масофавий ўқитиш тизимига жойлаштирилди, қўйи бўғинларга етказилди. Ҳозирги пайтда тизимдаги 102 та ташкилот лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритишга тўлиқ ўтди.

Соҳа тарихида илк бор “Қишлоқ хўжалиги атамалари изоҳли луғати” ишлаб чиқилиб, нашрга тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалиги энциклопедиясини тайёрлашга киришилди.

Шубҳасиз, қайд этиб ўтилган ишлар амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг дастлабки натижалари эканини эътироф этамиз. Уларни амалга ошириш ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан юксак масъулият, миллий фидойилик ва жонқуярликни талаб қилади. Она тилимизни қадрлаш ва эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаш барчамиз ва ҳар биримиз учун муқаддас бурч. Зероки, тил – миллат вакиллари мустаҳкам бирлаштирувчи, тутиб турувчи белбоғ, демак, бу рамзий белбоғнинг кучу қудрати сиз ва бизларнинг она тилимизга муносабатимизга боғлиқ. Тил ва халқ – жон ва тан. Булар қарор топган ва ҳимоя қилинган муқаддас замин Ватандир.

Ватанимизга, халқимизга, миллатимизга, тилимизга дахлдорлик ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун юксак шарафдир.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси.

СУВ ҚАДРИ

Бирлик маҳалласидан чиқар эканмиз, бирйўла туман сувчилари фаолиятига эътибор қаратмоқни жоиз билдик. Ахир, деҳқончилик асосини сув ташкил қилади. Сув бўлмаса ҳаёт йўқ, деб бежиз айтишмаган.

Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Чиноз туман ирригация бўлимида 66 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Бўлим тасарруфида 26 та хўжаликлараро канал мавжуд бўлиб, 5 таси асосий канал ҳисобланади.

Бўлимда кекса ва фидойи сувчилар билан учрашдик. Серикбай Алдабеков 1987 йилда шу бўлимга ишга келган бўлиб, оддий ишчи ва бўлим раҳбари вазифаларида меҳнат қилиб нафақага чиққан. У бир қанча нишон ва “Фахрий Ёрлик”лар қаторида “Сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланган. Бўлим раҳбари Лазиз Шамсуддиновнинг айтишича, Серикбой ота бугун ҳам ёшларга устозлик қилмоқда.

— Туманимизда жами суғориладиган ер майдонлари 22109 гектар бўлиб, пахта майдонлари 6200 гектар, ғалла майдонлари 7800 гектар, қолгани ҳар хил экинлар экиладиган майдонлардир, — дейди Лазиз Шамсуддинов.

Жўн, “Қора Кульдюк”, “ШТК”, Бўз-сув, Чирчиқ дарё тармоқлари орқали тумандаги 14 та ҳудуд сув билан таъминланади. Туманда сув истеъмолчилари уюшмаси ташкил қилинган. Хўжаликларга СИУ билан тузилган шартнома асосида лимит бўйича сув етказиб берилади. 27 та хўжаликлараро канал ҳамда 139 та сув ўлчаш гидрости мавжуд. Кунлик сув олиш маълумотлари доимий қайд этиб борилади.

— Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда йилдан-йилга сув танқислиги муаммоси бўлиши мумкинлиги ҳар бир ўзбекистонликни ташвишга солади.

Туманимизда 1504 гектар экин майдонида томчила-тиб суғориш йўлга қўйилган, — дейди суҳбатимизга қўшилган Мавлуда опа Ҳасанова.

Умрининг 32 йилини сув хўжалиги соҳасида самарали меҳнатга бағишлаган опанинг шогирдлари бугун туман сув хўжалигида элга танилган сувчилардир. Сув ўлчовчи муҳандислар Мурод Маликов, Ботир Одилов, Бахтиёр Ўрозимбетов, Мадёр Тожибаевлар шулар жумласидан бўлиб, сувчилик касбига чин садоқат қўйиб меҳнат қилмоқдалар.

Ирригация бўлими ходимаси Мадина Шамшиеванинг бир фикри диққатимни тортди:

— Кўплар сувни шундай лойқаланиб ўзи ариқлардан оқиб келаверади, деб ўйлашади. Ўзим ҳам шу ерга ишга келгунимча шундай ўйлаганман. Аммо сувнинг шу ерга етиб келгунигача ҳар бир қариш жойда қанчадан қанча ишчи-ходимлар заҳматли меҳнат қилишини кўз олдингизга келтиринг. Шу оби ҳаёт бўлмаса-чи? Қандай ҳаёт кечирамиз? Бир одам учун қанча сув керак бўлади? Уни истеъмолга яроқли қилиш учун қанча заҳматкаш фидойи инсонлар меҳнат қилишини ўйласак, сув ҳақиқий мўъжиза эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳа, у айтганидек сув – мўъжиза. Деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, балиқчилик, хуллас, ҳамма нарсанинг асосини ташкил қилади. Чинозликларнинг сув қадрли ҳақидаги фикрларига қўшилиб, уларни яқинда нишонланган мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан қутладик. Фаровонлик учун сувчи, деҳқондан тортиб олиму ишчи ҳам тиним билмайди. Бугуннинг эса ҳар бир дақиқаси ғанимат. Кузги ҳосил бароридан бўлиб, халқ кўзлаган маррасига эришаверсин.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.



ПАХТАЧИЛИКДА

НАРПАЙ МАКТАБИ

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тармоқлар ривожланиши пировардида ўша ҳудуднинг моддий манфаати, фаровонлиги, равнақи ва эртанги кунга бўлган умиди намоён бўлади. Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида ер билан тиллашадиган, ўз касбининг моҳир усталари меҳнат қилишади. Туманнинг иқлими иссиқ бўлиб, пахта етиштиришга ихтисослашган ҳудудлардан бири саналади. Жорий йилда юзага келган сув тақчиллиги, об-ҳаво инжиқликларига қарамасдан, туман пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Азалдан Нарпайлик деҳқонлар пахтачилик соҳасида сезиларли ютуққа эришган ва туман деҳқонларининг тажрибаси вилоят хўжаликлариде кенг омалаштирилган. Бугунги кунда туманда «Мароқанд Сифат» МЧЖ кластер корхонаси ва 234 та фермер хўжаликлари томонидан 10 минг 762 гектар ер майдонида иқлим шароитига мос, эртапишар чигит навлари етиштирилиб, қабул масканларига 37 минг 265 тонна пахта хомашёси етказиб бериш ишлари

айни авжида. Ана шу мақсадда мавсум давомида ғўза парваришида агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилди. Шунингдек, туманда бу йил сув тансиқлиги бўлишига қарамай, захматкаш бободеҳқонлар томонидан мўл ҳосил олиш йўлида яна бир бор жасорат кўрсатганлиги чинакам мардлик ва фидойилик намунаси бўлди деб айтиш мумкин. Албатта, об-ҳавонинг инжиқ келгани бирмунча ноқулайликлар туғдириши, агротехник тадбирларни кучайтириш ва уларни кечиктирмай сифатли олиб боришни тақозо этди. Ана шунда ҳосилдорлик ҳам меҳнатга яраша бўлди. Тумандаги илғор фермерлар гектарига 40-42 центнердан пахта олмақда. Айниқса, ҳудуддаги илғор ва намунали фермерлардан «Ваҳоб Ровшанов» ва «Мухаммад Қўчқор» фермер хўжалиги аъзолари ҳар гектаридан 35-40 центнердан пахта ҳосили етиштириб, ёруғ юз билан режани биринчилардан бўлиб бажарди. Энг эътирофли жиҳати, суғориш тизимида ўзига хос машаққатли меҳнат

талаб этадиган Нарпай туманида соҳага тежамкор технологияларни қўллаш зарурати доимо мавжуд эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу муаммоларга ечим топишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. 2021 йилда тумандаги 55 та фермер хўжаликлари ва кластер хўжалигининг жами 3 минг 115 гектар майдонида томчилатиб суғориш технологиялари жорий этиш белгиланган ва бу борадаги ишлар давом этмоқда. Албатта, бу каби агроинновациялар ва самарали тадбирлар туманда яқин келажакда пахта етиштириш борасидаги ишлар унуми янада ошишидан далолат беради.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Сурамда: нарпайлик қишлоқ хўжалиги фидойилари

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Ҳақиқий деҳқон мўл ҳосил олиш йўлини билади. Экин-тикинларни парваришда кўп нарса миришкорларнинг топқирлигига боғлиқ. Қадимдан боболаримиз деҳқончиликда турли йўллар билан тажрибалар ўтказганлар.

Наманганлик фермерлар ҳам устозларидан ақл, илм ўрганиб иш юриштишни яхши кўрадилар. Ахир, “Қари билганни пари билмас”, деган мақол деҳқончиликда ҳам қўл келаётганини ҳар бир қишлоқ аҳли яхши билади. Наманган туманидаги “Шамсиддин Ҳожи” фермер хўжалиги раҳбари Аъзамжон Баҳриддинов ёш бўлса-да, ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришиб бой бўлаётганлардан. 2021 йилги ҳосил натижалари ҳам чакки эмас. 38 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 80 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 200 тонна сара дон бошоқларини уруғликка топширди. 180 тоннасини ўзидан орттириб, аъзоларига, кам таъминланганлар-



Суратда: (чапдан) Чуст тумани қишлоқ хўжалиги бўлими ўринбосари Акмалхон Султонов, “Мирза Холмат Қаҳрамон” фермер хўжалиги раҳбари Муроджон Назаров ва чорвадор Мирфатилла Хусайинов.

га тарқатди. Рози бўлган элдан қолгани ўзиники-да. 38,3 гектар майдондаги пахтазорда терим авжида.

Тўрақўрғон туманидаги “Шаҳад ҳумо куши” фермер хўжалиги раҳбари Абдуғани Хамидов меҳнатнинг ҳадисини олган илғор фермерлардан. 36,1 гектар пахта майдонидаги ҳосил кўзни қувнатади. Оппоқ либосга бурканган пахтазорлар оралаб этакларини момикларга тўлдириб майин оҳангда қўшиқ куйлаётган теримчиларга қараб “ҳорманг, бор бўлинг” қабилида саломлашдик.

150-200 килограмдан ошириб тераётган Раънохон Сотволдиева, Дилфуза Мирзакаримова, Муқаддас Тожаҳмедова каби теримчи қизлар, улардан ўрнак олаётган бошқа хотин-қизлар билан “Чарчаманглар”, дея хайрлашдик.

65,6 гектардаги ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олдик, — дейди фермер. — 220 тоннасини давлатга топширдик. 150 тоннасини кам таъминланганлар, фермер аъзолари билан баҳам кўрдик. — Ахир, эл рози, Худо рози, шундай эмасми?

Чуст туманидаги “Мирза Холмат Қаҳрамон” фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, раҳбари Муроджон Назаров. 15 бош қорамолни Франциядан, 31 бош қорамолни эса Голландиядан келтириб, алоҳида жой ва ем-хашакларни саралаб, рацион асосида парваришламоқда. 32 бош кўй, 15 гектар майдондаги ғалла ҳам бор.

— Ғалланинг ҳар гектаридан 70 центнердан дуру-гавҳарларни йиғиб олдик, — дейди Муроджон. — Меҳнат қилсак, роҳатини кўрамиз, моллар сони кўпаймоқда, даромад ҳам шунга яраша-да. Худо насиб этса, балиқчилик, қўйчиликни ривожлантириб, эл дастурхонини витаминга бой, қувват, соғлик келтиргувчи маҳсулотлар билан безаш ниятимиз бор.

Биз фермерларнинг ишларига омад тиладик.

Раъно Юсупжон қизи,
журналист.



Суратда: Наманган тумани “Шамсиддин Ҳожи” фермер хўжалиги раҳбари Аъзамжон Баҳриддинов

Ориятли одамлар

Бободехқонларимиз Аллоҳнинг мурувватига шукроналар айтиб, отга қамчи уриб, бирин-кетин маррага етиб келмоқдалар. Қуёшда қорайган, аммо унинг нуридан кучга тўлган билаклар ҳали чарчадим, дегани йўқ. Биз ҳам уларга мададкор бўлсак дея қаҳрамонларимизнинг далаларига йўл олдик. Бу галги сафаримда Хоразм вилоятининг бир неча туманларида бўлишни режалаштирган эдим. Дастлаб қадимий, ҳамisha навқирон Хива тумани заршунослари билан кўришишни режалаштирдим.

Бу йил сув кам бўлди, агар сув мўл бўлганида, ерни гапиртирар эдик, — дейди ҳазил аралаш “Отабой оқсоқол” фермер хўжалиги раҳбари Отахон Қўшақов. — Мана шу, сиз кўриб турган ерларда Худо раҳматли дадажоним Юсупбой Қўшақовнинг табаррук излари бор. 2006 йили фермерчиликни бошлаган отам, 2015 йили менга топшириб, ўзлари нафақага чиққанди.

Иккинчи терим бўлишига қарамай, ҳали далаларда ҳосил мўл. Режани бажарган фермер оқ дурларни чаноғида қолдирмай териб, 25 гектардаги пахта майдонидан 42 центнерга яқин ҳосил йиғиб-териб олмоқчи.

32 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 70 центнердан хирмон кўтариб, атрофидаги фермерларни лол қолдиргани ҳам бор гап. 15 гектар ғалладан бўшаган ерларни ёшларга бўлиб бериб, ер ҳайдовига ҳам ёрдам кўрсатибди. 2 гектар янги боғ яратиб, ораларига пиёз экиб, қўшимча даромад ҳам олганига нима дейсиз.

Келгусида балиқчиликни йўлга қўйиш мақсадида яхши ният билан 3,2 гектар ердаги балиқхонага чавоқлар ташлабди.

Қўшқўпир туманидаги “Сайилхон” фермер хўжалиги раҳбари Абдушарип Олломов ҳам кўшни хивалик ҳамкасбларидан қолишмай, туну кун тинмай меҳнат қилмоқда. 150 гектардаги пахтазоридан олинган ҳосил қарийб 40 центнерга етай деб қолган.

— Далаларда ҳали ҳосил мўл, Худо насиб қилса, 120 фоизга бажарамиз — дейди фермер — 122 гектар ғалла майдонимизнинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил йиғиб

олиб давлат режасини ортиғи билан уддаладик.

15,8 гектар боғдаги меваларга қараб ҳавасингиз ортиши аниқ. Олма, нок, узум, шафтолизорларнинг мевалари кўзни қувнатади. “Мақсудбек” номли тўйхона ҳам фермерники.

Урганч туманидаги “Дўрмон XXI” фермер хўжалиги раҳбари Ислоҳ Рўзиметовни ўзига хос салобатли, кўпни кўрган, ер билан тиллаша оладиган омадли одамлар сарасидан десак, айна ҳақиқат. Сухбатлашсангиз бунга амин бўласиз. 48 гектардаги пахтазордан биринчи теримдаёқ режани бажарган фермер тиниб-тинчимамай, теримчиларни пахтазорга чорламоқда. Хотин-қизлар ҳам бўш келмай, отага ҳазил қилиб, теримга тушиб кетдилар.

28 гектар майдондаги ғалла майдонидан олинган ҳосил 70 центнердан ошди, — дейди қаҳрамонимиз. — Бўшаган ерларни кам таъминланганларга бўлиб бердик. Дуо қилиб, ҳосилларини йиғиб олишни режалаштирмоқдалар. 3,30 гектар боғдаги олма, олхўри, шафтолилар ҳам териб олинган.

Даромад ҳам шунга яраша. 35 та ишчига меҳнат дафтарчаси очилиб, маош билан таъминланган. 40 бош қўй, 2 гектар балиқхона ҳам фермерники. Бир сўз билан айтганда, хоразмлик марду майдонлар қаловини топсанг қор ҳам ёнади, қабилда фаолият юритувчи ориятли одамлар. Ниятингиз қалбингиз каби оппоқ, сизларга омад ёр бўлаверсин.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

ҚУМҚЎРҒОНЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАҒАРИДА СУВЧИЛАРНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ БОР

Қадимий деҳқончилик анъаналарига қатъий амал қилиб, омилкорлик билан меҳнат қилган Қумқўрғон тумани деҳқонлари об-ҳаво жуда иссиқ келган ва сув тақчиллиги сезилган бу йилги шароитда ҳам далаларда мўл ҳосил тўплашгани айна куз фаслида исботланди. Уддабурон ва ишнинг кўзини билладиган қумқўрғонлик пахтакорлар мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан уддалашди.

Эл-юрт хирмонларига қарийб 28 минг тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берилиб, асосий қисми юқори навларга сотилди. Ҳар гектар пахтазордан туман бўйича ўртача 35 центнердан хирмон кўтарилди. “Элобод зиёси”, “Насиба Суюнова”, “Панжи Раҳимов”, “Тўғон Арслони” каби ўнлаб

фермер хўжаликлари аъзолари ҳар гектар майдондан 44 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлдилар.

— Жорий йилда 7952 гектар майдонга чигит эккан деҳқонларимиз, айниқса, сув хўжалиги соҳаси ходимларидан ғоят мамнун, — дейди туман ҳокими Р.Ғаффоров. — Чунки уларнинг меҳнати туфайли айна саратон чилласида ҳам сув узлуксиз етказиб берилди. Қолаверса, 1850 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар қўлланилганлиги ҳам айна муддао бўлди.

Қумқўрғонлик деҳқонлар далалардаги қолган ҳосилни ҳам нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш баробарида кузги ғалла экишни ҳам қизгин давом эттиришяпти. Бу борада ҳам деҳқонларга сувчилар мададкор бўлишмоқда.

У.НОРМАТОВ,
Аму-Сурхон ИТХБ матбуот котиби.

ТОЖИКИСТОН САФАРИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасида асрлар давомида синовдан ўтган мустақкам дўстлик алоқалари мавжуд. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг юксак саясий-ҳаракатлари эвазига бу азалий дўстлик, қардошлик алоқалари янада ривожланди, муносабатларимиз сифат жиҳатдан янги босқичга – стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди.

Дарҳақиқат, икки қардош халқ ўртасидаги яхши кўшничилик ва умумий манфаатларга асосланган ҳамкорлик самараси ўлароқ кейинги йилларда маданий-гуманитар алоқалар янада фаоллашди. Дўстлик делегациялари ташрифи ва ижодий сафарлар уюштирилиб, маданият кунлари, кўргазмалар, анжуманлар ўтказилиши анъана тусини олмоқда.

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасида маданий-маърифий, таълим-фан соҳаларидаги алоқаларни янада мустақкамлаш мақсадида 2019 йилда “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти ташкил этилди. Ўтган даврда дўстлик жамияти фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича қатор учрашувлар ташкил қилинди, шу билан бирга, жамият бошқарув аъзолари ҳамда юртимизда яшовчи тожик миллатига мансуб ижод ва илм аҳли, фаоллар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 10–11 июнь кунлари Тожикистон Республикасига расмий ташрифи чоғида Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ва тожик адабиётининг танланган асарлари – антологияларини нашр қилишни таклиф этган эди. Ана шу ташаббуснинг маҳсули сифатида “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Тожикистон Республикаси Суғд вилояти Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази жамоатчилиги ташкилоти билан ҳамкорликда **“Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси”** китоби нашр қилинди.

Ушбу салмоқли китобдан Тожикистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилаётган истеъдодли шоир-ёзувчиларнинг ҳамда бутун умр Ўзбекистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилган тожик миллатига мансуб адиб ва шоирларнинг сара ижод намуналари ўрин олган. Шеърый ва насрий асарларда юксак инсоний туйғулар, икки халқ ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат, Ватан равнақи ва комиллик йўллари мадҳ этилган.

Яна шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан “Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси” китобини чоп этиш ва Тожикистонда яшовчи ўзбек миллатига мансуб фуқароларни ўзбек тилида чоп этилган адабиётлар билан таъминлаш учун давлат гранти ажратилди. Давлат гранти ҳисобидан 70 дан ортиқ номдаги турли адабиётлар харид қилинди.

Ушбу китобларни етказиб бериш мақсадида “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти делегацияси жорий йилнинг 19–21 сентябрь кунлари Тожикистон Республикасида хизмат сафарида бўлди.

Ташрифнинг биринчи кунини Хўжанд шаҳрида Суғд вилояти “Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази” жамоатчилиги ташкилоти раҳбари ва фаоллари билан учрашув ўтказилди.

Учрашув иштирокчиларига “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти бошқаруви раиси Ш.Хамраевнинг қизгин саломи ва дил сўзлари етказилди. Жамиятнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берилди.

“Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси” китобини нашр этишда амалий ёрдам бергани учун “Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази” раҳбарияти ва фаолларига миннатдорлик билдирилди.



Ўзбекистон Республикасининг Тожикистондаги элчихонасида “Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси” китобининг тақдими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Э.Шоисматов, элчихона ходимлари, Оролни қўқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг вакили И.Жўраев, Тожикистон ҳукуматининг ўзбек тилидаги нашри ҳисобланган “Халқ овози” газетаси бош муҳаррири Ё.Абдуманнонзода, “Народная газета” бош муҳаррири М.Камалова, Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи ва С.Айний номидаги Тожикистон давлат педагогика университети ўқитувчилари, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар иштирок этди. Делегация номидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти фаоли Ф.Мажидов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бўлим бошлиғи Ф.Беков сўзга чиқди.

Ташрифнинг сўнгги кунини Хўжанд давлат университетида “Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси” китобининг тақдими ўтказилди. Унда университет профессор-ўқитувчилари, олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этди. Тадбирда Хўжанд давлат университети ректори Ж.Жўразода, “Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиғи бирлашмаси бошлиғи О.Холхўжаев, Суғд вилояти ўзбеклар жамияти раисининг ўринбосари М.Ойматова ва бошқалар сўзга чиқиб, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар, адабий алоқалар ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир доирасида Хўжанд давлат университети, Суғд вилояти ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази, Суғд вилояти ўзбеклар жамияти, Спитамен туманидаги 33-мактабга китоблар тақдим қилинди.

Делегациянинг Тожикистон Республикасига сафари самарали ва мулоқотларга бой тарзда ўтди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустақкамлашга қаратилган келгуси режалар белгилаб олинди.

Шухрат СУЮНОВ,
“Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти ижрочи директори.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛДИ



Сув хўжалиги соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаб беришда таянч олий ўқув юрти ҳисобланган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бугун бу борада залворли қадамлар ташланди. Институтда бира тўла тўртта тадбир – “Ақлли қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича Show-room”, “Ёнилғи-мойлаш материаллари сифатини аниқлаш илмий-инновацион лабораторияси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Махсус аудиторияси ҳамда талабалар учун “Book Safe”нинг очилиш маросимлари ўтказилди.

Дастлаб Show-room (Кўргазмалар зали) ҳақида. Унинг очилишидан олдин қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида фойдаланиладиган замонавий рақамли технологиялар намойиш қилинди. Шулардан бири – электрон тахеометр бўлиб, гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, техник ҳолатини ўрганишда фойдаланилади. Канал ва коллекторларни реконструкция қилиш ва таъмирлашда чоғида аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўл келади.

Намойиш этилган яна бир ускуна – оптик невелер канал ва коллекторларни лойиҳалаш, нишабликларни белгилашда ишлатилади. Лазерли сканер эса тўғон ва бошқа гидротехник иншоотларда бўладиган ўзгаришлар, яъни деформация, чўкиш, ёрилиш каби жараёнларни аниқлаш, мониторинг қилиш имконини беради.

“Ақлли қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича Show-room” Хитойнинг “Huawei” компанияси билан ҳамкорлик маҳсулидир. Институтнинг Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида жойлашган ўқув полиго-нида қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва суғоришда Хитойнинг энг илғор фермерлари томонидан қўлланилаётган 5G технологияси ва дрон имкониятларидан синов тариқасида фойдаланиш, хусусан, тупроқнинг кимёвий таркиби, намлиги, ўсимликларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар ва тасвирларни онлайн тарзда институтдаги базада қабул қилиб олиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини берадиган ушбу марказ иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Талабалар, ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишларида кенг имкониятлар яратиши эътироф этилди.

Иштирокчилар ва меҳмонлар давлат-хусусий шериклик асо-сида “Petro Test Avto” МЧЖ билан ҳамкорликда ташкил этилган Ёнилғи-мойлаш материаллари сифатини аниқлаш илмий-иннова-цион лабораторияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Махсус аудиториясини очилиш маросимида қатнашиш билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юри-тувчи йирик хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув лабораторияларини ҳам кўздан кечирдилар.

Ўзгариш ва янгиланишлар шиддат билан ҳаётимизга кириб келаётган ҳозирги замонда тараққиётдан орт-да қолмаслик, фақат ва фақат олдинга интилиш учун илм чўққиларини эгаллаш зарур. Бу жараёнда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, иннова-цион ҳамкорлик бениҳоя самара бериши жаҳон амалиётида ўз исботини топган.

Пойтахтнинг “Осиё” кўчасидаги муҳташам иморатларга мос, институтнинг Талабалар шаҳарчаси биқинидаги “Book Safe” ҳам кўпчиликлари манзур бўлди. Беминнат интернет, турли адабиётларга бой шинамгина маскан ёшларни ўзига жалб қилиши табиий. Институтнинг учта ётоқхонасида 1200 нафар талаба истиқомат қилиши мўлжалланган бўлиб, ёшлар шундоққина бир қадам манзилдаги “Book Safe”да вақтини маз-мунли ўтказишлари баробарида мушоиралар, адабий кечалар уюштириши учун барча имкониятлар бор.

Бўлиб ўтган тадбирларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Қаримов, Инвести-циялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Азиз Воитов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳотамжон Кетмонов, Ўзбекистонда “Huawei” компанияси дирек-тори Лю Цзясин, Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари вакиллари сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар-нинг сўзларида асосан тўртта жиҳатга урғу берилди.

Биринчиси, мана шу лойиҳаларнинг барчаси институт ректори, марҳум Ўқтам Пардаевич Умурзаковнинг ташаббуси билан бош-ланган ва у кишининг ўзлари бевосита бош-қош бўлганлар. Энди бу масканлар домладан ёдгорлик, илмий-амалий мерос сифатида талабаларга хизмат қилади.

Иккинчиси, “Ақлли қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича Show-room” каби марказ мамлакатимизда ҳеч қайси бир олий ўқув юртида йўқ ва бошқа таълим масканлари шу масалада Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидан ўрناق олса, ўрганса арзийди.

Учинчиси, замонавий ва рақамли технологиялар қўлланиладиган лабораториялар, аудиториялар “Ақлли университет” лойиҳасининг бошланиши. Келгусида институтда таълим жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришга ўтказиш изчил давом эттирилади.

Ва тўртинчиси, бўлиб ўтган тадбирлар, очилиш маросимлари 1 октябрь – Ўқитувчи ва мурабийлари кунни байрами арафасида институт жамоасига муносиб тўхфа бўлди.

Мен яна бир жиҳатни қўшимча қилиб ўтмоқчи эдим. Тадбирлар кўтаринки руҳда, юқори ташкилотчилик асосида ўтди, барчага манзур бўлди. Бу ўз ўрнида, Ўқтам Пардаевичнинг издошлари, шогирдлари у кишининг руҳини шод этиш, бу кутлуғ даргоҳнинг республикамиз олий ўқув юртлари ўртасида юқори рейтингини ва нуфузини, жамоатчилик орасидаги обрў-эътиборини сақлаб қолиш учун астойдил интилаётгани ва изланаётганини, хурматли домла бошлаб берган лойиҳалар давом эттирилиб, ўзининг тотли меваларини бераётганини англатади.

Бугун институтда таҳсил олаётган талабалар ўзлари сезиб-сез-маган, англаб-англолмаган бахт шуки, улар шу ерга ўқишга кириб, кутлуғ таълим даргоҳининг фарзандларига айландилар. Энди уларнинг зиммаларига шунга муносиб бўлиш, барча илмларни сув-дай сипқориб, юксак марраларни забт этиш масъулияти юкланди.

Биз бахтиёр ва масрур бу талабалардан замонавий ва рақамли технологияларни пухта эгаллаган, соҳани янада тараққий этти-ришга қодир ёш сувчилар этишиб чиқишини сабрсизлик билан кутиб қоламиз.

Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.



Ўткир ЙЎЛДОШЕВ,
Боёвут туманлараро
иқтисодий суди раиси

КЎЧАР ВА КЎЧМАС МУЛККА ДОИР МЕРОС ҲУҚУҚИ

бўлмаган бошқа объектлар тушунилади. Ўхшаш қоидалар автотранспорт воситалари учун ҳам мавжуд, зеро, улар ҳам, худди кўчмас мулк сингари, мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мерос қолдирувчининг мулкый ҳуқуқлари ва мажбуриятлари улар ифодачиси вафот этганидан кейин ҳам мавжуд бўлишда давом этади, улар бундан кейин унинг ворисларига ўтади. Буларга мерос қолдирувчининг қарз, кредит мажбуриятлари, шунингдек қарз ёки кредит олиш ҳуқуқи, гаров мажбуриятлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни киритиш мумкин. Ворислик бўйича муаллифлик ҳуқуқлари, патент ҳуқуқи сингари баъзи бир шахсий номулкый ҳуқуқлар ҳам ўтиши мумкин.

Мерос таркибига қирадиган барча нарса ворисликда у вафот этган шахсга тегишли бўлганидек ҳолат, кўриниш ва аҳволда ўтади.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ворислик бўйича уларни таъминлашнинг барча усуллари ҳамда уларга доир мажбуриятлар билан ўтади. Бинобарин, мерос қолдирувчининг фақат кўчмас мулкка доир мулк ҳуқуқини қабул қилиш ва унинг қарз шартномаси бўйича қарзларини тўлашдан бош тортиш мумкин эмас.

Инсон вафот этган пайтда унинг шахси билан бевосита ёки чамбарчас боғланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тугатилади (улар ворислик бўйича берилиши мумкин эмас). Масалан, мерос қолдирувчи ногироннинг турар жойга ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар, алимент олиш ҳуқуқи, фуқаронинг ҳаёти ва

соғлиғига етказилган зарарни, маънавий зарарни қоплаш мажбурияти ва бошқалар. Шахсий номулкый ҳуқуқлар ва неъматлар (шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ҳаракатланиш эркинлиги, ор-номус ва яхши ном) ҳам мерос таркибига кирмайди.

Бевосита унга маънавий зарар етказилган даъвогар вафот этган тақдирда маънавий зарар учун компенсация ундиришни талаб қилиш ҳуқуқи ворисларга ўтмайди. Агар суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарга маънавий зарар компенсацияси тақдим этилган, бироқ даъвогар уни олишга улгурмай вафот этган бўлса, ундирилган компенсация суммаси мерос таркибига қиради ва уни ворислар олиши мумкин.

Агар баъзи фуқаролар ёки юридик шахслар уларга мулкдорлар сифатида 15 йил (кўчмас мулк) ёки 5 йил (бошқа мол-мулк) мобайнида қонунан ва очиқ-ойдин эгалик қилган бўлсалар, мерос қолдирувчи вафотидан кейин қолган кўчмас ва бошқа мол-мулк мерос таркибига киритилиши мумкин эмас. Мазкур ҳолда ушбу шахслар мулк ҳуқуқини олиш муддати асосида олганлар.

Ўзбошимчилик билан бунёд этилган ва мулк сифатида расмийлаштирилмаган иморатлар ва жойлар ҳам мерос бўла олмайди, чунки улар мерос қолдирувчига қонуний асосларда тегишли эмас.

Қандай мол-мулк ворислик доирасига киришидан келиб чиқиб, ворислар нотариусга мурожаат қилаётганда муайян ҳужжатларни тўплашлари талаб қилинади.

Мерос таркиби - мерос қолдирувчига у вафот этган кунда тегишли бўлган барча ашёлар ва мол-мулк. Ворислик бўйича кўчар мулк ҳам (масалан, пул, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо нарсалар, рўзгор буюмлари ва бошқа ашёлар), мерос қолдирувчи эга бўлган кўчмас мулк ҳам берилиши мумкин. Ушбу мол-мулк унга хусусий мулк ҳуқуқида, кредит муассасаларида сақланадиган жамғармаларга эгалик қилиш ҳуқуқида, ер участкасига мерос қоладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқида ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида тегишли бўлиши мумкин.

Кўчмас мулк деганда ер участкалари, бинолар, квартиралар, гаражлар ва ер билан маҳкам боғланган, олиб ўтиш мумкин

ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

Ворислик - вафот этган шахснинг мол-мулкни (меросини) бошқа шахсларга - меросхўрларга топшириш жараёни.

Кўрамизки, қонун ҳужжатларида ворисликнинг икки асоси белгиланган: қонун бўйича ва васият бўйича. **Васият бўйича ворислик** мерос қолдирувчи васиятнинг расмийлаштирган, яъни вафот этиш пайтида қоладиган мол-мулкни у ёки бу шахслар фойдасига қолдириш тўғрисида васият қилган тақдирда мумкин. Васиятнома қонун билан белгиланган қоидаларга мувофиқ тузилиши керак. (У қандай тарзда расмийлаштирилиши тўғрисида «Васият бўйича ворислик» бобида қаралсин.)

Агар мерос қолдирувчи васият қолдирмаган бўлса (ва баъзи бир бошқа ҳолларда) **қонун бўйича ворислик** амалга оширилади. Мерос қолдирувчининг қариндошлари ва қарамоғидагилар қонун бўйича ворислар бўлишлари мумкин. (Қонун бўйича ворислик тартиби қандайлиги ва меросхўрлар доирасига кимлар кириши тўғрисида «Қонун бўйича ворислик. Ворислик навбати» бобида қаралсин.)

Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатлари ворисликнинг вафот этган тақдирда ҳада қилиш сингари асосини назарда тутмайди. Ҳада яни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топшириши назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ФК 502-моддасининг бешинчи қисми). Тегишинча, мазкур шартноманинг предмети бўлган мол-мулк ворислик ҳуқуқининг умумий қоидаларига

кўра ворислик бўйича ўтади.

Ворислар сирасига ворислик очилган кунда тирик бўлган жисмоний шахслар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлигида ҳомила ҳолида бўлган ва ворислик очилгандан кейин тирик туғилган болалар киритилади. Бунда қонун ворислик доирасини на муомала лаёқати, на ёш, на бирор-бир мамлакатнинг фуқаролигига муносабати билан чекламайди. Бунинг маъноси шуки, вояга етган шахслар ҳам, вояга етмаган шахслар ҳам, муомалага лаёқатли фуқаролар ҳам, муомалага лаёқатсиз фуқаролар ҳам ворис бўла оладилар. Ўзбекистон фуқаролари ҳам, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ворисликка киритилади. Бу нарса қонун бўйича ворисликка ҳам, васият бўйича ворисликка ҳам тааллуқлидир.

Мерос қолдирувчи ўзининг мол-мулкни давлатга, аҳоли пунктларига, шунингдек хорижий давлатларга васият қилиши мумкин.

Агар мерос қолдирувчидан кейин қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ҳеч қандай ворислар қолмаган бўлса, ворислик мол-мулк **ўз-ўзидан ҳақиқий эмас** деб ҳисобланади. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган мол-мулк тегишли мол-мулк жойлашган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига, у мол-мулкдан воз кечган тақдирда эса давлат мулкига ўтади.

Ўткир Қурбонов,
Сирдарё туманлараро иқтисодий суди раиси.

ПРОИЗВОДСТВО И ПОТРЕБЛЕНИЕ ХЛОПКОВЫХ ВОЛОКОН В МИРЕ

Хлопчатник является одним из древнейших растений, окультуренных человеком. Хлопчатник возделывается в 84 странах мира: в Африке – в 31, в Азии и Океании – в 28, в Северной и Южной Америке – в 20, в Европе – в 4 странах и в Австралии – 1 стране.

Мировое производство хлопка умеренно растёт. После падения в сезоне 2016/2017 гг. до 23 094 тыс. тонн, в 2018/2019 гг. производство выросло до 25 572 тыс. тонн. В производстве хлопка лидирующие позиции занимают Китай и Индия (в среднем около 23 % от мирового производства на каждую страну). Следом располагаются США (около 16,5 %) и Бразилия (около 8 %). Узбекистан, в свою очередь, производит около 3 % мирового хлопка.

№	Страна	Производство (тонны)	Производство на человека (кг)
1.	Индия	6.188.000	4,63
2.	Китай	6.178.318	4,43
3.	США	3.593.000	10,96
4.	Пакистан	2.374.481	11,76
5.	Бразилия	1.412.227	6,74
6.	Узбекистан	1.106.700	33,89
7.	Австралия	885.100	35,33
8.	Турция	846.000	10,46
9.	Аргентина	327.000	7,34
10.	Греция	308.000	28,60

Наряду с этим необходимо отметить, что Узбекистан по производству хлопка в пересчёте на душу населения занимает 2-ое место в мире, немногим уступая Австралии.

В последние годы посевные площади 2-го по величине мирового производителя хлопка – Китая – сократились, что произошло после отмены прямых субсидий производителям хлопка. В 2018/2019 гг. производство хлопка снизилось до 27,3 млн. кип, что произошло, в частности, из-за снижения урожайности ввиду неблагоприятных погодных условий в крупнейшей провинции Синьцзян. По состоянию на 2019/2020 гг. посевные площади оцениваются в 3,45 млн. га, что примерно на 10 % меньше, по сравнению с предыдущим годом.

Согласно статистике «Узпахтасаноат», в 2018/2019 гг. площади под хлопчатник в Узбекистане были сокращены на 35 тыс. га. Производство хлопка-сырца составило около 3,3 млн. тонн. Постепенное сокращение посевных площадей хлопка приведёт к снижению целевого внутреннего производства хлопка-сырца примерно до 3 млн. тонн.

Наиболее важной тенденцией последних лет Узбекистана является быстрый и продолжительный рост внутреннего потребления хлопка. Согласно отраслевым источникам, около 60 % хлопка местного производства потребляется внутри страны. По данным Государственного комитета по статистике, в настоящее время около 500 предприятий занимаются текстильным производством в Узбекистане.

По данным «Узбектекстильпрома», в 2018-2021 гг. в отрасли реализована программа диверсификации и модернизации стоимостью 2,5 млрд. долларов. Производство текстильной продукции планируется увеличить в 2,6 раза, а объём экспорта к 2025 г. – в 4,7 раза.

Мировой урожай хлопка будет расти медленно, так как производство смещается от стран с относительно высокой урожайностью, особенно из Китая, в страны со сравнительно низким уровнем урожайности (Индия, государства Южной Азии). Несмотря на намерение правительств Вьетнама, Бангладеш и Индии увеличить производство хлопка, такие факторы, как нехватка воды и изменение климата, ограничивают их усилия в этом направлении.

Неблагоприятные погодные условия в Европе, а также в Бразилии, Аргентине, штате Техас (США), ухудшили урожайность и замедлили отгрузку продукции на экспорт в сезоне 2020/2021 гг., чем способствовали росту цен.

Нельзя допускать ещё большего увеличения разрыва между ценами на хлопок и химическое волокно. Для этого нужно приложить все усилия, чтобы снизить издержки производства и повысить рентабельность. Частью решения данной проблемы является увеличение инвестиций в совершенствование агротехнологии производства хлопка.

Так, если те сорта хлопчатника, которые за последние четверть века были рекомендованы для посева в регионах, при надлежащей агротехнике могли обеспечить урожайность не менее 40-45 центнеров хлопка с гектара. Однако этого не произошло из-за несоблюдения технологии. А она является одним из важнейших резервов повышения эффективности производства этой культуры, снижения себестоимости.

Подчас производители и потребители химических волокон пытаются представить хлопок в негативном свете, мол, он, в отличие от искусственных волокон наносит ущерб окружающей среде, поскольку само выращивание хлопчатника требует применения большого количества минеральных удобрений, химических средств защиты растений, дефолиантов, а также много воды для полива.

При этом умалчивается, что хлопок имеет важные природные свойства, что помимо волокна из него получают многие виды другой продукции, в том числе и для обеспечения продовольственной безопасности, и что от хлопководства зависят доходы миллионов людей в тех странах, где производят это ценное сырьё.

Особенно это важно в развивающихся странах Азии и Африки, где будет наблюдаться основной прирост населения в ближайшие десятилетия. Следовательно, возрастает спрос на текстиль, в том числе – на одежду. Потребители в этих странах зачастую имеют мало информации о хлопке и его преимуществах, ориентируются больше на ту продукцию, которая подешевле. Поэтому их нужно информировать таким образом, чтобы они отдавали предпочтение изделиям из натуральных волокон.

Ренат НАЗАРОВ,
Заслуженный работник сельского хозяйства
Республики Узбекистан, профессор,
Акмал ШАМСИЕВ,
профессор,
начальник Управления хлопководства
Министерства сельского
хозяйства Республики Узбекистан,
Журахон АБДУЛЛАЕВ,
главный специалист.

ПРОДУКТИВНОСТЬ ХЛОПКА-СЫРЦА ОДНОГО РАСТЕНИЯ У ЛИНЕЙНО-СОРТОВЫХ ГИБРИДОВ F_1 - F_2 ВИДА *G. HIRSUTUM* L.

The article presents the results of the analysis of field studies, as a result of which it was found that among the initial forms, the best productivity of raw cotton of one plant was established in L-976, IN varieties C-6575 and Namangan-102, and among F_2 hybrids where the most interesting facts from a breeding point of view were: L-976 x Namangan-102, L-374 x Namangan-102 and L-288 x Namangan-102.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «О селекционных достижениях» от 29 августа 2002 года. Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», «Дорожной карте реализуемых программ мероприятий по модернизации и развитию сельского хозяйства на 2016-2020 года» от 07.02.2016 г., утвержденной Кабинетом Министров, а также ряде соответствующих нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Важное значение, принадлежит ускоренному решению проблемы, связанной с выведением и внедрением в производство новых сортов хлопчатника, обладающих высокой продуктивностью хлопка-сырца. Для успешной селекции на высокую продуктивность хлопка-сырца одного растения сортов средневолокнистого хлопчатника необходим разнообразный и высококачественный исходный материал. В связи, с чем перспективно привлечение в гибридизацию современных сортов и линий, как источника высокой продуктивности хлопка-сырца одного растения.

К наиболее сложному признаку отнесена продуктивность хлопка-сырца одного растения, который складывается из ряда простых, таких как масса хлопка-сырца одной коробочки, число коробочек на растении и др. (Зейналов, 2006, Кушалиев, Автономов, Кимсанбаев, Нормурадов, Ахмедов, 2006, Автономов, Эгамбердиев, 2009, Кимсанбаев, 2011).

Признак «продуктивность хлопка-сырца одного растения» очень подвержен паратипической изменчивости, что может полностью затушевать наследственные различия (Симонгулян, 1971, 1977, 1991).

Исходя из решаемой проблемы определена цель исследований: - провести оценку вовлеченного в эксперимент исходного материала с участием лучшего создать перспективный гибридный материал.

Исходя из решаемой проблемы и цели определены задачи исследований:

Таблица 1

Изменчивость, наследование и наследуемость признака «продуктивность хлопка-сырца одного растения» у линейно-сортowych гибридов F_1 - F_2 хлопчатника вида *G. hirsutum* L.

№	Сорта, линия, гибридные комбинации	n	K=10 г										M±m г	δ	V%	hp	h ²			
			0-99	10-19,9	20-29,9	30-39,9	40-49,9	50-59,9	60-69,9	70-79,9	80-89,8	90-99,9						100-109,9	110-119,9	
1.	Л-288	102	10	91	1											14,07±0,3	3,16	22,45		
2.	Л-976	133				16	113	4								44,05±0,3	3,77	8,55		
3.	Л-374	120	5	112	3											14,79±0,2	2,57	17,37		
4.	C-6575	142			3	134	5									35,09±0,2	2,57	7,32		
5.	Наманган-102	149				12	128	9								44,75±0,3	3,74	8,35		
6.	F_1 Л-976 x C-6575	76			9	49	18									36,05±0,6	5,85	16,22	-0,78	
7.	F_2 Л-976 x C-6575	111	22	32	15	23	10	4	1	1	2	1				25,58±1,7	18,54	72,47		0,9
8.	F_1 Л-374 x C-6575	66			17	37	12									34,2±0,81	6,58	19,23	0,91	
9.	F_2 Л-374 x C-6575	389	73	108	58	48	41	22	17	10	7	2	2	1		28,58±1,1	21,78	76,20		0,9
10.	F_1 Л-288 x C-6575	66		3	51	12										26,25±0,5	4,59	17,48		0,9
11.	F_2 Л-288 x C-6575	511	55	121	67	79	59	38	40	22	16	7	4	3		35,75±1,0	24,30	67,97		0,9
12.	F_1 Л-976 x Нам-102	56				11	41	4								43,75±0,6	5,03	11,49	-1,85	
13.	F_2 Л-976 x Нам-102	1041	20	105	114	111	146	128	125	102	81	54	35	20		53,45±0,8	26,86	50,25		0,9
14.	F_1 Л-374 x Нам-102	72			4	56	12									36,05±0,5	4,58	12,70	0,41	
15.	F_2 Л-374 x Нам-102	900	53	132	130	128	112	98	84	51	42	36	21	13		45,75±0,9	27,03	60,40		0,9
16.	F_1 Л-288 x Нам-102	86			15	61	10									34,37±0,5	5,36	15,59	0,32	
17.	F_2 Л-288 x Нам-102	1267	16	64	112	111	189	155	146	139	127	85	69	54		60,65±0,7	27,45	45,25		0,9

изучить размах изменчивости признака «продуктивность хлопка-сырца одного растения» у гибридов F_1 - F_2 ;

определить величину показателя наследования (h_p) у гибридов в F_1 ;

установить величину коэффициента наследуемости (h^2) у гибридов F_2 .

Полевой опыт закладывался в рамках прикладного проекта КХ-А-КХ-2018-135 в 2018-2020 г. в полевых условиях НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка. Полевой опыт закладывался в 3-х кратной повторности, рендомизированными блоками. Все варианты опыта закладывались с участием сортов и линий вовлеченных в гибридизацию, а также линейно-сортовых гибридов F_1 - F_2 . В эксперименте участвовало по 102-149 растений линий и сортов используемых в гибридизации 56-860 растений гибридов F_1 , 111-1267 растений гибридов F_2 .

Вариационно-статистическую обработку результатов исследований проводили по Доспехову Б.А. (1979). Величину показателя доминантности определяли по формуле Y.M.Beil, R.E.Atkins (1965), а величину коэффициента наследуемости для гибридов F_2 определяли по формуле A.Allard (1966).

Анализируя результаты исследований представленные в таблице 1 среди сортов и линий наилучшей средней величиной признака «продуктивность хлопка-сырца одного растения» обладали линия Л-976, где $M=44.05$ г. и сорт Наманган-102, где $M=44.75$ г. Наихудшая величина установлена у линий Л-288 и Л-374.

Среди гибридов F_1 наибольшей средней величиной вышеуказанного признака обладала гибридная комбинация F_1 Л-976 х

Наманган-102, где $M=43.75$ г, а у гибрида F_2 - 69 г. соответственно у Л-976 х Наманган-102 и у гибрида Л-288 х Наманган-102, где (M) равнялась 53.45 г. и 60.65 г.

Анализируя величины стандартного отклонения (δ) и коэффициента вариации ($V\%$) у родительских форм и гибридов F_1 установлено, что они в 2-3 раза ниже, нежели чем у гибридов F_2 , что позволяет говорить о высокой сортовой чистоте родительских форм, используемых в гибридизации и о соблюдении закона единообразия гибридами F_1 . Данное положение подтверждается распределением растений, вышеуказанного признака по классам. Так значение признака

у родительских форм и гибридов F_1 укладываются в 3, а у гибридов F_2 в 12 классов.

Согласно установленных и проанализированных величин показателя доминантности (h_p) у гибридов F_1 видно, что у одного присутствует эффект неполного доминирования худшего родителя, у следующих четырех эффект неполного доминирования лучшего родителя и у одного гибрида присутствует отрицательный эффект полного сверхдоминирования.

Как видно из таблицы 1 признак «продуктивность хлопка-сырца одного растения» в F_2 наследуется на высоком уровне, а его значения укладываются в пределы от 0.94 до 0.98 то есть присутствует высокая генетическая обусловленность признака.

На основании проведенного анализа результатов исследований по признаку «продуктивность хлопка-сырца одного растения» следует сделать следующие выводы:

к лучшим по средней величине признака среди исходных форм участвующих в гибридизации следует отнести Л-976, сорта С-6575 и Наманган-102;

наибольший интерес с селекционной точки зрения представляют следующие гибридные комбинации F_1 : Л-976 х Наманган-102 и Л-374 х Наманган-102;

среди гибридов F_2 наибольший интерес с селекционной точки зрения представляют: Л-976 х Наманган-102, Л-374 х Наманган-102 и Л-288 х Наманган-102;

судя по величине показателя доминантности (h_p) следует сказать, что у одного гибрида F_1 установлен эффект неполного доминирования худшего родителя, у четырех эффект неполного доминирования лучшего родителя и в одном случае отмечен отрицательный эффект полного сверхдоминирования;

анализируемый признак у гибридов F_2 наследуется на высоком уровне, так как величина коэффициента наследуемости (h^2) укладывается в пределы от 0.94 до 0.98, что позволяет говорить о высокой генотипической обусловленности признака.

Виктор АВТОНОМОВ,
д.с/х.н., проф.,
Анастасия БАКИРОВА,
базовый докторант,
Аъзам РАВШАНОВ,
д.с/х.н.

ЛИТЕРАТУРА

1. Автономов В.А. Географически отдаленная гибридизация в селекции хлопчатника *G.barbadense* L. Монография. Ташкент. 2009. 229 с.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 1979. М.:Колос.
3. Зейналов З.И. Массовое получение гетерозисных гибридов хлопчатника. «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы развития». Ташкент. 2006. С.80-82.
4. Кимсанбаев О.Х. Теоретические предпосылки в селекции на скороспелость, выход и качество волокна культивируемых видов хлопчатника. Монография. Ташкент. 2011. 209 с.
5. Кушалиев А., Автономов В.А. и др. Хозяйственно-ценные признаки в селекции средневолночного хлопчатника. //Мат.межд.научн.-прак.конф. «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы развития». Ташкент. 2006. С.97.
6. Симонгулян Н.Г. Проблема скороспелости в селекции хлопчатника. – Ташкент: Фан. 1971. - С.122.
7. Симонгулян Н.Г. Комбинационная способность и наследуемость признаков хлопчатника. – Ташкент: Фан. УзССР. 1977. - С.140
8. Симонгулян Н.Г. Генетика количественных признаков хлопчатника. – Ташкент, «Фан», 1991. - 124 с.
9. Allard R.W. Principles of Plants Breeding, John Wiley, Sons. New-York-London-Sidney, 1966.
10. Beil G.M., Atkins. Inheritance of quantitative characters in grain sorgum //Jowa State Journal of Science. 1965.

ЯНГИ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИККА ФЙДАЛИ БЕЛГИЛАРИ, СЎРУВЧИ ВА КЕМИРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА БАРДОШЛИ ЭКАНЛИГИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

The article presents the results of the study of new cotton ridges as valuable economic traits, resistant to rodent pests.

Мамлакатимиз, шу жумладан, Андижон вилоятининг, қишлоқ хўжалиги сифатли, пишиқ тола ва юқори ҳосил берадиган, ҳосили эрта пишиб етиладиган, касаллик ва зараркунандаларга, экстремал шароитларга чидамли бўлган навларни яратиш ҳамда шу ҳудудда экилаётган андоза нав билан бирга солиштириб, андозадан устун бўлганларини ишлаб чиқаришга тавсия этиш зарурияти туради (1. 81-84 с.)

2018-2020 йилларда андоза нав "Андижон-35" билан бирга бирнеча тизмалар 4 такрорланишда, 4 қаторда, 90 x 20-1 тартибда экилди. Ўсув даврида навларнинг ўсиши ва ривожланиши бўйича кузатувлар олиб борилди (1-жадвал).

Олинган маълумотлар бўйича 441-тизма ва 492-тизмалар энг кам зарарланиб, бардошли эканини намоён қилди. Тизмаларнинг 50 фоиз гуллаши ва кўсақларнинг очилиши бўйича ҳам 441-тизма ва 492-тизмалар андоза навга нисбатан 5-6 кунга эртаги эканлиги аниқланди.

Тизмаларнинг ўргимчаккана ва кўсақ қурти билан зарарланганлиги ҳисобланганда (2-жадвал) ўргимчаккана ва кўсақ қурти билан 441 ва 492-тизмалар зарарланмай, бардошли эканлигини намоён қилди. Тизмаларнинг ҳосилдорлигини 3 терим бўйича аниқланганда, 441 ва 492 – тизмалар андоза навга нисбатан 3,5-4,0 ц/га юқори ҳосил бериб ҳосилдорлигини кўрсатди.

Хуллас, тажриба маълумотлари бўйича тезпишар сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга бардошли ҳосилдорлигини намоён қилган 441 ва 492-тизмалар селекция учун бирламчи

1-жадвал.

Тизмаларнинг униб чиқиши, гуллаши, пишиш муддатлари (ўртача уч йиллик маълумот)

Андоза нав ва тизмалар	100 фоиз униб чиқиши, кун	50 фоиз гуллаши, кун	Кўсақларнинг 50 фоиз очилиши, кун
Андижон-35 (андоза)	10	60	122
414-тизма	8	38	119
438-тизма	9	56	118
441-тизма	7	55	116
464-тизма	8	56	119
486-тизма	7	61	121
490-тизма	11	59	123
492-тизма	7	55	116
495-тизма	8	62	122
497-тизма	9	57	120

2-жадвал.

Тизмаларнинг сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар билан зарарланиши ва ҳосилдорлиги (ўртача уч йиллик маълумот).

Андоза нав ва тизмалар	Ўргимчаккана билан зарарланиши 1.09, фоиз	Кўсақ қурти билан зарарланиши 1.09, фоиз	Ҳосилдорлиги, ц/га
Андижон-35 (андоза)	10,4	4,0	36,4
414-тизма	7,5	1,5	37,8
438-тизма	5,0	2,0	36,0
441-тизма	0	0	39,8
464-тизма	7,0	3,5	38,5
486-тизма	6,5	2,0	39,2
490-тизма	11,5	5,5	36,3
492-тизма	0	0	40,6
495-тизма	4,0	3,0	38,5
497-тизма	6,0	2,5	37,9

ашё сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

Анора ХУСАНОВА,
таянч докторант,
Хусанбой ЭГАМОВ,
доцент,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Эгамов Х., Рахмонов З., Бахромонов С., Расулов С., Муйдинов О. «Устойчивость новых сортов и линии хлопчатника к сосущим вредителям» Сборник научных трудов по материалам V Международной научно-практической конференции г. Белгород, 31 августа 2015 г. 81-84с.

ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН ЕРЁНҒОҚ ВА СОЯНИНГ АМАЛ ДАВРЛАРИАРО РИВОЖЛАНИШИДА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

In the light gray soils of the Kashkadarya region, an increase in sowing rates as a secondary crop in areas free of winter cereals, regardless of the timing of planting walnuts and soybeans, extends the shelf life of walnuts by 1-2 days and soybeans for 2-3 days. Late sowing of walnuts and soybeans lengthens the application time by 3-4 and 2-3 days, respectively, compared to sowing at an early stage.

Маълумки, ерёнғоқ ва соянинг меъёрий ўсиб ривожланишига тупроқ-иқлим шароити, минерал ўғитлар ва бошқа бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Ю.Б. Саимназаров, Г.М. Шодиеваларнинг маълумотларига кўра, соя дуккакли дон экинларига хос равишда ўз илдизи орқали тупроқни ҳаводан соф азот билан бойитади. Ўсимлик ўсув даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдиради.

Г.М. Шодиеваларнинг фикрича, соя ёруғлик, иссиқлик ва намликни севадиган жуда қадимий ўсимликдир. Бу эса, Ўзбекистонда табиий-иқлим шароити ва иссиқ кунларнинг 230-240 кунлиги боис ўсув даврининг етарлиги соя экинлари экиб ўстиришга мослиги билан характерланади.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида кузги бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида ерёнғоқ ва соя экинларини экилиши муддатларга тегишли равишда амал даврлариаро ривожланишига таъсири сезиларли равишда фарқ қилганлиги кузатилди.

Тажрибанинг 2020 йилда олинган маълумотларига кўра, ерёнғоқ такрорий экин сифатида экилганда амал даврлариаро ривожланишида экиш меъёрлари ўртасида ўсимликнинг униб чиқиш, 2-3 дон барг ҳосил бўлиш шоналаш ва гуллаш

даврларида фарқ кузатилмади. Аммо, 1-экиш муддатида ўсимликни дуккаклар ҳосил бўлиш ва пишиш даврида амал даври юқори экиш меъёрларида кам экиш меъёрларига нисбатан 1 кунга, иккинчи экиш муддатида 2 кунга кўп бўлганлиги кузатилди.

Ерёнғоқ такрорий экин сифатида 25.06-5.07 муддатда 180; 230; 280 ва 330 минг донга гектарига экилганда уруғлар 6 кунда, мазкур меъёрларда 5.07-15.07 муддатда экилганда эса 5 кунда униб чиқди. Ўсимликда 2-3 та барглар ҳосил бўлиши экилган кундан ҳисобланганда муддатлар бўйича тегишли равишда 14; ва 12-13 кунни, шоналаш 33; ва 31-32 кунни, гуллаш 42-43; ва 44-43 кунни, дуккаклар ҳосил бўлиши 56-57; ва 59-60 кунни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ерёнғоқ иккинчи муддатда экилганда унинг униб чиқиш, 2-3 донга чинбарг ҳосил қилиш ва шоналаш даврида ерёнғоқни ўсиш ва ривожланиши амал даври биринчи экиш муддатга нисбатан қисқа кунларни ташкил этган бўлса, гуллаш, дуккаклар ҳосил бўлиш ва тўла пишиш даврида эса нисбатан 2-3 кун кўп бўлганлиги аниқланди. Ерёнғоқ эрта муддатда гектарига 180 ва 230 минг донга экилганда амал даври 107 кунни, гектарига 280 ва 330 минг донга экилганда эса 108 кунни, кеч муддатда экилганда тегишли равишда

1-жадвал.

Такрорий ерёнғоқ ва соянинг амал даврлариаро ривожланишида экиш муддати ва меъёрларининг таъсири, 2020 йил

Вар №	Экин турлари	Экиш муддатлари	Экиш меъёри га/минг донга	Униб чиқиш	2-3 барг ҳосил бўлиши	Шоналаш	Гуллаш	Дуккак ҳосил бўлиши	Тўла пишиши
1	Ерёнғоқ	25.06-05.07	180	6	14	33	42	56	107
2			230	6	14	33	42	56	107
3			280	6	14	33	43	57	108
4			330	6	14	33	43	57	108
5		05.07-15.07	180	5	12	31	44	59	110
6			230	5	12	31	44	59	110
7			280	5	13	32	43	60	112
8			330	5	13	32	43	60	112
9	Соя	25.06-05.07	200	5	11	28	51	71	104
10			250	5	11	28	51	71	104
11			300	5	13	29	54	73	106
12			350	5	13	29	54	73	106
13		05.07-15.07	200	4	10	26	49	68	106
14			250	4	10	26	49	68	106
15			300	4	10	28	51	70	108
16			350	4	10	28	51	70	108

110 ва 112 кунни ташкил этиб, пишиб етилиши 3-4 кунга кечикиши аниқланди.

Тадқиқотда ўрганилган иккинчи экин соя бўйича олинган маълумотларга кўра, мазкур вариантларда ҳам ерэнғоқ ўсимлигида кузатилган қонуниятлар кузатилди. Соя эрта муддатда (25.06-5.07) экилган вариантларда экиш меъёри 200; 250; 300 ва 350 минг дона гектарига экилганда 5 кунда, иккинчи экилган муддатда 4 кунда униб чиққанлиги, 2-3 барг ҳосил бўлиши экиш меъёр ва муддатларига тегишли равишда 11-13 ва 10 кунни, шоналаш 28-29 ва 26-28 кунни, гуллаш 51-54 ва 49-51 кунни, дуккак ҳосил бўлиш даври эса 71-73 ва 68-70 кунни ташкил этгани аниқланди. Шунингдек, тақрорий соя экини экилган кундан бошлаб тўла пишиб етилишигача бўлган кун эрта экиш муддатида гектарига 200-250 минг дона экилганда 104 кунни, гектарига 300-350 минг дона экилганда эса 2 кун кеч, 106 кунни, кеч муддатда экилганда эса тегишли равишда 106 ва 108 кунни ташкил этди.

Соянинг амал даврлариаро ривожланишида экиш меъёрлари бўйича маълумотлар таҳлил этилганида хар иккала экиш муддатида ҳам экиш меъёрларини ошириб бориш ривожланиш даврлари орасида муддатларнинг узайишига сабаб бўлганлиги кузатилди. Масалан, соя экини кеч муд-

датда (5.07-15.07) гектарига 200-250 минг дона экилганда шонлаш экилган кундан бошлаб 26 кунни, гуллаш 49 кунни, дуккаклар ҳосил бўлиш 68 кунни, тўла пишиб 106 кунни ташкил этган бўлса гектарига 300-350 минг дона экилганда ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 28; 51; 70 ва 108 кунни ташкил этди. Ушбу қонуниятлар тажрибанинг эрта экилган муддатларида ҳам кузатилди.

Олинган натижаларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, Қашқадарё вилоятнинг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бошоқли-дон экинларидан бўшаган майдонларга тақрорий экин сифатида ерэнғоқ ва сояни экиш муддатларидан қатъий назар, экиш меъёрларининг ошириб борилиши ўсимликларнинг амал даврини: ерэнғоқни 1-2 кунга, сояни эса 2-3 кунга узайтиради. Ерэнғоқ ва сояни кеч муддатларда экиш уни эрта муддатларда экишга нисбатан амал даврини тегишли равишда 3-4 ва 2-3 кунга узайтиради.

Ўткир МАҲМУДОВ,
қ.х.ф.ф.д.,

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти,
Баходир ХАЛИКОВ,
қ.х.ф.д., профессор.

АДАБИЁТЛАР

1. Саимназаров Ю.Б., Шодиева Г.М. ТошДАУ // Республика илмий-амалий конференция материаллар тўплами. - Тошкент, 2017. -22 б.
2. Шодиева Г.М. ТошДАУ Республика илмий-амалий конференция материаллар тўплами. - Тошкент 2017. -29 б.
3. Атабаева Х.Н., Умаровава Н.С. Соя биологияси. Тошкент-2020 - 61 б

УЎТ: 631,812,11:633,62

ТАДҚИҚОТ

ҚАНД ЛАВЛАГИДАН УРУҒ ОЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ОЗИҚА МОДДАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШИ

The yield of sugar beet seeds depends, first of all, on the rate of applied mineral fertilizers. It is desirable to set the rate of mineral fertilizers for maternal roots and seeds at the level of N200P150K200 kg / ha. Then they remove from the soil 159.8 kg / ha of nitrogen, 116.8 kg / ha of phosphorus and 153.4 kg / ha of potassium. This ensures that mineral nutrients remain low in the soil.

Дунёда озиқа моддаларини энг кўп ўзлаштирадиган экинлар орасида қанд лавлаги олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг илдизи кучли ривожланади. Шу сабабли ҳам у тупроқнинг 2 м чуқурлигига ва ён томонидан эса 1 м гача тарқалиши мумкин.

Қанд лавлаги озиқа моддаларидан азотни нисбатан кўп ўзлаштиради. Ўсимлик учун азот етишмаса ўсишдан орқада қолиб, ҳосилдорлик кескин тушиб кетади. Шунинг учун азотли ўғит билан ўсимликни бутун вегетацияси давомида таъминлаб туриш учун уларни табақалаб қўллаган маъқул. Бунинг учун азотли ўғитларни экишдан олдин ёки экиш билан бирга, ўсимлик вегетация даври давомида камида икки марта озиқлантириш зарур. Биринчисини яганадан кейин, иккинчисини илдизмевалар жадал ривожланаётган даврда.

Н.Л.Малютин [2] нинг тадқиқотларида минерал ўғитлар меёрларини ошириб борган сари илдизмевалар технологик кўрсаткичлари ёмонлашиб борган. Уч йиллик изланишлар даврида илдизмевадаги шакар моддаси миқдори минерал ўғитларни N₈₉P₃₄K₁₃ нисбатда солинган вариантда кўп бўлиб у 6,97 т/га ни ташкил этган.

Останин А.В. [4] қанд лавлаги учун азотли ўғит меёрини 150 кг/га гача кўтарилиши ва уни шудгорлаш пайтида ўғитлаш билан берилганида илдизмева таркибидаги шакар миқдорини 18,1% дан 17,8% гача ва шу миқдордаги ўғит эрта баҳорда дискалаш пайтида берилганида 17,8% дан 17,5% гача пасайишини ёзади.

Б. Б. Никитин [5] қанд лавлаги ўғитлашдаги озиқ моддаларнинг нисбати устида ўтказган тажрибаларига кўра азот илдизмевалардаги қанд миқдорини камайтиради ва туппада йўқолишига сабаб бўлади, фосфор ва калий эса азотнинг салбий таъсирини сусайтиради ва қанд миқдорининг кўпайишига хисса қўшади. Шу сабабли ўғит таркибидаги озиқа моддаларнинг мақбул нисбати 1 азот бирлигига 1-1,2 (1,5 тагача) бирликда фосфор ва 1,3-1,5 бирликда калий бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, биз ҳам ўз тажрибаларимизда қанд лавлагидан уруғ ҳосили олишда озиқа элементларини олиб чиқиб кетишини ва улар орасидаги корреляцион боғлиқликни ўргандик (1-, 2-жадваллар).

Тажриба тизими

№	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Ҳайдов остига		Экишдан олдин		Илдиз мевани озиклантириш	Оналик илдизмевани озиклантириш	
	N	P	K	P	K	P	N	N	N	N
1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2	-	150	200	100	200	50	-	-	-	-
3	100	150	200	100	200	50	20	30	30	20
4	150	150	200	100	200	50	30	50	40	30
5	200	150	200	100	200	50	40	60	60	40
6	200	-	200	-	200	-	40	60	60	40
7	200	100	200	70	200	30	40	60	60	40
8	200	150	200	100	200	50	40	60	60	40
9	200	200	200	140	200	60	40	60	60	40
10	200	150	-	100	-	60	40	60	60	40
11	200	150	100	100	100	60	40	60	60	40
12	200	150	150	100	150	60	40	60	60	40
13	200	150	200	100	200	60	40	60	60	40

2-жадвал

Қанд лавлагига қўлланилган минерал ўғит меъёрларининг озика моддаларни ўзлаштиришига таъсири, кг/га ҳисобида, 2017-2020 й.

Вар.	Қанд лавлаги уруғ ҳосили, ц/га	Ўзлаштирган озика элементи миқдори			1 ц қанд лавлаги уруғ ҳосили учун сарф бўлган озика моддалар, кг ҳисобида		
		N	P	K	N	P	K
1	7,3	69,7	61,9	73,1	9,5	8,5	10,0
2	7,8	87,2	78,3	98,7	11,2	10,0	12,7
3	8,2	109,1	84,9	112,9	13,3	10,4	13,8
4	8,6	126,7	99,5	136,4	14,7	11,6	15,9
5	9,3	159,8	116,8	153,4	17,2	12,6	16,5
6	8,1	139,9	66,3	105,3	17,3	8,2	13,0
7	8,7	146,9	80,2	129,7	16,9	9,2	14,9
8	9,3	159,8	116,8	153,4	17,2	12,6	16,5
9	9,0	145,4	96,9	145,0	16,2	10,8	16,1
10	8,0	100,4	84,3	95,3	12,6	10,5	12,0
11	8,4	128,8	96,8	112,9	15,3	11,5	13,4
12	8,8	139,0	105,8	132,2	15,8	12,0	15,0
13	9,3	159,8	116,8	153,4	17,2	12,6	16,5

Тажриба Наманган вилоятининг эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Тажриба қўйиш, фенологик кузатувлар Б.А.Доспехов [1] нинг “Методика полевого опыта” усулномасига [3] асосан ўтказилган бўлса, тупроқ ва ўсимлик анализлари ПСЕУАИТИ нинг “Методы агрохимических анализов почв и растений” усулномаси бўйича олиб борилди.

Тажрибада 13-вариантдан иборат бўлиб, 4 қайтариқда қўйилган, тажриба битта делянкасини умумий майдони 240 м², ҳисобга олиш майдони эса 100 м² ни ташкил этиб, тажрибанинг умумий майдони 12480 м²ни ташкил этган.

Жадвал маълумотларига кўра, тажрибанинг назорат вариантыда умуман минерал ўғитлар берилмаганлиги сабабли, унда озика моддаларини ўзлаштириши бошқа вариантларга қараганда анча кам бўлганлиги кузатилди. Бунда азот 69,7; фосфор 61,9 ва калий 73,1 кг/гани ташкил этган бўлса, минерал ўғитлар меъёрлари асосларга нисбатан ортиб бориши билан озика моддаларни ўзлаштиришда ҳам сезиларли натижалар кузатилган. Масалан, миинерал ўғитларни N₂₀₀P₁₅₀K₂₀₀ кг/гадан қилиб

берилган вариантларда бу (5-,8-,13-вар.) азот, фосфор ва калийни ўзлаштирилиши мос равишда 159,8; 116,8 ва 153,4 кг/га ни ташкил этган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, минерал ўғитлар меъёрларини, айниқса, фосфорни меъёрини ошириб бориш (200 кг/га) тупроқдан озика моддаларини ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатмайди. Бунда азотни 145,4; фосфорни 96,9 ва калийни 145,0 кг/гагина ўзлаштирганини кўришимиз мумкин.

Қанд лавлагидан олинган уруғ ҳосилининг 1 центнери учун сарфланган озика моддаларини кўриб ўтганимизда ҳам шу каби маълумотлар олинди. Минерал ўғитлар умуман берилмаган назорат вариантда 1 центнер уруғ ҳосили учун 9,5 кг/га азот, 8,5 кг/га фосфор ва 10,0 кг/га калий ўзлаштирган бўлса, азотли минерал ўғитлар қўлланилмаган (P₁₅₀K₂₀₀ кг/га берилган) 2-вариантда бу мос равишда 11,2; 10,0; 12,7 кг/гани ташкил этди. Фосфорли ўғит берилмаган (N₂₀₀K₂₀₀ кг/га ўғит фонида) эса бу 17,3 кг/га азотли, 8,2 кг/га фосфорли ва 13,0 кг/га калийли озика моддаларини ўзлаштирган. Калийли ўғитлар қўлланилмаган 10-вариантда (N₂₀₀P₁₅₀ кг/гадан ўғит берилганда) бу мос равишда 12,6; 10,5 ва 12,0 кггани ташкил этган.

Юқорида айтганимиздек, минерал ўғитларни $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/гадан қилиб бериш билан ўсимликни 1 центнер ҳосили билан олиб чиқиб кетган озига моддалари энг кўп бўлган. Масалан, айнан шу вариантларда (5-, 8-, 13-вар.) 17,2 кг/га азот, 12,6 кг/га фосфор ва 16,5 кг/га калий ўзлаштирган. Аммо, бу миқдор қўлланилган минерал ўғитлар меъёридан бироз кам.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қанд лавлагидан уруғлик олишда уни кечки сабзавотлардан кейин экиш, шудгордан олдин ҳисобланган минерал ўғитлардан ($N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га) фосфорни 70 % ни, калийни 100 % ни ҳайдов остига берилади. фосфорни қолган 30 % ни экишдан олдин ёки

экиш билан бирга 20 % азотли ўғит билан бериш мақсадга мувофиқдир. Шунда қанд лавлагини тупроқдан олиб чиқиб кетган озига моддалари (азотни 159,8 кг/га, фосфорни 116,8 кг/га ва калийни 153,4 кг/га миқдорда ўзлаштирган) ҳисобига тупроқда минерал ҳолдаги озига моддалари кам қолади. Бу тупроқ ва атроф муҳитни тоза сақланишига олиб келади.

Исломжон ОДИЛОВ,
мустақил тадқиқотчи,
Иномжон СУЛАЙМОНОВ,
қ.ф.н., доцент,
Наманган давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М. : Агропромиздат-1985. –С. 248-255.
2. Малютина Н. Л. Планирование урожайности сахарной свеклы на основе расчета доз минеральных удобрений в условиях неустойчивого увлажнения Краснодарского края. Рамонь- 2006.
3. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. Издание 5-е, Ташкент, 1977.
4. Никитин В.В. Продуктивность свеклы в зависимости от удобрений //Сахарная свекла. 1986. - №10. 33-34-б.
5. Останин А.В. Агробиологическое обоснование применения мульчи при возделывании свеклы сахарной. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук . Жодино, 2017

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

ЭНТОМОФАГЛАРНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

The article presents innovative technologies created for use in biological plant protection. The funds spent on technologies for the cultivation and use of biological agents in the world are considered high and require constant improvement. In the course of the study, results were presented on the relevance, necessity and introduction of equipment for the cultivation of lacewing, equipment for breeding wax moths, and also equipment for packaging entomophages in the biological laboratory of the Republic. The equipment serves to improve the technology of production of entomophages. Structures and other technical characteristics of the equipment are also given.

Ҳозирги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор самарали усуллар асосида чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бунда зараркунандаларга қарши асосан биологик, кимёвий, физик-механик ва агротехник усулларнинг уйғунлашган ҳолда усулларини қўллашдир.

Ҳозирда Республикамизда 900 дан ортиқ биологическая лабораториялар ва биофабрикалар фаолият олиб бормоқда. Биологическая лабораторияларда биомаҳсулотларни ишлаб чиқариш асосан қўл меҳнати билан олиб борилади. Мавсум давомида биомаҳсулотларни ишлаб чиқаришда узилишлар юзага келмоқда. Бунинг учун энтомофагларни кўпайтириш ва уларни тарқатиш усулларини такомиллаштириш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш долзарбдир.

Тадқиқотда фойдали ҳашаротларнинг ривожланиши, биоэкологияси ва уларнинг зарарли ҳашаротлар билан озиқланиши, турли экологик омилларга нисбатан чидамлилиги бўйича назарий ва амалий, статистик маълумотлардан фойдаланилган. Ускуналарни ишлаб чиқишда мавжуд ускуналарнинг аналоглари ва уларнинг ўзаро ишлаш натижадорлиги таққосланганда энтомофагларнинг кўпайиши тезлиги, сифати бўйича кўрсаткичлар асосида аниқланган.

Дастлаб тадқиқотларда фойдали ҳашаротларнинг амалдаги усуллари билан тўлиқ танишиб, уларнинг барча

кўрсаткичлари ўрганилди. Шу асосида янги турдаги ускуналар яратилиши йўлга қўйилди. Бунда дастлаб олтинкўз энтомофагини кўпайтириши автоматлаштириш мақсад қилинди. Олтинкўз личинкаси ёшига қараб ўртача табиатда қишлоқ хўжалиги экинларидаги 50-60 ўсимлик бити (ширалар), 20 та ўргимчаккана ёки 500 дан ортиқ ҳар хил зараркунанда тухумлари билан озиқланади ва уларнинг сонини маълум даражада камайтириб туради. Ускунани яратишда унинг барча ўлчамлари ва улардан фойдаланишнинг қулайлиги бўйича кўрсаткичлар бўлишига эътибор қаратилди. Ушбу ускунадан шахсий томорқа хўжаликлари ва фермерлар ҳам фойдаланиши мумкин. Ускуна оғирлиги 16 кг бўлиб унда 20 минг донагача олтинкўз кўпайтириш мумкин ва бир кунда 700 га майдонга зараркунандаларга қарши ишлов бериш имконияти туғилади.

Бундан ташқари, биологическая лабораторияда фойдали ҳашаротларни кўпайтириш учун бошланғич материал ҳисобланган мум қуяси муҳим рол ўйнайди. Агар мавсум давомида мум қуясини узлуксиз таъминлаб турилса, бракон фойдали ҳашаротини кераклича кўпайтириш имконияти туғилади. Шу сабабли ҳозирда қўлбола усулда кўпайтирилаётган мум қуяси, эндиликда уни кўпайтиришнинг самарали ускунаси яратилди. Ушбу ускуна 17 кг ни ташкил этади. У 20 донагача мум қуяси капала-

гини жойлаштириш мумкин. Ускуна махсус ҳаво иситгич, ҳаво алмаштирувчи мосламалар ва ёритувчи чироқлар билан жиҳозланган. Пастки қисмида иккита тортмалар мавжуд, бўлиб, улар нобуд бўлган капалаклар тушгандан сўнг тоза-лаб турилади. Ушбу ускунада мавсум давомида биологаторияларга узлуксиз оналик маҳсулот етказиб бериш имкони мавжуд.

Шунингдек, энтомофаглارни тарқатишда уларни қадоқлаш ҳам долзарб ҳисобланади. Трихограммани қадоқлаш мақсадида махсус трихокарт ясаш қурилмасининг синов тажриба нусхаси яратилди (Патент №FAP 01023 2015). Яратилган ускунанинг аналог-лари Хитой ва Германияда мавжуд, аммо уларнинг барчаси-да бошқа энтомофагларни қадоқлашга мослашмаган ва ушбу технологиялар жуда қиммат (25 минг АҚШ доллари) ҳисобланади.

Тадқиқотларни давом эттириш мақсадида дала майдон-ларига трихограммани махсус дронлар ёрдамида тарқатиш бўйича ҳам изланишлар ўтказилмоқда. Энтомофларни қадоқлаш ускунаси дала шароитида ҳам қишлоқ хўжалиги техникларидан олинган электр токи ҳисобига ҳам ишлай олади. Ускунани тез йиғиш ва уларни жойлардан жойларга ташиш имконини бериш мақсадида уларни икки ажратиш мумкин. Қурилманинг эҳтиёт қисмлари ва қадоқлаш учун сарфланган барча материаллар мамлакатимиз шаро-итида мавжуд.

Ускунага иккита қоғоз тасмаси бирикади. Унинг юқори қисмида иккита бункер мавжуд бўлиб, бирида махсус елим (гуммиарабак), иккинчисида энтомофаг ғумбаклари жойлашган бўлади. Кичик электр моторчанинг ишлаш жараёнида тебранма ҳаракат вужудга келади ва бункерлардан тушувчи моддаларни бир маромда бошқаради.



1-расм. Олтинкўз кўпайтириш ускунаси (чапда), мум парвонаси кўпайтириш ускунаси(ўнгда).



2-расм. Энтомофагларни қадоқлаш ускунаси.

Бу эса трихогратга тақсимланаётган энтомофаг ғумбак-ларини тақсимлашда хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу ускуна ёрдамида энкарзия паразитининг ғумбакларини далада тарқатиш учун қадоқлаш имконини беради.

Хулоса: юқорида кўп йиллик ўрганиш ва тадқиқотлар да-вомида яратилган ускуналар ўсимликларни биологик химоя қилиш соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ,
б.ф.д., академик.

АДАБИЁТЛАР

1. Адашкевич Б.П. Трихограммани янгиланган туриш усуллари. Ўсимликларни химоя қилиш. -Тошкент, №4, 1986. –Б. 47-50.
2. Алимухамедов С.А., Адашкевич Б.П., Одилов З.К., Хўжаев Ш.Т. Ғўзани биологик усулда химоя қилиш.-Тошкент, Мехнат, 1990. –Б. 37-76.
3. Андреев С.А,Абашкин А.С. Механизация процессов разведения, хранения и выпуска трихограммы. // Применение трихограммы в защите сельскохозяйственных растений. Тез. Докл. I - Всесоюз.совещ. - Кишинев, 1978.-С.4-15.
4. Воронин К.Е., Сорокина А.П. Научные исследования по биометоду в России. Защита и карантин растений. №11.2004.-с.13-14.
5. Гринберг Ш.М., Боубетрын И.Н., Пынзарь Б.В. и др. О результатах лабораторного разведения и использования разновозрастной трихограммы // Массовое разведение насекомых. –Кишинев, Штиинца, 1983.-С.60-64.

УЎТ: 632.7.

ТАДҚИҚОТ

НОК ШИРИНЧАСИ (PSYLLA PYRI L)ГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

This article tested the distribution, damage, bioecology of pear juice in seed orchards and new drugs against this pest. Based on the results obtained, practical recommendations for production are given.

Бугунги кунда нок ширинчаси (Psylla pyri L) кенг майдонларда тарқалиб, етиштирилаётган ҳосилнинг сифат ва миқдорига сезиларли даражада зиён етказётганлиги кузатилмоқда. Нок ширинчаси (Psylla pyri L) ўртача иссиқ климга эга бўлган дунёнинг кўплаб мамлакатларида:

Германия, Украина, Белоруссия, Грузия ва Марказий Осиё худудларида учрайди[1].

Тадқиқотларимиз 2019 йилда Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган Академик М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ нок боғларида олиб борилди. 5 ёшли нок дарах-

Нок ширинчасига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги.
(Тошкент вилояти Тошкент тумани Академика М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ илмий-тажриба станцияси,
("Любимица Клаппа" нави). 2019 й.

№	Тажриба вариантлари	Сарф меъёри, л/га	10 см новдадаги зараркунандаларнинг ўртача сони, дона				Биологик самарадорлик кунлар бўйича, %				
			ишловдан олдин	ишловдан кейинги кунларда				3	7	14	21
				3	7	14	21				
1	Назорат (ишлов берилмаган)	-	115,0	116,2	114,6	115,2	112,5	-	-	-	-
2	Абам экстра 28% сус.к. (эталон)	0,3	92,0	12,8	12,2	10,6	9,7	86,2	86,7	88,5	89,2
3	Aktinara, 240SC	0,25	89,6	8,3	7,6	7,2	6,8	90,8	91,5	92,2	92,0

ти ҳосилга кирган, "Любимица Клаппа" нави. Синалаётган инсектицид 3 қайтарилишда, 5 дондан дарахтларда қўлланилди. Тадқиқотнинг биологик самарадорлиги Ш.Т. Хўжаев (2004) услуги асосида, ҳамда Аббот (1925) тенгласма ёрдамида аниқланди.

Тажриба майдонидаги интенсив усулда етиштирилаётган нок боғларида нок ширинчасининг пайдо бўлиши ва нуфузини ҳамда кимёвий препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида кузатувлар олиб борилди.

Унга кўра янги кимёвий препаратларни синовдан ўтказиш мақсадида «Agrobrest Group» Туркия, фирмасини Актинара 240 SC(0,25 л/га) препарати олинди. Ушбу препаратга эталон сифатида эса Абам экстра 28% сус.к.(0,3 л/га) препарати олинди. Тажриба учун олинган препаратлар қўлланилган кундан бошлаб назорат кузатувлар 3 кундан бошлаб, таҳлил қилиб борилди. (1-жадвал). Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Актинара 240 SC(0,25 л/га) препарати қўлланилган вариантда кузатувларимизнинг препарат қўлланилгандан кейинги 3-кунда самарадорлик

90,8% ни, ташкил қилган бўлса, 21-кунга келиб энг юқори бўлди, яъни 92,2% ни ташкил эди.

Кейинги вариантимизда Абам экстра 28% сус.к. (0,3 л/га)кейинги 3 кунда самарадорлик 86,2% ни, ташкил қилган бўлса, бу вариантимизда ҳам 21-кунга келиб самарадорлик энг юқори бўлди, яъни 89,2% ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, нок ширинчасига қарши Актинара 240 SC инсектициди билан ўз вақтида кимёвий ишлов берилса, дарахтлардан олинадиган ҳосил зараркунандалардан сақлаб қолинади ва меваларнинг сифати ҳамда миқдори ортади.

Раъно МЎМИНОВА,
қ.х.ф.ф.д., доцент,
ТошДАУ,
Паризод ТОШМАТОВА,
ЧДПИ талабаси,
Аббос НУРЖОБОВ,
ТошДАУ магистранти.

АДАБИЁТЛАР

1. Atger, P. Le psylle du poirier. /P. Atger // CTIFL. – Paris. – 1982 – P.68.
2. Балыкина Е.Б. Сезонная динамика численности грушевой листоблошки (PSYLLAPYRYL) в Крыму./Е.Б. Балыкина, Д.А. Корж, Л.П. Ягодинская// Вестник защиты растений. – 2015. - №3(85). –С. 34-35
3. Васильев, В.П. Вредители плодовых культур /В.П. Васильев, И.З.Лившиц // - М. – колос. -1984. – 400с.
4. Зейналов, А.С. Некоторые особенности биоэкологии северных популяций обыкновенной грушевой медяницы Psylla pyri L. /А.С. Зейналов, О.Г. Грибоедова// Садоводство и виноградарство. – 2016. – №3. – С. 35-40.

УЎТ: 636.082.638.2.

ТАДҚИҚОТ

ИПАК ҚУРТИНИНГ ЖИНСИ НИШОНЛАНГАН ТИЗИМЛАРИ ВА УЛАР ИШТИРОКИДАГИ F₁ ДУРАГАЙИНИНГ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ

In this article is given results of analyze of the morphological signs of new marked genetic lines of silkworm in the egg and cocoon stages.

Бугунги пиллачилигимизни илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Сабаби, ипак қуртининг физиологик жараёнларига инсон омиленинг таъсири кучайиб, йилдан-йилга сифат ва талаб даражаси юқорилаб бормоқда. Шундай экан ушбу жабҳада ёввойи ва ўз ҳолича етилган пиллаларга эътибор

йўқолиб, илмий асосланган, меҳнат сарфи кам ва, албатта, иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган зотларгина сақланиб қолади ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилинади.

Ишлаб чиқариш эса, ўз навбатида, пилла ҳажмининг тобора ошиб бориши, етиштирилаётган пиллаларнинг сифат

кўрсаткичларининг ҳам мутаносиб равишда яхшиланишини талаб этади. Пилланинг сифати, айниқса технологик белгилари ипак қуртининг зот ва дурагайларига боғлиқ. Саноатда етиштирилаётган пиллалар ипакчанлиги ва хом ипак чиқишини оширишнинг асосий омилларидан бири бу – жинси бошқариладиган зот ва дурагайларни яратиш ва уларни жорий этишдир.

Ана шу вазифаларни тўлақонли ва сифатли амалга оширишда хўжаликларда боқиб парваришланаётган ипак қурти саноатбоп дурагай уруғларининг сифати ва дурагайлик даражаси муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бугунги кун уруғчилигида дурагайлаш жараёнида муоммолар борлиги ҳеч кимга сир эмас, яъни дурагай уруғлар таркибида тоза зотлар аралашмаси кўпроқ. Тоза зотларнинг маҳсулдорлиги, ҳаётчанлиги ва турли ноқулай шароитлар ва касаликларга чидамлилиги F_1 дурагайига нисбатан пастлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари зотлар ва дурагай уруғлар аралашмасидан олинган пиллалар шакли бўйича ҳар хил бўлиб, уларни чуваш жараёнида қатор ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Ушбу нохуш ҳолатдан чиқишнинг йўлларида бири, бу жинси нишонланган янги зотлар яратиш ва улар иштирокида саноатбоп дурагай комбинациялари олишдир. Жинси нишонланган зотлар урғочи ва эркак жинслари пилла даврида алоҳида-алоҳида бўлганлиги учун уларни зот ичида чапишиб қолиш эҳтимоли 0 га тенг. Ва табиийки, улар иштирокида 100% дурагай уруғлар тайёрлаш имкони жуда юқори бўлади.

Тут ипак қуртининг жинсини морфологик белгилари орқали жинсини нишонлаш бўйича чуқур илмий асосланган тадқиқотлар XX асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институтида (ҳозирги Ипакчилик ИТИ) В.А.Струнников раҳбарлигида бошланган. Олиб борилган радиацион генетика ишлари натижасида биринчи марта тухум рангини кулранг рангда бўлишини таъминловчи $+w_2$ доминант генини урғочи W-хромосомага транслокация қилишга эришилган (В.А.Струнников, Л.М.Гуламова, 1957). Шу олинган илк транслокация биринчи жинси нишонланган зот яратишга асос бўлган ва бу зот иштирокида саноатбоп дурагайлар олишга эришилган. Аммо жинси тухум ранги бўйича ва пилла ранги бўйича нишонланган дурагай комбинацияси ҳали яратилмаган [1].

Мазкур илмий тадқиқот ишида илк бор иккита жинси нишонланган тизимлар иштирокида F_1 дурагай авлод олинди, уларни биологик ва технологик хусусиятлари атрофлича ўрганилди.

Тажрибалар Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг махсус қуртхоналарида 2018-2020 йиллар давомида ўтказилди. Тажриба қуртлари институтнинг махсус тут плантацияларидан келтирилган тўйимлилиги ва сифати бир хил тут барглари билан парваришланди. Тухумларни жонлантириш, боқиш, пиллалар тайёрлаш ва папильонаж ишлари ИИТИ да яратилган оқ пиллалар зотларни парваришлаш услубиятига риоя қилинган ҳолда ташкил этилди. Барча гигротермик шароитлар белгиланган меъёردа бўлиши таъминланди.

Тажрибалар учун Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг “Тут ипак қурти наслчилиги иши” лабораториясида яратилган жинси тухум ранги бўйича нишонланган Линия 2 меч ва жинси пилла ранги бўйича нишонланган Линия 3 меч тизимлари танлаб олинди. Бошланғич тухум қўймалари оригинатордан олинди ва ўрнатилган тартибда синов боқувлари учун тайёрланиб, улар иштирокидаги F_1 дурагайининг кўрсаткичлари қайд қилиб борилди.

Қуйида тажриба тизимлари ва улар иштирокидаги F_1 саноатбоп дурагайининг асосий морфологик белгилари бўйича тавсифи берилган.

Линия 2 меч селекцион тизими юмалоқ пиллалар тизим бўлиб, йирик пиллалар Марварид зоти асосида олинган (1-расм). Асосий морфологик белгилари:

Тухуми – кул ранг, ёпишқоқ, жинсга бириккан (оч сарғиш - ♂, кул ранг - ♀).

Личинкаси – 1-ёш қуртлар қорамтир, 4-5-ёшларда оқ, тансида яримойсимон сурати ва бош қисмида ниқоби бор (жинсга бирикмаган). Пилласи – юмалоқ (бели қисилмаган), йирик калибрли, оқ рангли, чуватилиш даражаси юқори, тола узунлиги узун, ўрта толали. Пилла қобиғи – оқ рангли, ўртача донатор, ўртача тигиз ўралган. Ғумбаги – жигарранг, йирик. Капалаги – қаймоқ ранг.



1-расм. Линия 2 меч тизимининг тухуми ва пилласи.

Линия 3 меч селекцион тизими юмалоқ пиллалар тизим бўлиб, жинси пилла ранги бўйича жинсларга ажралиш хусусиятига эга. Асосий морфологик белгилари: Тухуми – кулранг, ёпишқоқ, жинсга бирикмаган. Личинкаси – 1-ёш қуртлар қорамтир, 4-5-ёшларда оқ, тансида яримойсимон сурати ва бош қисмида ниқоби бор (жинсга бирикмаган). Пилласи – юмалоқ (бели қисилмаган), ўрта калибрли, жинсга бириккан (оқ ранг - ♂, сариқ ранг - ♀) чуватилиш даражаси юқори, тола узунлиги узун, ингичка толали. Пилла қобиғи – оқ рангли, майда донатор, тигиз ўралган. Ғумбаги – жигарранг, ўртача катталиқда. Капалаги – қаймоқ ранг.



2-расм. Линия 3 меч тизимининг тухуми ва пилласи.

Линия 2 меч x Линия 3 меч иштирокидаги F_1 дурагайи овалсимон юмалоқ шаклга эга бўлиб, юқори маҳсулдорлик ва технологик хусусиятларга эга. Асосий морфологик бел-

гилари: Тухуми – кулранг, ёпишқоқ, жинсга бирикмаган. Личинкаси – 1-ёш қуртлар қорамтир, 4-5-ёшларда оқ, танада яримойсимон сурати ва бош қисмида ниқоби бор (жинсга бирикмаган). Пилласи – овалсимон юмалоқ (бели қисилмаган), ўрта калибрли, чуватилиш даражаси юқори, тола узунлиги узун, ингичка толали. Пилла қобиғи – оқ рангли, майда донадор, тигиз ўралган. Ғумбаги – жигарранг, йирик. Капалаги – қаймоқ ранг.



3-расм. Линия 2 меч х Линия 3 меч тизимлари иштирокидаги F₁ саноатбоп дурагайининг тухуми ва пилласи.

Биз ўз тадқиқотимизда янги жинси нишонланган тизимлар ва улар иштирокидаги Линия 2 меч х Линия 3 меч саноатбоп дурагайининг етакчи биологик белгиларидан бўлган пуштдорлик хусусиятини қиёсий таҳлил қилдик.

Тажрибаларимиз натижалари асосида қуйидаги хулосалар келиб чиқади.

2018-2020 йилларда олиб борилган кузатишларимиз асосида тут ипак қуртининг жинси тухумлик даврида нишонланган Линия 2 меч ва жинси пилла ранги бўйича нишонланган Линия 3 меч тизимлари морфологик белгилари бўйича бир-биридан кескин даражада фарқ қилиниши исботланди.

Линия 2 меч х Линия 3 меч F₁ дурагайининг репродуктив белгилари бўйича сезиларли гетерозис самараси аниқланди. Бу дурагай тухум қўймасидаги тухумлар сони 849 дона ва уларнинг вазни 490 мг ни ташкил этди.

Энг муҳими, биз саноатбоп дурагайларни тайёрлаётганимиздаги оталик ва оналик жинсларини тухумлик ва пиллалик давридаёқ ажратиш олганлигимиз туфайли насли материални жинсларга ажратиш муаммосига дуч келмасдан 100% дурагай уруғини олиш имкониятига эга бўлдик. Янги дурагай комбинацияси пуштдор бўлиши билан бирга ипак толасининг асосий технологик белгилари бўйича ҳам юқори кўрсаткичлар билан ажралиб туриши, келажакда мазкур саноатбоп дурагайининг ишлаб чиқаришдаги самарадорлигини белгилаб беради.

Мамура ХАЛИЛОВА,
ТошДАУ докторанти.

Мирхонд АЛИМОВ,

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Ахборот маслаҳат экстейшн бўлими мутахассиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Струнников В.А., Гуламова Л.М., Каримова Ш.А., Курбанов Р. Успехи и перспективы генетических исследований с тутовым шелкопрядом. // Сборник трудов САНИИШ "Научные основы развития шелководства". -Ташкент, 1977. -Вып.11.

УЎТ: 636:637

TADQIQOT

TAJRIBA GURUHLARIDAGI SIGIRLARNI ISTE'MOL QILGAN OZUQASINI SUT BILAN QOPLASH XUSUSIYATI

This article describes the ability of cows to cover their feed with milk, which is an important selection trait for efficient use of cows, quality offspring, and the amount of feed consumed per 1 kg of milk.

Ma'lumki, sigirlarni baholashda e'tiborga olinadigan asosiy ko'rsatkich bu ularni iste'mol qilgan ozuqasiga mahsulot birligi bilan xaq to'lash xususiyatlari hisoblanadi. Sigirlar iste'mol qilgan ozuqasini sut mahsuloti bilan qoplaydi va bu ko'rsatkichning o'zgarishi sut mahsulдорligiga bog'liq bo'ladi. Agarda sigir ma'lum

bir davrda ko'p sut bersa, 1 kg sut uchun sarflangan ozuqa miqdori kam bo'ladi. Aksincha, kam sut bersa, ko'p ozuqa sarflanadi. Ushbu ko'rsatkichlarni biz o'z tadqiqotlarimizda o'rganib, quyidagi 16-jadvalda havola qildik.

16-jadval ma'lumotlarini tahlil qilish natijalari shuni ko'rsatdiki, 16-jadval.

Tajriba guruhlaridagi sigirlarning sut ishlab chiqarishga sarflangan ozuqalar miqdori

Ko'rsatkichlar	Guruhlar	
	I	II
Laktatsiya mobaynida har 1 bosh sigirga o'rtacha sarflangan ozuqa birligi, kg	4875,6	5200,9
Laktatsiya mobaynida olingan sut miqdori, kg	4811,7	5180,0
1 kg tabiiy yog'likdagi sog'ib olingan sutga sarflangan ozuqa birligi, kg	1,01	1,00
1 kg 4 % li sut ishlab chiqarish uchun sarflangan oziqa birligi, kg	1,06	1,05
Har 100 kg ozuqa birligi hisobiga ishlab chiqarilgan		
Sut, kg	98,69	99,60
4% li sut miqdori, kg	94,00	95,12
Sut yog'i chiqimi, kg	3,76	3,80
Sut oqsili chiqimi, kg	3,41	1,44

tajriba guruhlaridagi sigirlarning laktatsiya mobaynida iste'mol qilgan ozuqasini miqdori guruhlarda turlicha bo'lishiga qaramasdan sigirlarning sut mahsuldorlik darajasi bilan uzviy ravishda bog'liq ekanligini ko'rsatdi. Xususan, I guruh sigirlarni laktatsiya mobaynida 4875,6 kg ozuqa birligi iste'mol qilishgan bo'lsa, bu ko'rsatkich II guruh sigirlarida 5200,9 kg ozuqa birligini tashkil qilgan. Farq ular foydasiga 325,3 kg yoki 6,7 foizga teng bo'lgan.

Laktatsiya mobaynida sog'ib olingan sut miqdori I guruh hayvonlarida 4811,7 kg bo'lgan bo'lsa, bu ko'rsatkich II guruh sigirlarida 5180,0 kg ni tashkil qilgan. Farq II guruh sigirlari foydasiga 368,3 kg yoki 7,6 foizga teng bo'lgan.

1 kg tabiiy yog'lilikda sog'ib olingan sutga sarflangan oziqa miqdori I guruh sigirlarida 1,01 kg ni tashkil qilgan bo'lsa, bu ko'rsatkich II guruh hayvonlarida 1,00 kg ga teng bo'lgan. Farq II guruhdagi sigirlar foydasiga 0,01 kg yoki 10 foizni tashkil etgan, ya'ni II guruhdagi mustahkam konstitutsiyali sigirlar ko'p sut berib kam oziqa sarflagan. 4 foizli sut ishlab chiqarishga sarflangan oziqa birligi guruhlardagi sigirlarda shunga mutanosib ravishda 1,06 va 1,05 kg ga yoki 9,5 foizga teng bo'lgan.

Xayvonlarga sarflangan oziqa miqdorini samaradorligini aniqlashda va bu borada ularga to'g'ri va ob'ektiv baho berishda har 100 kg oziqa birligiga ishlab chiqarilgan sut, 4 foizli sut, sut yog'i chiqimi va sut oqsili chiqimini ko'rsatkichini aniqlash muhim amaliy ahamiyat kasb etadi. Shuni e'tiborga olib biz o'z tadqiqotlarimizda ushbu ko'rsatkichlarni aniqladik va quyidagi natijalarni oldik. Har 100 kg oziqa birligiga ishlab chiqarilgan sut miqdori tajriba guruhlaridagi sigirlarda 98,69 va 99,60 kg ga teng bo'lgan. Farq II guruhdagi sigirlar foydasiga 0,91 kg ni yoki 0,9

foizni tashkil qilgan.

Xuddi shuningdek, har 100 kg oziqa birligiga ishlab chiqarilgan 4 foizli sut miqdori bo'yicha guruhlararo farq kuzatilgan va II guruhdagi sigirlar, o'z tengqurlari I guruhdagi sigirlarga nisbatan 1,12 kg yoki 1,2 foiz 4 foizli sutni ko'p ishlab chiqarishgan.

Sut yog'i chiqimi bo'yicha I guruhga mansub sigirlar o'z tengqurlari II guruhga nisbatan 0,04 kg yoki 1,1 foiz ko'p sut yog'ini ishlab chiqarishgan.

Sut oqsili bo'yicha guruhlararo farq 0,03 kg yoki 0,9 foizga teng bo'lgan.

Tajriba guruhlaridagi sigirlar tajriba mobaynida iste'mol qilgan ozuqasini mahsulot birligi bilan qoplash xususiyati turlicha bo'lib, bunda II guruhdagi mustahkam konstitutsiya tipiga xos bo'lgan sigirlar o'z tengqurlari I guruhdagi nozik-zich konstitutsiya tipidagi sigirlarga nisbatan ko'p sut berib aksincha kam oziqa sarflashgan.

Shunday qilib, tadqiqotlarimizda mustahkam konstitutsiya tipiga mansub bo'lgan sigirlar o'z tengqurlari nozik-zich konstitutsiyadagi sigirlarga nisbatan sersut bo'lishlari bilan bir qatorda yaxshi darajada iste'mol qilgan oziqasini sut mahsuloti bilan qoplash xususiyatlariga ham ega ekanligini namoyish qildi.

Xulosa. O'rganilgan ko'rsatkichlar natijalaridan shunday xulosa qilish mumkinki, Agarda sigir ma'lum bir davrda ko'p sut bersa, 1 kg sut uchun sarflangan ozuqa miqdori kam bo'ladi. Chunki bu ko'rsatkichlar maqbul darajada bo'lib, Aksincha kam sut bersa, ko'p ozuqa sarflanadi.

**Mohichehra NORMUMINOVA,
Utkir RAXIMOV,**

Samarqand Veterinariya meditsinasi instituti assistentlari.

ADABIYOTLAR

1. Ashirov B. Turli genotipdagi sigirlarning seleksiya belgilarini o'zaro bog'lanuvchanligi. //O'zbekiston qishloq xo'jaligi j'ornalining "Agro-ilm ilovasi". Toshkent. 2014. №2. B.28-29. (16.00.00.№1).
2. Kaxarov A. Effektivnost ispolzovaniya porod krupnogo rogatogo skota raznogo napravlenie produktivnosti i ix pomesey dlya proizvodstva govyadiny v usloviyax YUga Uzbekistana. Avtoref. Diss.dokt. s.-x. nauk. Tashkent. 1994. 50 s.
3. Amirov SH.Q., Qo'ziboev G'.O. O'quv tajriba xo'jaligidagi urchitilayotgan turli zotga mansub sigirlarning ayrim ko'rsatkichlari. Qishloq xo'jaligida yaratilgan innovatsion ishlanmalar. Katta ilmiy xodim-izlanuvchi va yosh olimlarning to'plami. I-qism. Samarqand. 2015. 211-213 b.

УЎТ: 631.82+631.862:658.56

TADQIQOT

ЎҒИТЛАРНИНГ АМАРАНТ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

The article provides data on the effect of mineral and organic fertilizers on the yield and quality of amaranth grain. Mineral fertilizers against the background of organic fertilizers contribute to obtaining the highest yield of amaranth grain. Wherein this produces high quality grain.

Амарант ўсимлигини Ўзбекистонга интродукция қилиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун амарант экинни етиштириш технологияси тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши керак. Амарантни етиштириш технологиясида ўғитлаш тизими муҳим роль ўйнайди. Чунки ўғитлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кескин оширади. Чунки ўсимликда кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар фаоллиги уни озиқ моддалар билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Бу, айниқса, республикаимиз тупроқларида гумус ва озиқ моддалар миқдори ва захираси пастлиги сабабли муҳим аҳамиятга

эга. Шунинг учун амарант ўсимлиги озиқланишини ва уни яхшилаш йўллари ўрганиш юқори ва сифатли ҳосил олишда асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга, бу экин жуда қимматбаҳо экин бўлиб, унинг маҳсулоти турлитуман соҳаларда ишлатилади. Унинг дони озиқ-овқат, медицина, фармацевтика, косметика ва парфюмерия соҳаларида, дони ва биомассаси ем-хашак ҳамда омухта ем сифатида кенг ишлатилади. Ем-хашак ва омухта ем сифати жуда юқори баҳоланади. Амарант мойи жаҳон бозорида жуда қадрланади. Шунинг учун амарант ўсимлигидан юқори ва сифатли ҳосил олиш республикаимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт

ўрнини босувчи маҳсулотлар чиқишини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўғитларнинг ўрни жуда катта бўлади. Ушбу масалаларни ўрганиш мақсадида Жомбой тумани ўтлоқ бўз тупроқлар шароитида амарантни озикланиши, ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатига минерал ва органик ўғитлар таъсирини ўрганиш бўйича дала тажрибаси ўтказилди.

Дала тажрибасини қўйиш ва ўтказиш умумқабул қилинган услубларда олиб борилди. Тадқиқотларда иккита дала тажрибаси амалга оширилди. Биринчи дала тажрибасида амарант ўсимлиги ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатига азотли ўғитларнинг таъсири, иккинчи дала тажрибасида минерал ва органик ўғитларнинг таъсири тадқиқ қилинди. Дала тажрибасида фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчашлар бунинг учун ажратилган махсус модел ўсимликларда олиб борилди. Ҳосилни ҳисобга олиш ва маҳсулотларни кимёвий анализ қилиш умумқабул қилинган стандарт усулларда амалга оширилди. Тадқиқотда амарантнинг Харьковский 1 нави кенг қаторли қилиб (қатор ораси 70 см) асосий экин сифатида ўрганилди. Амарантни ўғитлаш учун азотли ўғитлардан аммиакли селитра, фосфорли ўғитлардан оддий суперфосфат, калийли ўғитлардан калий хлорид ишлатилди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, азотли ўғитлар фосфорли-калийли ўғитлар фониди, минерал ўғитлар турли хил меъёрларда ва органик ўғитлар тупроқнинг озик режимини сезиларли яхшилайти ва амарант ўсимлиги учун озик моддаларни юқори фонини яратиб уни озикланишини яхшилайти. Бу эса амарант ўсимлигини ўсиш ва ривожланишига, ҳосил элементларини ҳосил бўлиши ва тўпланишига ижобий таъсир қилди. Натижада биринчи тажрибада азотли ўғитларни қўллаш фосфорли-калийли ўғитлар фонига нисбатан ҳосилдорликнинг кескин ошишига олиб келди. Бунда азотли ўғитлар меъёрини таъсир этувчи модда ҳисобида 150 кг/га дан 300 кг/га гача ошириб бориш амарант ҳосилдорлигининг ҳам монанд равишда ортиб боришини таъминлади. Лекин, азотли ўғитлар меъёрини 250 кг/га дан 250 кг/га гача ошириш амарант дон ҳосилини ишонарли оширмади. Масалан, ўғитсиз назоратда 7.19 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, бу кўрсаткич $P_{150}K_{200}$ вариантыда 13.43 ц/га ни ташкил этди, бунда дон ҳосили назоратга нисбатан 6.24 ц/га ёки 86.7 % га ортди. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг $P_{150}K_{200}$ фониди азотли ўғитларни 150; 200; 250 ва 300 кг/га меъёрида қўллаш амарант ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашда азотли ўғитлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Масалан, дон ҳосили ўғитсиз назоратда 7.19 ц/га, $P_{150}K_{200}$ фон вариантыда 13.43 ц/га бўлган бўлса, бу кўрсаткични фон+N₁₅₀, фон+N₂₀₀, фон+N₂₅₀ ва , фон+N₃₀₀ вариантларда мос равишда 24.32;28.31;34.70 ва 36.20 ц/га бўлиши маълум бўлди. Бунда ушбу вариантларда тегишлича ўғитсиз назоратга нисбатан 17.13; 21.12; 27.51 ва 29.01 ц/га ёки 239.66; 293.83; 382.66 ва 405.70% ҳамда $P_{150}K_{200}$ фонига нисбатан 10.89; 14.88; 21.27; 22.77 ц/га ёки 81.09; 110.80; 158.38; 169.55% қўшимча ҳосил олинди. Демак, азотли ўғитлар амарант дон ҳосилини ишонарли оширади ва бу борада фосфорли ва калийли ўғитлардан сезиларли устун турди. Уч йиллик ўртача маълумотлар бўйича энг

юқори дон ҳосили $P_{150}K_{200}+N_{250}$ вариантыда кузатилди. Умуман олганда, фосфорли ва калийли ўғитлар ва улар фониди қўлланилган азотли ўғитлар амарант ўсимлиги биомассасини ва дон ҳосилини ишонарли оширди.

Иккинчи дала тажрибасида минерал ва органик ўғитларни алоҳида ва биргаликда қўллашнинг амарант дон ҳосили ва маҳсулот сифатига таъсири ўрганилди. Минерал ўғитларни алоҳида қўллаш ҳам амарант дон ҳосилини сезиларли оширди. Бунда минерал ўғитлар меъёрини ортиб бориши билан амарант дон ҳосили ҳам ортиб борди. Лекин, минерал ўғитлар меъёрини $N_{250}P_{175}K_{125}$ дан $N_{300}P_{210}K_{150}$ гача оширилиши дон ҳосилининг ишонарли ортишига олиб келмади.

Органик ўғит, яъни ярим чириган гўнг 30 тонна меъёрда қўлланилганда амарант дон ҳосили ўғитсиз назорат вариантыга нисбатан сезиларли ортди. Минерал ўғитлар ярим чириган гўнг билан биргаликда қўлланилганда амарант дон ҳосили энг юқори даражада бўлди. Органик ўғитлар нафақат амарант учун озик модда манбаи сифатида, балки ўсимлик учун тупроқ шароитлари ва ҳосилларини яхшиловчи омил бўлиб ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энг юқори дон ҳосили органик ўғитларнинг гектарига 30 тонна фониди минерал ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ меъёрида қўлланилганда олинди. Органик ўғитлар минерал ўғитларнинг таъсирини кучайтирди.

Дон ва биомасса таркибидаги оқсил миқдори азотли ўғитлар меъёрига боғлиқ бўлган ҳолда ўзгарди. Азотли ўғитлар меъёри ортиб бориши билан дон ва биомассада оқсил миқдори ортиб борди. Дон ва биомассада энг юқори оқсил кўрсаткичи азотли ўғитлар 250 ва 300 кг/га меъёрда қўлланилганда кузатилди. Демак, оқсил миқдори амарант ўсимлигини азот билан таъминланишига кучли даражада боғлиқ бўлади. Амарант биомассаси ва дони таркибидаги ёғ миқдорига азотли ўғитлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда азотли ўғитлар меъёри ортиб бориши билан дон ва амарант биомассасидаги ёғ миқдори ортиб борди ҳамда энг юқори кўрсаткич азотли ўғитлар 250 ва 300 кг/га меъёрда қўлланилганда кузатилди. Демак, азотли ўғитлар қўлланилганда тупроқда минерал азот миқдорининг ортиши ва амарант ўсимлигининг азотли озикланиши яхшиланиши амарант ўсимлиги ер устки массасида ва донида ёғ миқдорини ортишига олиб келади. Азотли ўғитлар дон таркибидаги клетчатка ва крахмал миқдорига салбий таъсир қилди, яъни азотли ўғитлар қўлланилиши натижасида донда клетчатка ва крахмал миқдори камайди. Бунда азотли ўғитлар меъёри ортиб бориши билан донда клетчатка ва крахмал миқдорини камайиши кучайиб борди.

Амарант биомассаси ва донида азот, фосфор ва калий миқдори ҳам муҳим ҳисобланади. Уларнинг миқдори минерал ва органик ўғитларни қўлланилишига боғлиқ бўлади. Фосфорли ва калийли ўғитлар фониди азотли ўғитларни қўлланилиши дон ва амарант ер устки массасида азот миқдорининг ортишига олиб келди. Бунда азотли ўғитларнинг меъёри ортиб бориши билан дон ва биомасса таркибидаги умумий азот миқдори ортиб борди ва азотли ўғитлар 250 ва 300 кг/га меъёрда қўлланилганда энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Амарант дони таркибидаги фосфор ва калий миқдори ҳам азотли ўғитлар қўлланилишига боғлиқ бўлди. Бу азотли ўғитлар қўлланилганда тупроқда ҳаракатчан фосфор ва алма-

шувчан калий миқдорининг қисман ортиши ва азотли озикланиш яхшиланганда ўсимликни макро ва микро-элементларни ўзлаштириши кучайиши билан боғлиқ. Азотли ўғитлар меъёри ортиб бориши билан амарант дони ва биомассасидаги фосфор ва калий миқдори ҳам ортиб борди. Бунда энг яхши кўрсаткичга азотли ўғитлар фосфорли ва калийли ўғитлар фониди 250 ва 300 кг/га меъёрида қўлланилганда эришилди.

Шундай қилиб, азотли ўғитлар амарант дони ва биомассасидаги оқсил, ёғ, клетчатка, крахмал ҳамда азот, фосфор ва калий миқдорига ижобий таъсир қилади ва маҳсулот сифатининг юқори бўлишини таъминлайди.

Минерал ва органик ўғитлар қўлланилганда дон таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори ортиши кузатилди. Энг

яхши ҳолат минерал ва органик ўғитлар биргаликда қўлланилганда юзага келди.

Шундай қилиб, минерал ва органик ўғитлар алоҳида ва биргаликда қўлланилганда ҳамда азотли ўғитлар берилганда амарант дон ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифати сезиларли ортади. Бу эса минерал ва органик ўғитларни амарант етиштиришда юқори самарага эга эканлигини кўрсатади.

Бобур ШОНИЁЗОВ,

ТошДАУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси,

Тўлқин ОРТИҚОВ,

Самарқанд давлат университети доценти,

Гулмира ЭЛМУРОВОВА,

мустақил тадқиқотчи.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳазратқулов Ш., Ортиқов Т. Ўзбекистон шароитида “Green Cascade” амарант навининг биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги // Достижения и перспективы экспериментальной биологии растений. Материалы Республиканской научно-практической конференции (21.11.2013) Институт генетики и экспериментальной биологии растений. Ташкент. 2013. Б. 46-49.

2. Дала тажрибаларини ўтказиш услуги. Т. УзПИТИ, 2007. 145 бет.

3. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Т. 1963. 438 с.

УДК: 636.085.51

ИССЛЕДОВАНИЕ

СОЗДАНИЕ ОРОШАЕМЫХ КУЛЬТУРНЫХ ПАСТБИЩ ПРИ ФЕРМЕРСКИХ УЧАСТКАХ И ПОЛЯХ ЖИВОТНОВОДЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ – ГАРАНТИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЕШЕВЫМИ КОРМАМИ ЖИВОТНЫХ

The creation and use of irrigated cultivated pastures contribute to a sharp increase in livestock productivity on farms.

В последние годы острая нехватка воды крайне усложнила ведение сельского хозяйства в Южном регионе Приаралья и привела к резкому снижению производства сельскохозяйственной продукции. Поэтому в отрасли животноводства региона на первый план выдвигаются вопросы разработки технологий использования пустынных пастбищ с учетом имеющихся ресурсов растений близлежащих территорий реки Амударья, озер и водоемов.

В настоящее время в Южном Приаралье обмелели и высохли многие малые озера. Это привело к исчезновению почти 70-80 % существующих тугайных зарослей на площади более 800 тыс. га, а вместе с ними и их обитателей. Погибли от недостатка влаги леса вдоль рек, исчезли многочисленные озера в дельте Амударьи. Биологическая продуктивность растительного покрова Приаралья в результате антропогенного

воздействия опустынивания территорий сократилась 8-10 раз. Сокращение пастбищ и снижение продуктивности земель послужили причиной потери более 100 тыс. рабочих мест в зонах, непосредственно прилегающих к Аральскому морю.

При изучении растительного покрова выявлено, что в непосредственной близости от водоема ассортимент растений более богат и представлен 8-10 видами. По мере удаления от водоемов ассортимент растений беднеет, так на расстоянии 5 км от озера ассортимент растений представлен 5-7 видами, далее на расстоянии 10-15 км 3-4 видами пустынных растений. Биологическая продуктивность соответственно составляет от 10-13 ц/га до 2-3 ц/га сухой массы.

В последнее время проводится лесомелиорация осушенного дна Аральского моря с использованием

ем древесно-кустарниковых растений: саксаул черный, черкез, кандым, тамариск, терескен, кейреук, чогон, изен для укрепления рельефа почвы и борьбы с ветровой эрозией.

Исходя из вышеизложенного в 2019 году Постановлением Правительства Республики Узбекистан вновь организован Бозатауский район, занимающийся специализированным животноводством, и поручено на базах Кунградского, Канлыккульского, Муйнакского и Тахтакупырского районов организовать кластерские и фермерские хозяйства, занимающиеся животноводством и укрепление их кормовой базы.

В укреплении кормовой базы животноводства велика роль зеленой продукции, которую дают сенокосы пастбища. Вместе с кормами, получаемыми с пашни, многие пастбищные травы составляют основу кормового баланса. Поэтому увеличение видового состава

природных кормовых угодий, улучшение продуктивности луговых травостоев является одним из главных путей решения неотложных задач фермерских хозяйств. Также необходимо обратить особое внимание на обеспеченность хозяйств собственными кормами.

Одним из важнейших путей увеличения сбора корма с единицы площади, не требующих материальных затрат, является совершенствование структуры посевных площадей кормового клина и максимальное использование потенциальных возможностей растений, т.е. внедрение в производство наиболее урожайных из них.

Для создания культурных пастбищ используют травы, которые в условиях Южного Приаралья быстро отрастают, переносят частые стравливания и вытаптывания животными, продолжительное время сохраняются в травостое, хорошо поедаются скотом и улучшают почвенное плодородие.

Наиболее перспективна из бобовых для пойменных земель – люцерна. Она хорошо переносит пастьбу, зимостойкая, солевыносливая и сильно отлича-

ется отавностью и высокоурожайностью.

Высокой устойчивостью к выпасу, морозостойкостью, хорошими питательными свойствами и хорошей реакцией на орошение обладает костер безостый.

Наибольшей отавностью на пойме Амударьи отличаются ежа сборная и люцерна, которые за лето при поливах отрастают 5-6 раз: овсяница луговая, пырей и житняк 4-5 раз.

Кроме того, у нас выведен новый сорт сорговых культур – многолетнее сорго, который даёт три укоса за год, урожайность каждого укоса составляет по 150-200 ц/га зеленой массы. Как известно, сорговые культуры самые засухо-солеустойчивые, этот вид сорго в одном месте может произрастать 6-8 лет, также отличается хорошей отавностью.

Для травосмесей рекомендуются 4-5 видов растений (чем больше, тем плодороднее почва), из них два вида зерновых злаков, костер безостый, овсяница луговая, ежа сборная, из бобовых трав – люцерна и т.д.

После того как в полях зазеленеют гу-

стым травостоем культурные пастбища, коров и телят можно выпасать на них с апреля по октябрь. Скот на орошаемых пастбищах содержится весь летний сезон ежедневно. В загоне животные получают в сутки по 40-50 кг сочной травы на каждую голову. Все, что скот не успевае стравливать, скашивается на подкормку животным в кормушках и на заготовку зимних кормов.

В результате создания культурных пастбищ в хозяйстве загонем высвобождается значительная площадь пашни, которую можно использовать для выращивания кормовых культур и заготовки на зиму силоса, сенажа, травяной муки, корнеплодов и других кормов.

Создание и использование орошаемых культурных пастбищ способствует резкому повышению продуктивности животноводства в фермерских хозяйствах.

Бекмурат ТУРДИШЕВ, к.с.х.н.,
Генжебай САЙПНАЗАРОВ, к.с.х.н.,
Даулетбай БЕРДИКЕЕВ, м.н.с.,
Каракалпакский научно-исследовательский институт земледелия.

UO‘T: 631.69:33.

TADQIQOT

MEXANIK TARKIBI OG‘IR QUMOQ (GIPSLI) TUPROQLARDA GO‘ZA YETISHTIRISH

The article describes the amount of salts in the soil during irrigation of cotton of the Bukhara-102 variety in the conditions of the Bukhara region with a heavy mechanical composition of gypsum, moderately saline soils that do not loosen deeply, and the deep plasticizer softens at a depth of 60 cm and 80 cm. The results of the study of the secret are presented. In this case, cotton is grown directly, without deep loosening of the soil with the possibility of control, deep loosening of the soil by deep softening by 60 cm and 80 cm as a result of irrigation and drainage works to reduce soil salinity and water loss. impact on permeability.

Yer va suv resurslari cheklangan va qayta tiklanmaydigan tabiiy resursdir. Bugungi kunda yerlar sho‘rlanishi, cho‘llanishi, botqoqlanishi, irrigatsion va shamol eroziyasi, tuproqning har xil texnik chiqindilar bilan ifloslanishi, gumus va oziqa elementlarining kamayib ketishi kabilar ushbu resursga jiddiy xavf solmoqda.

Hozirda respublikamizning umumiy 44410,3 ming gektar yer maydonidan qishloq xo‘jaligida foydalaniladigan yerlari 25681,3 ming gektarni yoki umumiy yer fondining 57,8% ni tashkil qiladi. Shundan qishloq xo‘jaligida intensiv foydalaniladigan yerlar, ya‘ni sugo‘riladigan maydonlar 4,3 mln. gektarni tashkil qilib, ushbu yerlar respublikamizning oltin fondi hisoblanadi, Ular jami yer fondining 10 foizga yaqinini tashkil etib, yalpi qishloq xo‘jalik mahsulotlarining 95 foizini yetkazib beradi. Bu esa respublikamizning ishlab chiqarish faoliyatini belgilab berib, uning iqtisodiy salohiyatini oshirishda bosh omil bo‘lib xizmat qiladi.

Bugungi kunda respublikamizda sugo‘riladigan yerlar 45 foiz atrofida turli darajada sho‘rlangan bo‘lib, buning qariyb 18 foizi kuchli va o‘rta darajada, 23 foizdan ortig‘i esa boniteti past

yerlar toifasiga kiradi. Meliorativ holati qoniqarsiz yerlarning katta qiismi Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Xorazm, Buxoro, Jizzax va Fargona viloyatlariga to‘g‘ri keladi.

Olib borilgan tajribalar 2020-2021 yillarda Buxoro viloyati Kogon tumani “Mavlon Sattor” fermer xo‘jaligining melioratsiyalash qiyin bo‘lgan o‘rta sho‘rlangan, mexanik tarkibi bo‘yicha og‘ir qumoq, gipsli tuproqlar sharoitida g‘ozaning “Buxoro-102” navini yetishtirish bo‘yicha tajribalar olib borildi.

Tanlab olingan tajriba maydoni tuprog‘ining 0-100 sm qatlamdagi tuproqning hajmiy og‘irligi 1,54 g/sm³ ni, chegaraviy dala nam sig‘imi 45,6% ni tashkil qilib, bu tuproqlar mexanik tarkibli og‘ir tuproqlar turiga mansub bo‘lib, tuproq tarkibida qips donalari mavjud.

Tadqiqot dalasida zovurlar orasidagi masofa 250 m ni, zovur chuqurligi 3,5-4,0 m ni, zovur oqimi vegetatsiya davrida 0,38 m³/kun.ga, novegetatsiya davrida esa 0,22 m³/kun ga teng bo‘ldi. Bu suv miqdorining o‘zgarishi vegetatsiya davomida qishloq xo‘jaligi ekinlarini sugo‘rishda dalaga beriladigan sugo‘rish me‘yorlari bilan izohlanadi.

Tadqiqotlarda Buxoro viloyatining Kogon tumani mexanik tarkibi og'ir, zichlashgan, gipsli tuproqlarda yerlarning meliorativ holatini yaxshilash, o'simliklarning o'sib-rivojlanishi uchun qulay namlik, havo, va tuz va suv rejimini ta'minlash maqsadida: dalada chuqur yumshatgich, ya'ni 1-variantda nazorat sifatida 40 sm gacha shudgorlash, 2-varianda 60 sm qatlamda chuqur yumshatib hamda 40 sm gacha shudgorlash va 3-variantda 80 sm chuqur yumshatib hamda 40 sm qatlamgacha shudgorlab, shudgordan so'ng kuz-qish davrlarida tuproqdagi xlor ioni miqdori 0,01% ga yetguncha sho'r yuvildi hamda erta bahorda g'o'zaning "Buxoro-102" navi ekilib, kuzatuvlar olib borildi.

Tajriba dalasida chuqur yumshatilgandan so'ng 2020 yil dekabr oyining ikkinchi o'n kunligidan 2021 yil fevral oyining 2 o'n kunligigacha 3 marta sho'r yuvish tadbirlari olib borildi. Tadqiqotlarning I - variantida mavsumiy sho'r yuvish me'yori 6480 m³/ga tashkil qilib, bir martalik sho'r yuvish me'yori 1835-2490 m³/ga ni tashkil qildi. II - variantda esa mavsumiy sho'r yuvish me'yori 5210 m³/ga tashkil qilib, bir martalik sho'r yuvish me'yori 2155-1610 m³/ga suv sarflangan bo'lsa, III - variantda esa mavsumiy sho'r yuvish me'yori 4935 m³/ga tashkil qilib, bir martalik sho'r yuvish me'yori 1-sho'r yuvishda 2430 m³/ga 2- sho'r yuvishda 1410 m³/ga va 3- sho'r yuvishda 1095 m³/ga ga teng bo'ldi. Bundan esa 1-variant nazoratga nisbatan 1270-1545 m³/ga kam sarflanganligini ko'rish mumkin.

sug'orish me'yori 5435 m³/ga ni tashkil qilib, mavsum davomida go'za 5 marta sug'orildi.

G'o'zaning o'sib-rivojlanishi 1-sentyabr holatida tahlil qilinganda, kuzatuvlarning I - variantida o'simlikning bo'yi 93,6 sm, hosil elementlari 8 ta, o'rtacha ko'sak soni 8,4 dona, shundan ochilgan ko'saklar soni 6,8 donani, ko'chat qalinligi 86 ming tup/ga ni tashkil qildi. Tajribalarning II - variantida esa o'simlikning bo'yi 101 sm, hosil elementlari 11 dona, ko'sak soni 12,4 dona, shundan ochilgan ko'saklar soni 8,2 donani tashkil qilib, ko'chat qalinligi 92 ming tup/ga ga teng boldi. Shuningdek, 80 sm chuqur yumshatilgan III - variantda o'simlikning bo'yi 112 sm, hosil elementlari 19 dona, ko'saklar soni 14,4 dona, shundan ochilgan ko'saklar soni 10,5 dona hamda ko'chat qalinligi 97 ming tup/ga ni tashkil qildi.

Hosildan bo'shagan tajriba dalasida chuqur yumshatgich qilishdan oldin tuproqdagi xlor ioni miqdori tuproqning 1 metrlik qatlamida 0,049% ni tashkil qilgan bo'lsa, 60 sm chuqur yumshatilgan variantda xlor ioni miqdori 0,011% ni hamda 80 sm chuqur yumshatilgan variantda xlor ioni miqdori 0,010% ni tashkil qilgan bo'lsa, nazorat variantida 0,012% ga teng bo'ldi.

Mexanik tarkibi og'ir qumoq (gips)li tuproqlarda chuqur yumshatgich qilingan tuproqlar bo'yicha olib borilgan tajriba natijalaridan shunday xulosa qilish mumkinki, faol qatlamdagi xlor ioni miqdori nazoratga nisbatan II - variantda 0,001%

1-jadval hamda III - variantda 0,002

% ga pasaydi, mavsumiy sho'r yuvish me'yori chuqur yumshatgich qilinmagan variantga nisbatan II - variantda 1270 m³/ga va III - variantda 1545 m³/ga farq qildi. G'o'zani sug'orish me'yori esa II - variantda 5284 m³/ga va III - variantda 5435 m³/ga ni tashkil

2-jadval. m³/ga ni tashkil qilib, nazoratga nisbatan 386-537 m³/ga kam suv sarflandi va tuproqning suv, havo, tuz rejimini yaxshilashga erishildi. Shu

bilan birga, paxtadan yuqori va sifatli hosil olinib, yerlarning meliorativ holatini yaxshilashga erishildi.

Umid JO'RAEV,

q.x.f.n., dotsent,

Behruz ATAMURODOV,

mustaqil tadqiqotchi,

TIQXMI Buxoro filiali.

Sho'r yuvish bo'yicha tajriba natijalari.

Variantlar	Sho'r yuvish me'yori (m ³ /ga)	Sho'r yuvishlar soni	Tuproqdagi xlor ioni miqdori (%)	
			Sho'r yuvishdan oldin	Sho'r yuvishdan keyin
I - variant (nazorat)	6480	3	0,049	0,012
II - variant	5210	3	0,049	0,011
III - variant	4935	3	0,049	0,010

Mexanik tarkibi og'ir, gipsli tuproqlarda go'zaning o'sib-rivojlanishi.

Variantlar	O'simlikning bo'yi	Ko'chat qalinligi (ming.tup/ga)	Hosil elementlari	Ko'sak soni (jami)	Shundan ochilgani
I	93,6	86	8	8,4	6,8
II	101	92	11	12,4	8,2
III	112	97	19	14,5	10,5

Tajribalarda go'zaning "Buxoro-102" navini sug'orish bo'yicha tajriba natijalari tahlil qilinganda I-variant, ya'ni nazoratda sug'orish me'yori 980-1210 m³/ga ni va mavsumiy sug'orish me'yori 5821 m³/ga ni tashkil qilgan bo'lsa, II -variantda esa sug'orishlar me'yori 930-1180 m³/ga ni, mavsumiy sug'orish me'yori esa 5284 m³/ga teng bo'ldi. Shuningdek, tajribalarning III-variantida sug'orishlar me'yori 884-1124 m³/ga ni va mavsumiy

ADABIYOTLAR

1. S.Abdullayev X.Nomozov Tuproq melioratsiyasi. Darslik. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent – 2011.
2. Xamidov M.X., Juraev F.U. Ustroystvo I printsipi raboti drenajno-krotov oborudiya // J."Irrigatsiya va Melioratsiya" – Toshkent, №1(7), 2017. 9-12 S.
3. Xamidov M.X., Shukrullaev I.X., Mamataliev A.B. Qishloq xo'jaligi gidrotexnika melioratsiyasi. "Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosh tahririyati. Toshkent, 2008, 223-234 b.
4. U.Norqulov Tuproqning sho'r yuvishi va suvni tejash texnologiyalarining ilmiy va amaliy asoslari. Qishloq xo'jaligi fanlari doktorlik dissertatsiyasi.
5. Xamidov M.X. Sravnitelnoe vodopotreblenie I rejim orosheniya xlopchatnika, lyutserni I kukuruza na lugovix tyajelo suglinistix pochvax Xorezmskogo oazisa // Dis. kand. sel-xoz. nauk. –Tashkent: 1985. s-108-116.



Polimer Galantery

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

 **(+998) 94-638-33-33**
 **(+998) 95-142-31-19**
 **(+998) 97-342-50-08**

 polimergalantery@mail.ru
 www.polimergalantery.uz

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

УЎТ: 662.997

ТАДҚИҚОТ

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН ИССИҚХОНАДАН ФОЙДАЛАНИБ МЕВАЛАРНИ ГИБРИД ХОЛАТИДА ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

Effective use of heating systems, reliable and modern energy-saving solar collectors of alternative energy sources in the construction of innovative greenhouses.

Жаҳон миқёсида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва илм-фанга асосланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион усулдан самарали натижаларни олиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қуёш энергияси асосида қиш мавсумида инновацион иссиқхона усулида фойданишни назарда тутиб, кичик кўламли, яъни пўлат қувурлардан қовурға қисмини, ташқи қоплама юзасини шаффофлиги 95 фоиздан кам бўлмаган поликарбонатдан ташкил этган энергияни тежамкор иссиқхонани Қибрай тумани Дўрмон маҳалла фуқаролари томонидан бириктирилган ёшлар билан биргаликда амалиёт майдонида, иссиқхона билан кетма-кетликда гибрид ҳолатида ёшларга ажратилган ер майдонидан етиштирилган меваларни қуритиш режаси ишлаб чиқилди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида иссиқхоналардан фойдаланиш, айниқса, Хитой ва бошқа Осиё мамлакатларида кенг тарқалмоқда. Марказий, Шимолий ва Шарқий Европа мамлакатларида, шу жумладан, совуқ иқлим зонасида жойлашган Голландия, Англия, Дания, Германия, Руминия, Болгария ва Россияда замонавий технологияларга асосланган иссиқхоналар барпо этилган. Ўрта Ер денгизи атрофидаги мамлакатларнинг иқлими, қулай экологик шароити иссиқхоналардан серҳосил маҳсулотлар етиштиришга имкон беради. Испания, Туркия, Италия, Греция, Исроил, Португалия каби мамлакатлар шу ҳудудда жойлашган. Ушбу мамлакатларда иссиқхона майдонлари тез суръатларда кўпайиб бормоқда, чунки қиш ойларида ўртача ҳарорат юқори бўлиб, иситиш харажатларининг пасайишига олиб келади, бу эса иссиқхоналардан катта даромад олишга сабаб бўлмоқда.



1-расм. Қуёш коллекторларини турли хил шароитларда мавсумий синаб кўриш инновацион энергия тежамкор лаборатория стендининг иссиқхона мисолида натижаларни олиш жараёни.

Ўзбекистонда ХХ аср охирида олти гектарли ойнаванд иссиқхона комбинатлари 810-73, 810-92, 810-85 сонли намунавий лойиҳалар асосида, плёнкали иссиқхоналар 810-93 ва 810-91 сонли лойиҳалар асосида қурилган. 2000 йилда ойнаванд иссиқхоналар эгаллаган майдон 500 га, плёнка-лилари эгаллаган майдон эса 750 гектарни ташкил этган. Бу даврда парниклар ўз аҳамиятини йўқотди ва у томорқа хўжаликлари ҳамда дала ҳовлилар таркибида қолди, холос. Республикамизда иссиқхоналардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва қуёш энергияси асосида иситиш тизимининг мақбул ечимининг топиш долзарб масаладир.

Бу ҳолатда бизга иссиқхонани иссиқлик миқдори билан таъминлашда ва етиштирилган меваларни қуритишда қуёш коллекторлари асосий қурилмалар бўлиб хизмат қилади. Қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги энг фойдали йўналишлари қуёш билан иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимлари ҳисобланади. Республикамизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан, яъни қуёш энергиясидан фойдаланиш юқори самара беради. Ўзбекистонимиз серқуёш ўлка, қуёшли кунларимиз қарийб 300-330 кунни ташкил этади[2]. Қуёш энергияси билан иссиқхоналарни иситиш тизимлари ўсимликлар учун зарарли ҳолатларни келтириб чиқармайди. Яъни ёқилғи ресурсларидан фойданилганда турли хил ис газлари ажралиб чиқади.

Хусусан, қуёш коллекторларининг қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигида, хориж тажрибаларида таҳлил қилиниб, серқуёш мамлакатимизда фойдаланиш истиқболларини кенгайтириш мазмун ва моҳияти ёритилиб, соҳани такомиллаштириш борасида илмий таклифлар ва амалий тавсиялари ўрганилиб чиқилди. Шу жумладан, қуёш коллекторларини қиш мавсумида иссиқлик миқдори йўқолишининг олди олиниши, куннинг кескин совиб кетишида қуёш бўлмаган ҳолатда музлаб қолишини ҳимоялашга эътибор қаратилди. Республикамизда қуёш энергиясидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш тизимида инновацион технологияларни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада илмий изланишда бўлган, шулар қаторида амалиётда фаолият юритиб келаётган мутахассислар билан қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича кўникмаларни ҳосил қилиши ва кенг

кўламда тушунча олиниб, иссиқхона таъминот тизимларида ички жараёнларни кузатиш учун лаборатория стенди яратилди.

Қуёш коллекторларини электр токи билан қиздириш, антифриздан фойдаланиш, суст циркуляциядан фойдаланиш, дренаж, бу усуллардан ҳозирги кунда фойдаланишда энергия сарфининг юқорилиги кузатилмоқда. Соҳани такомиллаштириш борасида илмий таклифлар ва амалий тавсиялар сифатида гелиоқурилмаларни бузилишдан ҳимоялаш учун афзалликлари ва камчиликлари аниқланиб такомиллаштириш учун иссиқхона ва меваларни қуритишда, яъни қиш мавсумида музлаб қолиши ёз мавсумида қайнаб кетишининг олдини олиш учун сарфланадиган энергияни тежаш мақсадида қуёш коллекторининг ўзини-ўзи

дренаж усули танланди.



2-расм. Режалаштирилган инновацион иссиқхона ва гибрид ҳолатида меваларни қуритиш учун юзаси поликарбонатли кўриниши.

Иссиқхонани иссиқ сув билан таъминлаш иситиш ва шулар қаторида томчилатиб сўғориш тажрибасида қуёш энергиясидан амалий фойдаланиш даражасини ошириш, йилнинг қишки ва ёзги мавсумларида қуёш коллекторларини бузилишдан ҳимоялаш учун музламайдиган суюқликлар (антифризлар)дан фойдаланадиган кўпконтурли қимматбаҳо тизимлар ўрнига, юқори қувватга эга бўлган оддий бирконтурли энергия тежамкор ва ишончли ўзини-ўзи дренаж қиладиган гелиоқурилмаларни ишлаб чиқиш масаласини кўяди.

Қуёш коллекторида иқлимнинг кескин ўзгариши, яъни қиш мавсумининг айниқса кечқурун иссиқлик ташувчи билан ҳавонинг ўрнини алмашилиши музлаб қолиши ва бузилишдан энг самарали йўли ўзини-ўзи дренаж қилиш усулидир.

Шариф ҚАРШИЕВ, докторант,

Юсуф РАШИДОВ, т.ф.д., профессор,

Тошкент архитектура-қурилиш институти,

Фаррух ИСАКОВ,

Мавлон ШАРОПОВ,

Жамшидбек ЮЛДОШБЕКОВ,

“Euroasian development plus” МЧЖ илмий ходимлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Қаршиев Шариф Шеркулович., Исаков Ф., Шаропов Ж., Юлдошбеков Ж. “Қуёш энергияси асосида инновацион иссиқхонадан фойдаланиб гибрид ҳолатида меваларни қуритиш технологиясини яратиш”. «Перспективы внедрения инновационных технологий в развитии сельского хозяйства» халқаро илмий тақризланган конференцияси. Фарғона – ФарДУ 2021 йил 18-июн 490-495 бет <https://journals.e-science.uz/index.php/conferences/article/view/1371/1286>

О'Р-2-30 РУСУМЛИ КИЧИК ПЛУГНИНГ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАНЛАШ

The article selects from the evaluation indicators of GOST 33736-2016 for deep plowing machines, which are required for small plows, their permissions and values

Плуглар давлат синовлари жараёнида ГОСТ 33736-2016 "Қишлоқ хўжалиги техникаси. Тупроққа чуқур ишлов бериш машиналари. Синаш усуллари"да белгилаб қўйилган 47 та кўрсаткич ёрдамида баҳоланади [1]. БизО'Р-2-30 русумли кичик плугнинг конструкцияси, майдони 0,10-0,40 гектарли кичик дала контурларида ишлаш шароити, бошқариш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, бу кўрсаткичлардан 21 тасини ёрдамчи (синов жараёнида техника ясовчиси бўлган завод ёки унинг деҳқон, томорқачи, тадбиркор каби истеъмолчисининг талабларига қараб аниқланадиган ёки аниқланмайдиган), 5 тасини техник экспертиза (ГОСТ Р 54784-2011 бўйича дала синовларидан олдин лаборатория шароитида аниқланадиган) ва қолган 21 тасини асосий (кичик плугнинг ҳайдов машинаси сифатидаги функционал имкониятларини баҳолайдиган) кўрсаткичлар деб олишни тавсия этамиз [2].

Куйида асосий кўрсаткичларнинг номлари, белгиланиши, қўйилган жоизликлар ("=" – тенг; "≥" – энг камида; "≤" – кўпи билан) ва уларнинг қийматлари келтирилган.

Агротехник кўрсаткичлар бўйича: ҳайдов чуқурлигининг белгиланганидан четланиши $y_{11} = \pm 2$ см; шудгорда ўлчами 50 мм дан кичик фракциялар миқдори $y_{12} \geq 60$ %. Умумий талаб – белгиланган чуқурлик кесимида майин тупроқ ҳосил бўлсин.

Энергетик кўрсаткичлар бўйича: плуг талаб этадиган қувват $y_{21} \leq 7,2$ кВт; бир соатдаги ёнилғи сарфи $y_{22} \leq$ (синов натижасида аниқланадиган қиймат) кг/соат. Умумий талаб – ёнилғини кўп талаб этмасин.

Хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича: хизмат кўрсатиладиган жойларга киришнинг қулайлиги ва хавфсизлиги y_{31} ("ҳа" ёки "йўқ"); доимий назоратланадиган объектларнинг кўринувчанлиги y_{32} ("ҳа" ёки "йўқ"); кўндаланг статик барқарорлик бурчаги $y_{33} \geq 28$ градус. Умумий талаб – иш пайтида плуг ва механизатор шикастланмасин.

Ишончлилик кўрсаткичлари бўйича: хизмат муддати $y_{41} = 8$ йил; кафолатли хизмат муддати $y_{42} = 2$ йил; бузилгунча ишлаш муддати $y_{43} \geq 50$ соат; ўртача тузатиш вақти y_{44} синов натижасида аниқланадиган (қиймат) соат; тайёрлик коэффициенти $y_{45} \geq 0,96$; бузилишлар ва носозликлар рўйхати y_{46} . Умумий талаб – плугнинг детал ва узеллари пухта-пишиқ бўлиб, бузилмай узоқ ишласин.

Эксплуатацион-технологик кўрсаткичлар бўйича: агрегатнинг ишчи тезлиги $y_{51} \leq 5,4$ км/соат; эксплуатацион вақтнинг 1 соатидаги иш унуми $y_{52} \geq 0,2$ га/соат; солиштирма ёнилғи сарфи $y_{53} \leq 26$ кг/га; технологик жараённинг ишончлилик коэффициенти $y_{54} \geq 0,98$; эксплуатацион вақтдан фойдаланиш коэффициенти $y_{55} \geq 0,62$. Умумий талаб – кам вақт ичида кўп иш бажарсин.

Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича: 1 гектар ерни кичик плуг ёрдамида шудгорлашга тўғридан-тўғри сарфланган эксплуатацион харажатлар y_{61} = (синов натижасида аниқланадиган қиймат) сўм/га; 1 гектар ерни катта плуг ёрдамида шудгорлашга тўғридан-тўғри сарфланган эксплуатацион харажатлар y_{62} = (синов натижасида аниқланадиган қиймат) сўм/га; 1 гектар ерни кичик плуг ёрдамида шудгорлашда эксплуатацион харажатларнинг пасайиш даражаси y_{63} = (синов натижасида аниқланадиган қиймат) %. Умумий талаб – кичик плуг истеъмолчига фойда келтирсин.

Шундай қилиб, жами кўрсаткичлар тўпламидан ажратиб олинган 21 номдаги асосий кўрсаткичлар синовлар жараёнида О'Р-2-30 русумли икки корпусли кичик плугнинг иш сифати 2 та агротехник, 2 та энергетик, 3 та хавфсизлик, 6 та ишончлилик, 5 та эксплуатацион-технологик ва 3 та иқтисодий мезон ёрдамида кам харажат сарфлаб аниқлаш ва баҳолаш имконини беради.

Зухра МУРАДОВА,
мустақил тадқиқотчи,
ҚХМИТИ.

АДАБИЁТЛАР

- ГОСТ 33736-2016. Техника сельскохозяйственная. Машины для глубокой обработки почвы. Методы испытаний. – М.: Стандартинформ, 2017. – 22 с.
- Муродова З. Кичик тракторларга қўйиладиган эксплуатацион-технологик талабларни даражалашнинг методологик тамойилари // "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журнали. – Т., 2021. - №7. – Б. 42.

МАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАРАЖАСИ МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

The article analyzes the criteria and indicators of the level of food safety in the country. Also, proposals and recommendations were developed to improve these indicators.

Озиқ-овқат муаммоси, эҳтимол, инсоният олдида турган барча муаммоларнинг энг қадимийсидир. Глобаллашув шароитида аҳолини барқарор озиқ-овқат билан таъминлаш дунё ривожланишининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.


Етарли даражада озиқ-овқат билан таъминланмаслик кам миқдорда овқатланиш, одамларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги, уларнинг соғлиги, жисмоний кўрсаткичлари, касалликларга чидамлилиги, замонавий юқори технологик

ишлаб чиқариш жараёнларига мослашиши ва турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда дунёда озиқ-овқат муаммосининг асосий сабаблари сифатида куйидагиларни кўришимиз мумкин: демографик вазият; озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун табиий ресурсларнинг камайиши; истеъмол таркибини ўзгартириш; озиқ-овқат йўқотилиши ва озиқ-овқат чиқиндилари; биоёқилғилар; озиқ-овқат маҳсулотлари жаҳон нархларининг кўтарилиши; инқирозлар, низо ва можаролар.

Келтирилган муаммоларни бартараф этишда, авваламбор, манфаатдор томонларни глобал, минтақавий ҳамда мамлакат даражаларида мувофиқлаштириш стратегиясини белгилаш ва очликка қарши курашда икки томонлама ёндашувни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун бир қатор тамойилларга эътибор қаратиш лозим: Биринчи тамойил – озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича миллий режаларни ишлаб чиқишга сармоя киритиш; Иккинчи тамойил – ушбу фаолиятни глобал, минтақавий ва миллий даражаларда стратегик мувофиқлаштиришни назарда тутиш; Учинчи тамойил – озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича комплекс ёндашувга эришиш; Тўртинчи тамойил – ушбу муаммо билан шуғулланадиган кўплаб ижтимоий институтларнинг роли ва самарадорлигини ошириш; Бешинчи тамойил – стратегик мақсад шерикларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига кўп йиллик инвестициялар учун шарт-шароитларни таъминлаш мажбурияти.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий шароитлар тўплами, балки миллий ва жаҳон иқтисодиётининг умумий ҳолати билан ҳам таъминланади. Озиқ-овқат хавфсизлигида ҳам маълум бир мезонлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини куйидаги 1-расмда келтирилган механизмдан кўриш мумкин.



1-расм. Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мезонлари ва уларнинг боғлиқлик механизми

Мамлакатдаги озиқ-овқат хавфсизлигининг умумий аҳолини аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлар ёрдамида

баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, ушбу ёндашув мамлакатнинг жами аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эришиш учун батафсилроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва ваколатли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун барча зарур маълумотларни тақдим этмайди. Озиқ-овқат истеъмолидаги энг катта қарама-қаршиликлар даромад даражаси бўйича тақсимланган уй хўжалиқларининг биринчи ва ўнинчи дециль гуруҳлари ўртасида, яъни аҳолининг энг қашшоқ ва бой қатламлари ўртасида кузатилади.

Жамиятнинг даромад даражаси бўйича табақаланиши мамлакат миллий хавфсизлигига таҳдид солади ва шунинг учун уни озиқ-овқат истеъмол қилиш даражаси бўйича даромад гуруҳлари ёрдамида баҳолаш ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини тузиш бўйича ишларининг муҳим жиҳатларидан биридир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларининг дециль гуруҳи бўйича нотекис тақсимланишига эътибор қаратамиз (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларининг дециль гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши

2-расмда келтирилган маълумотларга асосан, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларининг дециль гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши 2010 йилда 8,5 га тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 1,6 га пасайиб, 6,9 га тенг бўлди. Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилда аҳолининг умумий даромадлари 401,5 трлн. сўмини ташкил этди ва номинал ўсиши 15,9 фоиз, реал (истеъмол нархлари индексини инобатга олганда) ўсиши эса 2,6 фоизни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтсак, ҳозирги пандемия шароитида мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган қашшоқлик ва очликни камайитириш, ташвишли тенденцияларни бартараф этиш бўйича муҳим натижаларга эришиш учун авваламбор, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш керак. Бунинг учун кўплаб деҳқон-фермерларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга ёрдам берадиган янада кўплаб имкониятлар яратилиши керак. Қишлоқ хўжалигининг ўсишини қашшоқликни камайитириш омилига айлантириш, қишлоқ хўжалигида юзага келадиган таркибий чекловларни олиб ташлашни англатади, бу, айниқса, аграр иқтисодиётдаги миллионлаб ишлаб чиқарувчилар учун муҳимдир.

Отабек АБДУҒАНИЕВ,
и.ф.ф.д., PhD,
Термиз давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

1. О.А.Абдуғаниев “Минтақанинг озиқ-овқат билан таъминланганлигини баҳолаш усуллари ва мезонлари.” // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. – Тошкент, 2018. –№3, май-июнь. 1-8 бетлар.
2. <http://stat.uz>– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

КАМТАРИН, КАМСУҚУМ КАСБДОШИМИЗ



Умр дарё каби бир сокин, бир жўшқин бўлиб оқиб бораверар экан. Ҳамкасбимиз Маъмуржон Камилловнинг ҳаётини айнан шундай дарёга қиёсласа бўлади. У 1951 йил 11 октябрда Тошкентдаги Ҳазрати Имом масжидининг шундайгина биқинида жойлашган Намуна маҳалласида туғилиб, шу масканда вояга етди, оила қурди, фарзандли бўлди. Унинг ота-оналари Раҳимжон ота ва Нозила ая, қўйингчи, барча авлод-аждодлари ҳам шу ерда яшаб ўтганлар.

Касбдошга эҳтиром (Маъмуржон Камилловга)

Ўн саккизда юмушга,
Йигирмада ўқишга,
Борган эди, бир зумда
Кириб қолди етмишга.

Кексаликни тан олмас,
Ўткир қалами толмас.
Сўз ҳақида гап кетса
Асло тўхтатиб бўлмас.

Шогирдлари ичида
Дадил ҳар бир сўзида.
Сал чарчаса қахва бор...
Ёлқин ёнар кўзида.

Кунлари ўтар бедор
Журналист у бетакрор.
Уч авлодни қадрлар
Давраларда ўрни бор.

Шукуржон ЖАББАРОВА

Уч қиздан кейин дунёга келган Маъмуржон “эрка ўғил” бўлиб эмас, болалигидан одобли, илмга чанқоқ, қизиқувчан бўлиб улғайди. Шунинг учун мактабни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни тамомлади. Бироқ у киши бу билан чегаралангани йўқ. Кейинчалик Тошкент Молия институтига ўқишга кириб, иккинчи олий маълумотга эга бўлди, иқтисодчи мутахассислиги бўйича дипломи олди.

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Бирлашган нашриётда корректорликдан бошлади. 1970–1972 йилларда “Меҳнат ва турмуш” журналида техник редактор, корректор вазибаларида ишлади. 1972–1974 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб келиб, 1975 йилдан “Гулхан” журналида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 1976 йилдан “Ўзбекистон коммунисти”–“Коммунист Ўзбекистана” ҳамда “Ўзбекистон социал таъминоти” журналлари таҳририятида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Олий суд Ахборотномаларида самарали фаолият кўрсатди. Иккинчи мутахассислиги бўйича иқтисодчи эканлиги сабабли уни 1993 йилда Тошкент шаҳар, Бектемир туман Давлат солиқ инспекциясига ишга таклиф қилишади. Бу ерда у бош давлат солиқ инспектори, шўба бошлиғи лавозимларида ўн йилдан зиёд вақт мобайнида ҳалол меҳнат қилди, ўзининг меҳнатсеварлиги, поклиги, одамохунлиги туфайли жамоанинг назарига тушди. Бироқ у қалам тебратмай тура олмас эди. Шунинг учун ҳам 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг нашри “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали таҳририятига ишга ўтди. Таҳририятда у маъмурий бўлим

мудир, иқтисод, реклама ва тижорат бўлими мудир лавозимларида ишлаб келди. У 2011 йилда нафақага чиқишига қарамасдан, бугунги кунда ҳам журнал таҳририяти билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Қутлуғ ёшга қадам қўйишига қарамай у ташаббускорлиги, янгиликларга интилиши билан бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда. Айнан шу фазилатлари билан у атрофидаги ёш кадрларга ибратдир. У журналда чоп этиладиган мақолаларни таҳрир қилиш билан бир вақтда ўзи ҳам мунтазам равишда турли мавзуларда мақолалар ёзиб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, унинг жонбозлиги билан 2007 йилда журналнинг тарихи ўрганилди. Республика Давлат архивида сақланиб келаётган кўплаб материалларни уч ой сабот билан ўрганиб, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”нинг 1906 йилдан буён нашр этиб келинаётганлигини аниқлади. Бу унинг журналнинг ҳақиқий ёшини аниқлашга қўшган катта ҳиссаси бўлди.

М.Комилов оқила рафиқаси – Васи́ла опа билан уч ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказди. Улар ҳозирда эл корига камарбаста бўлиб яшаб, меҳнат қилиб келишмоқда. Оқибатли, баодоб фарзандлар Маъмуржон ака ва Васи́ла опанинг катта давлати. 45 йиллик бу оила бағрида бугун 13 нафар набира улғаймоқда.

Таҳририятимиз ижодий жамоаси Маъмуржон Камилловни 70 ёшлик таваллуди билан муборакбод этар экан, унга узоқ умр, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ижодий баркамоллик тилаб қолади.

“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” — “Агро илм” журналлари ижодий жамоаси.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Botirjon SULAYMONOV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2021-yil,
Oktabr №10.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq va
suv xo'jaligi" jurnalidan olindi",
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ш.ХАМРАЕВ. Ҳақиқий ибрат намунаси.....	1
Х.АБДУЛЛАЕВА, Е.ДОРОХОВА, А.ПАРДАБОЕВ. Боғбоннинг кузги юмушлари.....	2
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сохиборга ҳар бир кун ғанимат.....	3
М.ТОШБОЛТАЕВ. Пахта теримида машиналар улуши ошади.....	5
С.МАВЛАНОВ, Ш.ХОЛОВ, М.АСҚАРХОДЖАЕВ, С.АСҚАРОВ, А.КАМАЛОВА. Чорва кишлови – муҳим давр.....	6
Кашқадарё вилоятида ўқув-амалий семинар ўтказилди.....	7
Заҳматлар ортидан келган рағбат.....	8
Х.КАРИМОВ. Соҳа фидойиси ҳақида сўз.....	9
К.ХАЙИТБОЕВ. Деҳқон фарзанди.....	10
Имкон излаганга имкондир дунё.....	11
Ш.ЖАББАРОВА. Эътироф ва эъзоз.....	12
Меҳнатдан шухрат топиб.....	13
Томорқа “ҳадя” этаётган бахт.....	14
К.ЭРГАШЕВ. Фахр туйғуси.....	15
А.АХМЕДЖАНОВА. Аёл борки, мунаввар дунё.....	16
Ш.УМАРОВ. Продовольственная безопасность в мире.....	17
Э.АБДУЛИМОВ. Тил ва халқ – жон ва тан.....	18
Ш.СОДИҚОВА. Сув кадри.....	19
Ш.НОРМУРОДОВ. Пахтачиликда Нарпай мактаби.....	20
Меҳнатнинг таги роҳат.....	21
Р.ТОЖАЛИЕВА. Ориятли одамлар.....	22
У.НОРМАТОВ. Кумқўрғонлик пахтакорлар зафарида сувчиларнинг ҳам ҳиссаси бор.....	22
Ш.СУЮНОВ. Тожикистон сафари самарали бўлди.....	23
Талабалар учун янги имкониятлар яратилди.....	24
Ў.ЎЛДОШЕВ. Кўчар ва кўчмас мулкка доир мерос ҳуқуқи.....	25
Ў.ҚУРБОНОВ. Ворислик ҳуқуқи.....	25
Р.НАЗАРОВ, А.ШАМСИЕВ, Ж.АБДУЛЛАЕВ. Производство и потребление хлопковых волокон в мире.....	26
В.АВТОНОМОВ, А.БАКИРОВА, А.РАВШАНОВ. Продуктивность хлопка-сырца одного растения у линейно-сортовых гибридов F ₁ - F ₂ вида <i>G. Hirsutum L.</i>	27
А.ХУСАНОВА, Х.ЭГАМОВ. Янги гўза тизмаларнинг хўжаликка фойдали белгилари, сўрувчи ва кемирувчи зараркундаларга бардошли эканлигини ўрганиш натижалари.....	29
Ў.МАҲМУДОВ, Б.ХАЛИКОВ. Такрорий экилган ерэнғоқ ва соянинг амал даврлариаро ривожланишида экиш муддати ва меъёрларининг таъсири.....	30
И.ОДИЛОВ, И.СУЛАЙМОНОВ. Қанд лавлагидан уруғ олишда қўлланилган минерал ўғитларга боғлиқ ҳолда озика моддаларни ўзлаштириши.....	31
Б.СУЛАЙМОНОВ. Энтомофагаларни кўпайтиришнинг инновацион технологиялари.....	33
Р.МЎМИНОВА, П.ТОШМАТОВА, А.НУРЖОБОВ. Нок ширинчаси (<i>Psylla Pyri L</i>) га қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги.....	34
М.ХАЛИЛОВА, М.АЛИМОВ. Ипак куртининг жинси нишонланган тизимлари ва улар иштирокидаги F ₁ дурагайининг морфологик белгилари.....	35
М.НОРМУМИНОВА, У.РАХИМОВ. Tajriba guruhlaridagi sigirlarni iste'mol qilgan ozuqasini sut bilan qoplash xususiyati.....	37
Б.ШОНИЁЗОВ, Т.ОРТИҚОВ, Г.ЭЛМУРОДОВА. Ўғитларнинг амарант ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатига таъсири.....	38
Б.ТУРДИШЕВ, Г.САЙПНАЗАРОВ, Д.БЕРДИКЕЕВ. Создание орошаемых культурных пастбищ при фермерских участках и полях животноводческих комплексов – гарантия обеспечения дешевыми кормами животных.....	40
У.ЖО'РАЕВ, В.АТАМУРОДОВ. Механик tarkibi og'ir qumoq (gipsli) tuproqlarda go'za yetishtirish.....	41
Ш.ҚАРШИЕВ, Ю.РАШИДОВ, Ф.ИСАКОВ, М.ШАРОПОВ, Ж.ЮЛДОШБЕКОВ. Қуёш энергияси асосида инновацион иссиқхонадан фойдаланиб меваларни гибрид холотида қуритиш технологиясини яратиш.....	43
З.МУРАДОВА. О'Р-2-30 русумли кичик плугнинг баҳолаш кўрсаткичларини танлаш.....	45
О.АБДУҒАНИЕВ. Мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлиги даражаси мезонлари ва кўрсаткичлари.....	45
Камтарин, камсуқум касбдошимиз.....	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx.jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: uzqxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2021-yil 4-oktabr.
Bosishga ruxsat etildi: 2021-yil 4-oktabr. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma №10. Nuxsasi 1000 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

www.chorvador.uz

ОБУНА – 2022 *** ОБУНА – 2022 *** ОБУНА – 2022

АГАР СИЗ «О‘ЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кировчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани тўғридан-тўғри “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АКнинг жойлардаги бўлимларида, шунингдек, таҳририят орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекслари:
**«O‘zbekiston qishloq
va suv xo‘jaligi» – 895**
«Agro ilm» – 859



**Журналларимизга
2022 йил учун
обуна бўлинг!**

